


ЯКУБОВА ДИЛАРАМ

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА
ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ
ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ
НАТИЖАЛАРИ



УЎЗБЕК ИСТИҚЛАШТИРИШ НАЗАРИЯТИ ВА ПРАКТИКАСИ
1997 й. 1-қ. 1-3-б. 1-3-б.

ЯКУБОВА ДИЛАРАМ ТАДЖИЕВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА
ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ
ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ
НАТИЖАЛАРИ

TOSHKENT
"TAFAKKUR AVLODI"
2021

УЎК 808.5(075.8)
КБК 83.7уа73

Монография Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Илмий кенгаширининг 2021 йил 3 ноябрь № 3 сон йиғилишида тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Якубова, Диларам.

Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлигининг ўрнатилиши ва унинг натижалари. / Д. Якубова. – Т.: “Tafakkur avlodi”, 2021. – 208 б.

Маъсул муҳаррир;

т.ф.д.профессор Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич

Тақризчилар;

**т.ф.д.профессор Х Юнусова Хуршида Еркиновна,
т.ф.д. доцент Қобулов Эшболта Атамуродович**


Монографияда Сурхон воҳаси мисолида совет ҳокимияти даврида Ўзбекистоннинг пахта хомашё базасига айлантириши ва унинг натижалари, воҳада пахтачиликнинг ривожланиши учун суғориш тизими соҳасида дастлабки ҳаракатлари, совет ҳукуматининг пахта масаласидаги зўравонлик сиёсати, «Ўзбеклар иши» билан боғлиқ воқеалар, меҳнатга ҳақ тўлаш жараёни, ушбу даврда халқимизнинг турмуш тарзида юз берган ўзгаришлар, муаммолар ва камчиликлар ҳамда унинг натижалари ёритиб берилган. Монография Олий ва ўрта махсус ҳамда умумтаълим мактаблари профессор-ўқитувчиларига, магистрантлар, доктарантларга ўқув-илмий қўлланма ҳамда АРМ, музейлар, кенг китобхонлар оммасига мўжаллаб тайёрланган ва нашр этилган.

ISBN-978-9943-6897-8-7

“Tafakkur avlodi”, 2021 й.

Мундарижа

Кириш	4
I БОБ. Мустабид тузумнинг пахта яккаҳоқимлигини ўрнатиш учун ўтказган сиёсати.....	18
1.1. 1930 йилларда совет режимининг пахтачиликни ривожлантириш учун юритган сиёсати	18
1.2. Сурхон воҳасида пахта яккаҳоқимлиги ўрнатилишининг ўзига хос хусусиятлари	44
I бобга хулосалар	68
II БОБ. Сурхон воҳасида суғориш тизимининг ривожлантирилиши ва унинг пахтачилик тараққиётидаги ўрни.....	70
2.1. Сурхон воҳасида пахтачиликнинг ривожлантириш учун суғориш тизими соҳасидаги дастлабки ҳаракатлар....	70
2.2. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда воҳада суғориш тизимини такомиллаштириш ва унинг натижалари	85
II бобга хулосалар.....	110
III БОБ. Сурхон воҳасининг пахтачилик хўжаликларида ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва унинг натижалари.....	112
3.1. Сурхон воҳасида 1946-1970 йилларда пахта яккаҳоқимлиги сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижалари.....	112
3.2. Турғунлик йилларида Сурхон воҳаси пахтачилигининг ҳолати ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга салбий таъсири	139
III бобга хулосалар.....	165
Хулоса.....	167
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати ...	169
Иловалар	189



КИРИШ

Жаҳонда ўзаро интеграциялашувнинг кучайиши натижасида инсониятнинг кундалик эҳтиёжлари ҳисобланган озиқ-овқат ва кийим-кечакка бўлган талабни қондиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури пахта хом-ашёсининг ўрнига алоҳида эътибор қаратмоқда. Айниқса, монографияда пахта стратегик хом ашё бўлганлиги сабабли дунё миқёсида унга бўлган талаб ва эҳтиёж йил сайин ошиб бориши туфайли ҳозирги глобаллашув жараёнида жаҳон мамлакатлари ўртасида пахта етиштириш, уни сотиш ва сотиб олиш борасида кескин рақобат юзага келганлиги таҳлил этилган.

Дунёдаги йирик илмий тадқиқот марказлари томонидан пахтачилик соҳасининг ривожланиш тарихини ўрганиш билан бирга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ва 2016-2020 йиллар Тараққиётга кўмак дастури (ЮНДАФ) асосида пахтачилик билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш жараёнида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва инклюзив иқтисодий ривожланишни таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида сифатли хизматлар билан янада кенгроқ таъминлаш орқали инсон салоҳиятини ошириш, ижтимоий хизматларни яхшилаш ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган бошқарувни амалга ошириш мақсадида ушбу монография яратилди.

Монографияда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли қишлоқ хўжалиги ривожини билан боғлиқ Сурхон воҳасида амалга оширилган пахтачилик тарихига доир XX асрнинг 20-80 йилларда ер-сув ислохотлари, ялпи жамоалаштириш, оммавий репрессиялар, пахтачиликнинг ривожланиши, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация ва мелиорация, механизация ишларининг пахта яккаҳокимлигига бўйсундирилиши, қишлоқ хўжалигида ғаллачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик улушининг пасайиши, «Ўзбеклар иши» каби турли хил ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнларни амалга оширишган совет ҳокимиятининг қишлоқ аҳолиси турмуш даражасига кўрсатган салбий оқибатларини далиллар билан асослаб бериш билан таҳлил этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ушбу монографияда совет ҳукумати томонидан пахтачиликни ривожлантириш борасида амалга оширилган сиёсат, маҳаллий аҳолининг кўрсатган меҳнат фидойилиги билан бирга соҳада юз берган кўплаб салбий ҳолатлар ва меҳнаткаш халқимиз томонидан амалга оширилган ижобий ишлар ёритиб берилган.

Монографиянинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши ва унинг натижалари Сурхон воҳаси мисолида ҳозиргача махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шуни ҳисобга олиб, ушбу монографияга оид тадқиқотларни илмий жиҳатдан шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: Совет даври тадқиқотлари; Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга оид адабиётлар совет жамиятида тоталитар режим кучайган бир шароитда

яратилди. Бу давр тарихий адабиётда совет ҳокимиятининг миллий республикаларда, жумладан, Ўзбекистонда олиб борган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини акс эттирувчи фикрлар ва маълумотлар учрайди¹.

Ўзбек пахтачилик тарихини ўрганиш масаласида олиб борилган тадқиқотлардан М.Муҳаммажонов, Т.Улжабоев, М. Мамедов, С.Родичев, Б.Фирсонларнинг дунёда пахтачиликнинг тарихи, унинг навлари, жаҳон иқтисодиётидаги ўрни, саноат корхоналарни пайдо бўлиши ва ўсиб боришидаги аҳамияти АҚШда етиштириладиган пахтачиликни ривожига бевосита боғлаб ўрганилиши ва республикада пахтачиликни тараққий этиш усуллари ҳамда уни Совет Иттифоқида пахта етиштириш агротехникаси билан таққосланиши таҳлил этиб берилган². Ҳ.Саидовнинг тадқиқоти Ўзбекистонда пахтачиликнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири, янги ерларни ўзлаштирилиши, колхоз ва совхозларнинг пахтачилик соҳасига тўлиқ мослаштирилиши, пахтани квадрат уялаб экишга, ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлашга, ҳосилни машинада теришга, селекциячиликда зарур янгиликлар тўғрисидаги тарихий манбаларни таҳлил этиши билан муҳим аҳамиятга эга³.

¹ Ikramov A. Josipov O. Karimov A. Qosimovchilik milliy aksilinqilobchilik. -Т.: OZNASR. 1930; Yusupov U. Aksilinqilobiy banditlar shaykasini batamom qirib tashlaylik. -Toshkent, O'zKP (b) MQ nashriyoti. 1937; Ўзбекистон коммунистик партияси тарихининг очерклари. -Т.: Ўзбекистон. 1964; Йўлдошев Х. Троцкизм-ленинизмнинг ашаддий душмани. -Т.: Ўзбекистон. 1978; Юлдашев Х. Роль Компартии Узбекистана а разгроме троцкистско-зиновьевского блока. -Т.: Узбекистан. 1979.

² Муҳаммажонов М, Улжабоев Т, Мамедов М, .Родичев С, Б.Фирсон Б ларнинг "АҚШ пахта плантациялари" .Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Т.:1960.

³ Саидов Ҳ. "Оқ олтиннинг оқ йўли". 1-қисим.Т.: "Қизил Ўзбекистон", "Правда Востока", ва "Ўзбекистони Сурх" бирлашган нашриёти.ГБ УзССР.1963. 2-қисим. Т.: "Қизил Ўзбекистон", "Правда Востока", ва "Ўзбекистони Сурх" бирлашган нашриёти.ГБ УзССР.1963

Ҳ.Зиёев Ўзбекистон пахтачилигига бағишланган илмий монографияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўзбек пахтасининг жамият тараққиётидаги ўрни, машаққатли ва тинимсиз меҳнатининг маҳсули, халқ-хўжалигидаги фаоллиги, пахта етиштиришда ўзбек деҳқончилигининг маданияти, меҳнат-севарлиги тарихий манбалари билан баён этилган⁴.

А.Раззоқовнинг асарида пахта мустақиллиги учун Ўзбекистон меҳнаткашларининг кураши икки даврни – биринчиси, пахтачиликнинг тикланиши (1917-1928 йиллар), иккинчиси, пахтачиликнинг янада ривожланиш (1929-1932 йиллар) даврларини ўз ичига олади, дея таъкидланган. Шунингдек, ушбу асарда биринчи беш йиллик (1929-1932 йиллар) якунида СССР нинг пахта мустақиллигига эришуви манбалар асосида очиб берилган⁵.

XX аср 30-80 йилларидаги тадқиқотларда Ўзбекистон пахтачилигини пахта-саноат комплекси билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш масалалари умумий тарзда баён этилган⁶. Шу билан бирга, мазкур адабиётларда совет мафкураси таъсири остида Ўзбекистондаги пахтачилик тараққиётининг фақат

⁴ Зиёев Ҳ.Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан.Т.: "Фан".1960.

⁵ Раззаков А. Борьба трудящихся Узбекистана за достижение хлопковой независимости СССР. - Ташкент: Фан, 1968.Уша муаллиф. Ўзбекистонда пахтачилик тарихи (Ўтмиш ва ҳозир).Т.: "Ўзбекистон".1994. Уша муаллиф. Ўзбекистон пахтаси.ЎзПТИ, №-333:633.5.Р.18д. Т.: 2009.

⁶ Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. - Ташкент: 1957; Ризаев Г. Аграрная политика советской власти в Узбекистане. - Ташкент: Узбекистан, 1967; Гулямов Я, Набиев Р. История Узбекской ССР. - Ташкент: Укитувчи, 1977.;Непомнин В.Я. Очерки по истории социалистического строительства в Узбекистане (1917-1937 гг.). - Ташкент: 1967; История Узбекской ССР в 4-томах. Том III. - Ташкент: Фан, 1967; История Узбекской ССР. В 4-х томах. Том IV. -Ташкент: 1968; К социализму минуя капитализм. Исторический опыт по социалистическому строительству в Средней Азии и Казахстане в 1917-1937 гг. -М.: Изд-во политической литературы, 1974.

ижобий томонларигина ёритилган. Шунингдек, В.Венгскийнинг тарихий тадқиқотда Сурхондарё вилоятига тааллуқли МТСларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамланиши, колхозларнинг бўлинмас фондларнинг ўсиши, Учқизил сув омборини қурилиши, пахтага ҳақ тўлаш каби маълумотлар баён этилган⁷. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга таъсири масаласида тадқиқотлар олиб борган И.Кимнинг асарида пахта экин майдонларини ошиб бориши, колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш самарадорлик даражасини пастлиги, меҳнат ундорлигини сустлигини олдини олиш мақсадида ёшларни пахат етиштиришга жалб этиши, Сурхондарёлик ёш механизаторларни фаоллиги ҳақида маълумотлар тақдим этилган⁸.

Совет ҳокимиятининг 1930-1960 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни тараққий эттириш мақсадида ирригация тизимини ривожлантириш, чўллар, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида амалга оширган ишларини акс эттирувчи китоб ва мақолалар таҳлил қилинаётган адабиётлар гуруҳини ташкил этади⁹. Совет даврида жанубий ҳудудларда суғорма деҳқончилик тарихи бўйича яратилган адабиётларнинг аксарияти бирёқламалиги билан ажралиб туради. Ушбу асарларга хос бўлган умумий хусусият шуки, бу асарларда кўпроқ мустабид туз-

⁷ Венгский В. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши. Т.:Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамияти.1968. №-1-16641.0д.

⁸ Ким И.Ўзбекистонда пахтачилик ривожининг социал-иқтисодий асослари.Т.: "Ёш гвардия".1975.

⁹ Зиядуллаев С.К. Важные вопросы строительства в освоение голодной степи. - Т., 1957; Иванов С.А. Орошение целинных земель Голодной степи. - Т., 1957; Шерстобитов В.П. Народное движение на освоении Голодной степи (1939-1941). - Фрунзе: Илим, 1967.

умнинг аграр сиёсатини улуғлаш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни хаспўшлаш каби ҳолатлар устун туради. Улардан В.Смирнов, М.Н.Рождественский, М.М. Крилов каби муаллифларнинг асарларини қайд этиш мумкин¹⁰. Бу асарлар совет ҳокимияти мафкураси таъсирида ёзилган бўлиб, табиийки, қатор ноҳолисликлар мавжуд. Лекин 4 жилдлик «Ўзбекистон ирригацияси»¹¹ асари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Сабаби, унда Ўзбекистондаги 1980 йилларгача бўлган ирригация тарихи ҳамда йирик сув иншоотларини қуришга бошчилик қилган машҳур ирригаторлар ҳаёти тадқиқ этилди.

Ўзбекистонда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг иқтисодий омиллари, инсон ҳаётига қўшадиган ҳиссаси, ҳосилдорликни кўтариш ва янги навларни яратиш, колхоз ва совхозларни моддий техник ҳолатини яхшилаш ва унинг натижалари хусусида муҳим тарихий манбаларни таҳлил этган маълумотлардан мавзунини ёрт ишда фойдаланилди¹²

1970-1980 йилларда Сурхон-Шеробод воҳасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши юзасидан бир қанча рисола ва монографиялар яратилди¹³. Профессор И.Холиқовнинг монографиясида Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, сув омборлар ва каналлар қурилиши билан боғлиқ бўлган маълумотлар тақдим этилган¹⁴. Бу ўринда З.У.Чориевнинг

¹⁰ Смирнов В. Орошение Голодной степи // Народное хозяйство Казахстана. 1932, -№2-3; Крылов М.М. К схеме естественно-исторического районирования Голодной степи // Известия УзФАН, 1941. -№3; Рождественский М.Н. Освоение прелогов в хлопковых районах. -Т, 1939.

¹¹ Ирригация Узбекистана. В 4-х томах. - Т., 1975-1979-1981 гг.

¹² Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. Т.: "Фан".1980.

¹³ Халиков И. Борьба трудящихся республик Средней Азии за орошение крупных целинных массивов. - Т.: Фан, 1982 г.

¹⁴ Халиков И. История орошения и поливного земледелия в Сурхан-Шерабадской долине. - Т.: Фан, 1977.

тадқиқоти эътиборга лойиқ¹⁵. Унда муаллиф Сурхон-Шеробод воҳасида пахтачиликни ривожлантиришнинг ўзига хос томонларини ишончли манбалар асосида ёритишга ҳаракат қилган.

Иккинчи гуруҳга оид адабиётлар мустақиллик даврида ёзилган бўлиб, уларда мустабид тузум даври, пахта якка хуқмронлигини ўрнатиш жараёнида содир бўлган фожиали саҳифалар очиқ берилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида пахта етиштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб борган Р.Назаровнинг жаҳон ва мамлакатмизда аграр соҳада қишлоқ хўжалигини тараққиёти, совет ҳокимияти даврида пахтачилик соҳасидаги муаммолар, америкада пахта етиштиришнинг замонавий технологияларни ривожланиш сабаблари тарихий манбалар билан илмий тақосланган¹⁶. Миллий истиқлол мафкураси руҳида ёзилган китоблар¹⁷, илмий мақолалар¹⁸, Ўзбекистон тарихига оид фундаментал тадқиқотлар¹⁹ ва дарс-

¹⁵ Чориев З.У. Ривожланган социализм даврида Сурхон-Шеробод воҳаси кўриқ ерларини ўзлаштириш тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 1983.

¹⁶ Назаров Р. Америка пахтачилиги. Т.: "Меҳнат". 1992.

¹⁷ Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. Т.: Шарқ, 2001; Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. – Т.: Фан, 1991; Қиличев Ф. Зулматдан садолар. –Т.: Адолат, 1994; Узоқов Х. Қалблар нидоси. Иккинчи китоб. –Т.: Адолат, 1997; Ахророва Х. Истиқлол фидойилари. Изларини излайман. –Т.: Шарқ, 1998.

¹⁸ Ражабов Қ. Турор Рискуловнинг таржимаи ҳоли // Саодат. 1992. – №3-4, 5-6. 12-14; Зиёева Д. Туркистон мустақиллиги учун кураш масалалари. 20-30 йиллар талқинида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1998. –№1. –Б. 67-73; Ўша муаллиф. Сохта ва чин ҳақиқатлар // Тафаккур. 1998. –№3. –Б. 64-69.

¹⁹ Жадидчилик – ислоҳот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. –Т.: Университет, 1999; Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. –№2. –Т.: Шарқ, 1999; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир: т.ф.д. Д.А.Алимова. –Т.: Шарқ, 2000.

ликлар чоп этилди. Жумладан, 2000 йилда ЎзФА Тарих институти томонидан нашр этилган фундаментал тадқиқотда илк марта 1921-1924 йилларда совет ҳокимиятининг пахта сиёсати, унинг Марказ манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширган ҳаракатлари ўз ифодасини топган²⁰.

Совет тузуми даврида Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги ўрнатилиши ва унинг оқибатлари, юзага келган муаммо ва натижаларни таҳлил этиш қатор диссертация ишларида ҳам маълум даражада ўрганилган²¹.

Совет ҳокимиятининг пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг ўрнатилишининг дастлабки йиллардан бошлаб амалга оширилган Марказни пахта хомашёси билан таъминлаш сиёсати, пахтачилик хўжаликларни ташкил этиш, жамоалаштириш, колхоз ва совхозларни ташкил этиш жараёнида олиб боирган “кулоқлаштириш”, сургун қилиш, кўчириш сиёсатининг моҳияти ва мақсадлари Р.Шамсутдиновнинг илмий тадқиқотида ўз ифодасини топган. Тадқиқотчи ушбу даврни аниқ маълумотлар асосида

²⁰ Туркистан в начале XX века у истоков национальной независимости. –Т.: Шарқ, 2000.

²¹ Турсунов И.Й. Ўзбекистон маорифчиларининг истиқлол йўлидаги кураши тарихидан (1917-1930 йиллар). Тарих фан. док. ил. дар. олиш учун ёз. дисс. – Т.: 1994; Агзамходжаев С.С. Туркестанский мухтарият: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Т.: 1996; Куллиев Х.М. Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917-1920 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Т.: 1998; Хайдаров М.М. Централизованная политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Т.: 1998; Хасанов Б.В. Национальная интеллигенция Узбекистана и исторические процессы в 1917- начале 50-х годов. Автореф. дисс. док. ист. наук. – Т.: 2001; Абдурахмонова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида 1925-1941 йй.) Тарих фан. ном. дисс. автореф. – Т.: 2002. ва бошқ.

холисона ва танқидий руҳда баён этганлиги билан ажралиб туради²².

Мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси тарихига оид муҳим илмий монографиялар нашр этилди. Жумладан, А.Н.Рўзиев ва С.Турсунов томонидан чоп этирилган бир қатор монографияларда Сурхон воҳасида пахтачилик билан боғлиқ жараёнлар илмий таҳлил қилинган²³. Ўзбекистонда пахтачилик тарихини ўрганишда аграр соҳада амалга оширилган ислохотларни илмий таҳлил қилиши, пахтачиликдаги долзарб масалаларни ижобий ҳал этиш, пахтачиликда янги технологияларни жорий этиш, маъмурий-бўйруқбозлик сиёсатига тўлиқ чек қўйиши, пахта нархни ошириш, мамлакат иқтисодиётини кўтариш, аграр соҳа мутахассисларни иш ҳақини ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида ҳимоя қилиш борасида 2009 йил Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция маърузалари алоҳида аҳамиятга эга бўлди²⁴.

Н.Уруновнинг тадқиқотларида Ўзбек пахтачилик тарихида Сурхон воҳасида муҳим из қолдирган тарихий шахсларни ҳаёти ва фаолияти, “Ҳазарбоғ” пах-

²² Шамсутдинов Р.Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т.: “Шарқ”.2001.

²³ Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. –Термиз: Жайхун, 1996; Турсунов С. Сурхондарё тарих кўзгусида (ҳаммуаллифликда). –Т.: Шарқ, 2001;Турсунов С. Сурхондарё тарихи (ҳаммуаллифликда) –Т.: Шарқ, 2004; Турсунов С. Шерободликлар –Т.: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2007; Турсунов С. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. –Т.: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2006; Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон. –Т.: Фан, 2008; Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Т.: Фан, 2009.

²⁴ “Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари”.Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция маърузалари.Т.: ЎзФА.№-2011-11-49. 2009.

тачилик хўжаликларни ташкил топиши, Бухородан кўчириб келтирилганлар, пахтакор аҳолини турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт соҳасидаги тарихий манбалар таҳлил этилган²⁵.

Таниқли тарихчи олим Ҳ.Зиёевнинг илмий тарихий тадқиқотларида пахтачиликни ривожлантиришдан Россия мустамлакасини ва мустабид тузумини асосий мақсадлари, Ўрта Осиё худудига ҳукмронлик қилишдан манфаатлари, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётга кўрсатган салбий оқибатлари, совет дврида пахтачиликни халқимиз бошига олиб келган салбий оқибатлари, халқимизнинг деҳқончилик ва хунармандчилик, касбий маҳорати оид муҳим аҳамиятга эга манбалар тақдим этилган²⁶.

Мустақиллик йилларида пахтачилик тарихини илмий таҳлил этиш борасида А Абдуллаевнинг диссертацияси маҳим манбаларни холисона баён этиши билан ажралиб, ушбу тадқиқот ишда пахтачилик билан боғлиқ манбалар ва тарихшуносликга оид асарларга, илмий-тадқиқот ишларига, пахтачиликни совет даврида яккаҳокимлик сиёсатига айланиши, “пахта мустақиллигига” эришиш, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация ва мелиорация, механизация ишларининг пахта монокультурасига бўйсундирилиши, республиканинг қишлоқ хўжалигидаги асорати ҳамда турғунлик ҳолатининг келиб чиқиш жараёнлари холисона, изчиллик асосида ёрииб берилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир²⁷.

²⁵ Урунов Н. Умрим зарварақлари. Т.: “Zabarjad media” 2020.

²⁶ Зиёев Ҳ. Чоризм ва пахта яккаҳокимлиги (1991). Т.: “Шарқ юлдузи” журнали. №-5сон. 169-175 бетлар. Асарлар тўплами. IV. Т.: “Шарқ”. 2003.

²⁷ Абдуллаев А.Н. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги ва унинг оқибатлари (1917-1991 й.й.) Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертацияси.Т.:2021.

Монографиянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Сурхон воҳасига Марказнинг пахта яккаҳоқимлик сиёсати асосида Фарғона, Наманган, Андижон ва Самарқанд, Бухоро ҳудудларидан мажбурий кўчириб келтирилган аҳолини Термиз, Денов, Сарийо-сиё ва Узун районларидаги тайёр экин майдонларига ҳамда суғориш учун қўлай бўлган ҳудудларига жойлаштирилиши, ер-сув ислоҳоти, кулоқлаштиришга оид маълумотлар монографияда илмий далилланган;

совет даврида минтақадан пахтачилик маданиятини эгалаган маҳаллий аҳолини мажбуран Шимол-Кавказга, Саратов, Дон, Днепр дарё бўйларига кулоқ қилиниши ҳамда деҳқончилик билан боғлиқ тадбирларнинг коммунистик мафкура ғояларига мослаштирилганлигига оид манбалар монографияда илмий далилланган;

монографияда тадқиқи этилган ҳудуднинг Шеробод, Музробод ҳудудларда кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш даврида америка, миср, хитой пахта-ларини маҳаллийлаштириш асосида иқлимга мос янги навларни яратилиши, полиз экинлари ичидан пахтани ажратиб кичик ариқчалаб экиш каби маълумотлар илмий таҳлилланди;

воҳада пахтачиликни ривожлантириш масаласида 1930-1990 йилларда техникани ўзлаштиришда русийзабон мутахассисларга қўшимча иш ҳақини тўлаш, маҳаллий мутахассисларни тайёрлашдаги эътиборсизлик, иқтисодий-маданий ва экологик муҳитнинг бузилиш сабаблари монографияда илмий асосланди.

Монографиянинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

монографияда Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлигининг ўрнатилиши ва унинг натижалари 1930-1990 йилларда Сурхон воҳаси мисолида ЎЗМДА, вилоят ва туман архив маълумотлари, тарихий адабиётлар, матбуот ҳамда дала тадқиқотлари асосида бошқа минтақалардан аҳолини кўчириб келтирилиши сабаблари, маҳаллий мутахассисларга муносабат, қишлоқ хўжалик техникаси ва янги пахта навларининг яратилиши, кимёвий воситалардан фойдаланишнинг салбий оқибатлари, ер унумдорлигининг издан чиқиши, шўрланиш ҳамда ташландиқ ерларнинг кўпайиш сабаблари асосланган;

-воҳада пахтачиликни ривожлантириш, кластер хўжаликларини ташкил этиш, экинзорларни суғоришда сув манбаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш, пахтачилик билан шуғулланадиган илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Монография натижаларининг ишончлилиги. Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлигининг ўрнатилиши ва унинг натижалари 1930-1990 йилларда Сурхон воҳаси мисолида тадқиқ этиш Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги, Сурхондарё вилояти ва туманлардаги архивларнинг тарихий манбаларига асослангани, шунингдек, мавзу бўйича асосий натижалар республика ва хорижий илмий нашрларда, конференцияларда кенг муҳокама қилинганлиги, амалий натижаларнинг эса ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Монография натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлигининг

Якубова Диларам Таджиевна

Ўрнатилиши ва унинг натижалари 1930-1990 йилларда Сурхон воҳаси мисолида *даврнинг ҳолати ва муаммоларига оид назарий-методологик хулосаларни мукаммаллаштиради*;

монография натижаларининг амалий аҳамияти эса, олий таълим муассасаларида *Ўзбекистонда пахтачилик тарихига доир махсус курсларни ташкил этиш, илмий-амалий лойиҳаларнинг бажарилиши ва фундаментал асарлар яратилишига хизмат қилади*.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши ва унинг натижалари 1930-1990 йилларда Сурхон воҳаси мисоли бўйича манбалар монографияда ёритилди:

Сурхон воҳаси мисолида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида Фарғона, Самарқанд ва Қарши минтақалардан аҳолини мажбурий кўчириб келтириш сабаблари, маҳаллий мутахассисларга муносабат каби манбалардан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи» фондидан, шунингдек, Термиз давлат университети тузилмасидаги «Қатағон қурбонлари хотираси музейи» экспозициясининг «Советлар ҳокимияти даври» номли бўлимидан яратишда монография маълумотларидан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2020 йилнинг 15 июндаги 49-хати билан тасдиқланган). Муаллиф томонидан тақдим этилган архив ҳужжатларининг нусхалари, сургун қилинганлар, кўчирилганлар, "пахта иши" бўйича ноҳақ айбланганларнинг фотосуратлари ва шахсий ҳужжатлари, шунингдек, оғзаки тарих материал-

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ
ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

лари экспозициянинг янада қизиқарли бўлишида нухун аҳамият касб этган;

Совет даврида пахтачилик билан боғлиқ жамолаштириш, сургун, кўчириш ва «янги ерларни ўзлаштириш», «пахта ҳосилдорлигини кескин ошириш», бошқа экинларни кескин камайтириш каби манбалардан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган анжуманларда, мутахассислар малакасини ошириш ва ҳисоботларни таққослашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 8 июлдаги 05/020/2078-хати билан тасдиқланган). Монография қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қўлланма ва рисоалар тайёрлаш ҳамда турли тадбирларни ўтказишда намуна бўлиб хизмат қилади.

DENOV TADBIRKORLIK
VA PEDAGOGIKA
INSTITUTI ARM
№ 2844

I БОБ. МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИ ЎРНАТИШ УЧУН ЎТКАЗГАН СИЁСАТИ

1.1. 1920-1930 йилларда совет режимининг қишлоқда ўтказган сиёсати

Совет ҳокимиятини Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш сиёсатининг оқибатларини илмий ўрганиш асосида пахтачилик соҳасида амалга оширилган режаларни очиб бериш ҳамда “ҳарбий коммунизм” ва янги иқтисодий сиёсатни бажаришдан мақсадларини тарихий манбалар билан ёритиш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунини ёритиш жараёнида пахта яккаҳокимлигини тўлиқ амалга ошириш учун совет тоталитар тузум сиёсатини ўрнатиш, мустақамлаш, давлат қурилиши, мафкуравий ишлар ва партиявий қурилиш, қишлоқ хўжалигини тубдан “Марказ” манфаатларига мослаштириш мақсадида қабул қилинган қарорлар, бўйруқлар, кўрсатмалар, хатлар ва қонунлар ўрганиш асосида мавжуд бўшлиқни тўлдириш мавзунини янгилиги ҳисобланди. Монографияда 1925 йиллардан совет давлатининг пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги дастлабки ислохотлар худди шу даврдан бошланиб, кўчириш сиёсатининг дастлабки тайёргарлиги, унинг илк босқичлари 1926 йидаги ислохотларда назарда тутилганлиги ёритилган. Совет ҳокимияти 1920 йилларнинг ўрталари Ўзбекистонда индустриализация (саноатлаштириш) жараёни бошлашига сабаби чет эл банклари СССР га кредит

бермас, бунинг устига юксак ривожланган давлатлар совет давлатига нисбатан ишончсизлик билан қарар эди. Шу боис мамлакат ўз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда йирик саноат корхоналарини барпо эта бошлади. Аммо саноат корхоналари учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва техник жиҳозлар четдан валютага келтирилар эди. Совет давлати чет эл валютасини қимматбаҳо металллар, санъат намуналари, ғалла, ўрмон ва бошқа маҳсулотларни сотиш орқали олган. Шу билан бирга ишга туширилган саноат корхоналарига тобора кўпроқ металл, кўмир, нефть, электр энергияси, пахта, пилла, жун, тери, ёғоч ва бошқа хом ашёлар зарур эди. Айни шу даврда Америкадан келтирилаётган пахтага қарамликдан қутулиш ва хорижий валютани тежаш давр талабига айланди. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантирмай туриб бу ишни амалга ошириб бўлмас эди. Ўзбекистон пахтасининг аҳамияти Донбасс кўмири ва Боку нефти сингари ошиб борди. Марказ Ўзбекистон ҳукумати олдида қисқа муддатларда жуда кўп пахта етказиб бериш ва мамлакат пахта мустақиллигини таъминлаш вазифасини қўйди.

Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш учун кўплаб суғориладиган ерлар зарур эди. Йирик суғориш иншоотларини қуриш ва янги ерларни ўзлаштириш кўп вақт ва улкан харажатларни талаб қилар эди. Аммо шу даврда қисқа муддатларда йирик суғориш иншоотларини қуришнинг иложи бўлмаган. Буни тўғри англаган совет ҳукумати, бойлар ва ўрта ҳол деҳқонларнинг қўлидаги ер-мулкларни тортиб олиш кун тартибига кўтарди. Бу масала юқори доираларда кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган кундан бошлаб ер-сув ислохоти Марказнинг диққат-эътиборида

Якубова Диларам Таджиевна

бўлди. 1925 йилнинг 18 февralидаёқ Ўзбекистон компартиясининг 1 съездида И.Сталин томонидан телеграмма йўлланиб, ер-сув масаласига алоҳида эътибор қаратилган эди²⁸. Шу съездда нутқ сўзлаган СССР МИК раиси М.И.Калинин ҳам бу ишга алоҳида урғу берди²⁹. Кейинроқ, иш тезлашиб, 1925 йилнинг октябрида ВКП (б) МК И.Сталин ва М.И.Калинин бошчилигидаги комиссия томонидан ишлаб чиқилган «Ўрта Осиё республикаларида ер-сув ислоҳоти бўйича ишларнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги дастурни қабул қилди. Шу дастурдан келиб чиқиб, 1925 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон компартиясининг II съездида республикада ер-сув ислоҳотини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Натижада, ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси 1925 йил 2 декабрда «Ер ва сувни национализация қилиш» тўғрисида ва «Ер ва сув ислоҳоти тўғрисида» декретларни қабул қилди. Ана шу декретлар асосида 1925-1929 йилларда Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Ўзбекистонда ер олди-соттиси, ҳадя қилиш, гаровга қўйиш қатъиян таъқиқланди.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти 3 босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич 1925-1926 йилларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида, иккинчи босқич 1927 йилда Зарафшон (Бухоро) воҳасида, учинчи босқич 1928-1929 йилларда Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида ўтказилди. Совет ҳокимияти якка пахта ҳокимлигини ўрнатиш жараёнида «маҳаллий аҳолини қўрқитиш,

²⁸ Первый съезд коммунистической партии большевиков Узбекистана. Стенографический отчет 6 - 12 февраля 1925 г. - Ташкент, 1925. - С. 5.

²⁹ Стенографический отчет I съезда компартии Узбекистана. - Самарканд, 1925. - С. 33-34.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

аҳолини, ҳақорат, миллатга, ўзбекларга қарши сураш ва калтаклаш билан ўтганлигини айтишади, инқилоб гоҳида сиз ўзбеклар ҳаммангиз ўғриси, ҳаммангизни камаш керак...»³⁰.

Ер-сув ислоҳоти Сурхон воҳасида сал кечроқ ва ўзинга хос шаклда ўтди. Негаки, советларнинг Сурхон воҳасига кириб келиши кескин кураш шароитида амалга оширилган, маҳаллий аҳолининг асосий қисми бу ҳокимиятни норозилик билан кутиб олган эди. Қолаверса, воҳада ҳали мустабид совет режимига қарши қуролли кураш ҳали тўхтамаган эди. Бўлиб ўтган уруш халқ хўжалигини издан чиқариб, уни тиклаш ишлари ниҳоятда суст олиб бориларди. Экин учун дон, техника воситалари етишмаслиги сабабли кўплаб экин майдонлари бўш қолди. Шуни ҳисобга олган совет ҳукумати меҳнат қуролига эга бўлмаган, ҳуқуқий тушунчаси йўқ, сиёсий билимлари етарли бўлмаган меҳнаткаш халққа текин ер-мулк ва бошқа ваъдалар бериб, уни ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилди.

Ер-сув ислоҳоти арафасида Термиз туманида ҳар бир деҳқон хўжалигига ўртача 3-4 таноб, бой хўжалигига эса 10-15 таноб тўғри келган эди. Денов туманидаги бутун хўжаликларнинг 4,68 % ни йирик бой хонадонлар ташкил этиб, улар ихтиёрига барча экин майдонларининг 46,03 %, Сариосиё туманида эса бутун хўжаликларнинг 3,7 %, экин майдонларининг 70 % йирик ер эгалари ҳисобида бўлиб, тумандаги 5 минг хўжаликнинг 3 мингтасида 0,5 дан 5 танобгача ер тўғри келар эди. Бойсундаги жами

³⁰ Одилов В. Мен Ўзбекистонлик сайловчилар номидан гапирман. // Совет Ўзбекистони. 1990, 10 апрель. Б-2. Абдуллаев А.Н. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги ва унинг оқибатлари (1917-1991 й.й). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т.: 2020. Б.225.

экин майдонларининг 9,6 фоизи бутун аҳолининг 0,4 фоизини ташкил этган бойлар қўлида эди. Ерсиз камбағал-қашшоқлар Бойсун туманида 12,1 %, Термиз туманида 46,8%, Сарисийёда 41,9%, Шерободда 51,2% ни ташкил этган³¹.

Ислохот натижасида Сурхондарё округида суғориладиган ерларнинг 20 десятинадан ортиқроғи, лалми ерларининг 45 десятинадан ортиқроғи мусодара қилинди. Ерлар билан бирга деҳқонларнинг иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналари ҳам олиб қўйилди. 1929 йилга келиб воҳа бўйича йирик ер эгаларидан 8995 гектар суғориладиган, 8049 гектар лалми ерлар, 646 от, 845 хўкиз ва кўплаб қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари тортиб олинди. Бу олинган нарсалар 4382 нафар камбағал ва кам ерли камбағал деҳқонларга тақсимланди. Округдаги 10,1 % деҳқон хўжаликларига 11107 гектар суғориладиган, 4097 гектар лалми ерлар ва 1357 бош иш ҳайвони бўлиб берилди³². Бундан ташқари, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ёмғир сувлари билан яхши суғориладиган лалми ерларидан 11 минг гектар ер мусодара қилиниб, унинг бир қисми камбағалларга бўлиб берилди³³.

Совет ҳукумати қишлоқда ўз сиёсатини амалга оширишга киришар экан, қишлоқ хўжалик кооперацияларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалик кооперацияларининг шаклланишида колхозлар муҳим роль ўйнади. Илк колхозлар Россияда 1918 йилда вужудга келди.

³¹ Турсунов С, Турсунов А, Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалар. -Т.: «Yangi nashr», 2014. -Б. 233.

³² Турсунов С, Тўхтаев А, Аннаева З. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. -Т.: Yangi nashr, 2019. -Б. 63.

³³ Гуревич А. Земельно-водная реформа в Узбекской ССР (1925-1929) // Вопросы истории. 1948. №11, ноябрь. -С. 62.

«Йолак» (русча «коллективное хозяйство» - жамоа хўжалиги) - қишлоқ хўжалигини жамоа бўлиб юриши мақсадида тузилган корхона. Ўз тараққиёти даврида ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш даражасига қараб колхозларнинг учта шакли юзага келди. Булар:

1. Ёрни биргаликда ишлаш ширкати (ТпСОЗ ёки ТОЗ - «Товарищество по совместной обработке земли») - ердан фойдаланиш ва меҳнат умумлаштирилган кооперация шакли. Бунда чорва, машина, жондорлар, иморатлар деҳқонларнинг шахсий мулки бўлиб қолар эди. Фақат ерга биргаликда ишлов беришган. Ширкатнинг ялпи даромадидан маълум бир қисми бўлинмас фондга ўтказилган. Даромад нафақат меҳнати, балки пайчилик тўловлари, ҳамда ширкатга берилган ишлаб чиқариш воситаларининг қийматига қараб ҳам тақсимланган. ТОЗ лар ИЭП бошланган вақтда пайдо бўлган ва 1924 йилга келиб унинг низоми ишлаб чиқилган. 1920 йилларда ТОЗ лар шубҳасиз, қишлоқ кооперациясининг энг оммавий тури эди. Собиқ Иттифоқ бўйича жами деҳқонларнинг 60% ТОЗ ларга аъзо бўлиб кирган эди. Коллективизация бошлангандан кейин ТОЗлар қишлоқ хўжалик артелларига қўшиб юборилган. 1938 йилда эса бутунлай тугатилган.

2. Қишлоқ хўжалик артели (СХА - «сельскохозяйственный артель») - деҳқонларнинг йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юрғизиш учун ихтиёрий аъзо бўлган ширкат уюшмаси. Артель - бу унда ишлайдиган кишиларнинг жамоавий мулки жойлашган корхонадир. Колхоз сўзининг синоними. Артелда ердан фойдаланиш, меҳнат ва асосий ишлаб чиқариш воситалари - иш ҳайвони, техника, ускуна, чорва, хўжалик биналари умумлаштирила-

Якубова Диларам Таджиевна

ди. Шахсий мулк сифатида унга фақат турар жойи ва ёрдамчи хўжалиги (чорваси ҳам) қолиб, унинг миқдори артель низомига кўра чегараланар эди. Олинадиган даромад меҳнатнинг сони ва сифатига қараб тақсимланган. Совет колхозлари айнан артеллар негизида вужудга келган. Қишлоқ хўжалик артеллари асосида совет колхозлари қарор топган. 1938 йилдан бошлаб «артель» ўрнига фақат «колхоз» сўзи қўлланила бошланди.

3. Қишлоқ хўжалик коммуналари – ишлаб чиқаришнинг барча воситалари ва ердан фойдаланиш умумлашган корхона. Коммуналар 1917 йилдан бошлаб собиқ помешчиклар ва монастир хўжаликларида ташкил этилган. Коммуна аъзоларининг даромади меҳнатига қараб эмас, балки истеъмолчисига қараб тенг бўлинган. Коллективизация бошлангандан кейин қишлоқ хўжалик артелларига кўшиб юборилган.

Колхозлар билан бир қаторда совхозлар ҳам пайдо бўлди. Совхоз (русча «советское хозяйство») – давлат хўжалиги) – СССР нинг давлат қишлоқ хўжалик корхонаси. Агар қолхозлар деҳқонларнинг шахсий мулки ҳисобига тузилган кооператив уюшмаси бўлса, совхозлар давлат корхонаси эди. Совхозларда ишловчилар ёлланма ишчилар бўлиб, белгилаб кўйилган иш ҳақини пул кўринишида олишар эди. Колхозларда эса иш ҳақи йил якунига кўра, меҳнат кунлари асосида берилар, шунда ҳам колхознинг даромадига қараб нимаики қолган бўлса, ўша бўлиб берилар эди. Бу тартиб колхозларда то 1960 йилларга қадар сақланиб турган.

Ўзбекистонда илк қишлоқ хўжалик кооперациялари 1920 йилда вужудга келди. Ўшанда кооперативларга 100 хўжалик бирлашган бўлса, бу рақам

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

1927 йилда 654 мингга етди. Бирламчи кооперациялар таъминотчи-сотувчи ва кредит хусусиятига эга бўлиб, ўз аъзолари доирасида хизмат қилар эди³⁴.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида кооперацияни ривожлантиришда 1921 йил июнида Туркистон компартиясининг 5 съездида ташкил этилган «Кўшчи» уюшмаси муҳим роль ўйнади. «Кўшчи» уюшмаси меҳнаткаш деҳқонларни ҳимоя қилиш, уларни бойлар ва руҳонийлар таъсиридан чиқариш ҳамда совет давлатининг ижтимоий, маданий қурлишига жалб этиш мақсадида тузилган эди. Тез орада «Кўшчи» уюшмаси жуда машҳур бўлиб кетди. 1924 йилда Туркистонда унинг аъзолари сони 200 минг кишига етган эди. Уюшма ўзбек деҳқонларига пахтачилик агротехникаси, суғориш ишлари, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш, минерал ўғитларни ишлатиш, ерни эрта ҳайдаш, алмашлаб экишга ўргатиш сингари ижобий ишларни амалга оширди.

Сурхондарё вилоятидаги илк «Кўшчилар уюшмаси» 1926 йилда ташкил топди. 1927 йилда «Кўшчи уюшмаси» аъзолари сони 18 минг нафарга етди³⁵. Анбарсой қишлоғида тузилган уюшма ташкилотчилари Хўжаназар Темиров (раис), Қурбон Мўминов, Назар Эшниёзов, Шукур Алиевлар бўлишди³⁶. Тез орада бу ҳаракат бутун вилоятга ёйилди.

Ер-сув ислоҳоти билан бир вақтда вилоятда қишлоқ хўжалик артелларини тузишга алоҳида эътибор қаратилди. 1927 йили Шеробод уездининг Озод

³⁴ Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. – Ташкент: Узбекистан, 1984. – С. 17.

³⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 18-фонд, 1-рўйхат, 133-иш, 29-варақ.

³⁶ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Т.; "Шарқ": 2000. Сурхондарё тарих кўзгусида. 200. – Б. 156.

қишлоғида биринчи қишлоқ хўжалик артели (колхоз) ташкил қилиниб, унга «Ёш ленинчи» номи берилди. Артел 25 хўжаликни бирлаштирган эди³⁷.

1928 йилнинг баҳорида Жарқўрғон туманидаги Гулҳовуз, Зартепа, Оқтепа, Қаришоҳ ва Ғурғур қишлоқлари аҳолисини йиғиб мажлис ўтказилди. Йиғилишда «Минор» артели тузилди. 1928 йил ёзида Қаришоҳ, Оқтепа, Кўртўқай, Зартепа ва Ғурғур қишлоқларида ҳам ана шундай артеллар тузилиб, уларга «Янги куч», «Соқчи», «Гулистон» ва «Намуна» деб ном берилди. Оддий деҳқонлардан Жума Тўхлиев, Курбон Маматқулов, Чори Туропов, Хўжаёр Худойбердиев ҳамда Турдимурод Ортиқовлар артелларга раисликка сайландилар. Ўшанда ҳар бир артел ҳисобида 120-150 гектардан ер бўлиб, асосан бу ерда пахта экилар эди. 1929 йил «Қишлоқ хўжалик иттифоқи» («Сельхозсоюз») давлат ташкилоти томонидан берилган олти-етти дона тракторлар «Қизил аскар отряди» номидаги гуруҳга бирлашиб, биринчи бор артеллар даласини ҳайдаб берди³⁸.

Бундан ташқари, тажриба алмашиш мақсадида иқтидорли ёшларни бошқа туманларга жўнатиш ишлари ҳам йўлга қўйилади. Чунончи, ҳукумат топшириғига биноан, 1926 йили Шеробод туманидаги бир гуруҳ ёшлар Исмоил Муродов бошчилигида Деновга бориб, Хайрабод, Бўгажил, Шамолли қишлоқларида зироатчилик артелини тузишади. Унга «Шержон» деб ном беришди. Исмоил Муродов артелга раис, таллимаронлик Нормурод Чуваев ўринбосар бўлди. Артелда улар билан бирга, кампиртепалик Чориев, хатаклик Одина Аллаев, Тўхтар

³⁷ Халиёров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. -Ташкент, 1974. -С. 54-55.

³⁸ Турсунов С., ва бошқалар.Т.; "Тафаккур".2019. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. -Б. 63.

Маҳмудов, Бўри Йўлдошев, Турсун Расулов, ака-укалар Бозор, Болли, Мардон Узоқовлар ҳам бор эди. Артель оёққа турганидан сўнг ишнимаҳаллий аҳолига топшириб, 1929 йилда ўз қишлоқларига қайтиб кетишади³⁹.

1928-1929 йилларда Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида мусодара қилинган ерлар ҳисобига 120 та колхоз ташкил этилди. Совет ҳокимияти кенг оммани колхоз тузишга жалб этиш мақсадида турли хил таъсир воситаларини қўллади. 1929 йил март ойида Жарқўрғон туманидаги Юқори ва Қуйи Оққўрғон қишлоқларининг деҳқонлари бирлашиб жамоа хўжалиги туздилар ва унга «Миллий уйғониш» деб ном бердилар. Унга Исмоил Исмаилов раис қилиб сайланди. Одина Аллашукуров, Ҳасан Тошқулов ва бошқалар биринчилар қаторида ана шу колхозга аъзо бўлиб кирдилар. Жамоа хўжалигининг 100 гектарга яқин ери бўлиб, у ерда тўртта бригада ташкил қилинди ва бу ерларда пахта ва бугдой экинлари экила бошланди.

1929 йили Бойсун районида 8 та колхоз ташкил топган. Унда деҳқонларнинг атиги 3 фозизигина бирлашган эди. Дастлабки колхозларнинг аъзолари ва ер майдонлари қуйидагича бўлган:

- «Қизил Шарқ» - Пасурхи қишлоғида тузилиб, 14 та камбағал деҳқон хўжаликларини бирлаштирган ва 127 гектар ер майдонига эга эди.

- «Ибрат» - Шаит қишлоғида, 16 аъзоси ва 112 гектар ер майдони бўлган.

- Ғайрат» - Қорашаит қишлоғида ташкил этилиб, 16 батрак-камбағал деҳқон хўжаликларини ва 94 гектар ер майдонини уюштирган.

³⁹ Умаров И., Раҳмонов Х., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014. -Б. 101.

Якубова Диларам Таджиевна

- «Қизил йўл» – Қўрғонча қишлоғида, 12 аъзоси ва 127 гектар ер майдони бўлган.

- «Қизил Қаҳрамон» – Даштиғоз қишлоғида тузилган.

- «Қизил Октябрь» – Шахбозор қишлоғида, 86 гектар ери бўлган.

- «Й.Охунбобоев» – Қайроқ қишлоғида, 21 деҳқон хўжаликлари ва 262 гектар ер майдонига эга бўлган. Шунингдек, «Акмал Икромов» номли колхоз ҳам ташкил топган.

Давлат янги ташкил топган ёш колхозларга катта ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватлади. Пахтачиликка мўлжалланган колхозлар солиқларни тўлаш, сув ресурсларидан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик машиналари, инвентарлари таъминоти бўйича давлат ва кооператив органларидан ҳар хил имтиёзлар олиб турган⁴⁰.

1929 йилда Шерободда 23 та колхоз ташкил этилди. Шулардан йириклари Сталин, Қаҳрамон, Фрунзе, Социализм, Янги йўл, Охунбобоев, Ёш ленинчи колхозлари бўлиб, дон, арпа, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етказиб беришга ихтисослаштирилди⁴¹.

Тан олиш керак, ер-сув ислоҳоти муайян ижобий натижаларни берди. Сурхон воҳасида ерсиз деҳқонларнинг улуши анча камайди. Ислоҳот туфайли кўпгина деҳқонлар ер олиб, ўз хўжалиklarини мустақил юритиш имконига эга бўлди. Аҳолининг даромади ҳам анчагина ортди. Қашшоқлик даражаси пасайди. Шунга қарамай, камбағалликни бартараф этишнинг иложи бўлмади. 1928 йилда Ўзбекистон-

⁴⁰Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. –Т.: Akademnashr, 2011. –Б. 125.

⁴¹Турсунов С., ва бошқалар. Т.:Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 240-241.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

да камбағал хўжаликлар салмоғи 43 % бўлгани ҳолда бутун СССР да 35 % ни ташкил қилган эди⁴².

Шу билан бирга, ер-сув ислоҳоти давомида совет ҳукумати ўрта ҳол деҳқонларни тугатмасликка қаратилди. Негаки, қишлоқ хўжалик меҳнатчиларини жамоаларга бирлаштиришда етарлича тажриба тўпланмаган, шарт-шароит ҳали тўлиқ шаклланмаган эди. Қолаверса, ўрта ҳол деҳқонлар асосий пахта етиштириб берувчилар эканлиги ҳисобга олинди. Бу даврда асосий урғу камбағал деҳқонларни ихтиёрий равишда кооперацияларга бирлаштиришга қаратилган эди.

Колхозларнинг тузилиши дастлаб ихтиёрий асосда бўлди. Бу масалада большевиклар раҳбарити ягона фикрга эга эмас эди. 1927 йилнинг декабрида ВКП(б) XV съезди бўлиб ўтди. Унда иқтисодий ривожланишнинг биринчи беш йиллик режаси қабул қилинди. Бундан ташқари, съезд ўз ишида коллективизация – жамоалаштириш масаласини кўриб чиқди. И.Сталин ўз маърузасида саноатга нисбатан қишлоқ хўжалигида ривожланиш сустлиги, бунинг бирдан-бир ечими коллективизация ўтиш лозимлигини кўрсатиб ўтган эди. Молотов ўзининг қишлоқдаги ишлар тўғрисидаги махсус маърузасида ушбу фикрни янада ривожлантирди. Унинг якуний резолюциясида «қулоққа қарши қатъий ҳужумга ўтиш» айtilган эди. Аммо Сталиннинг ўзи бу ҳолатда репрессив чораларнинг қўлланилиши хатолик бўлиши ҳақида огоҳлантириб ўтди⁴³.

Таъкидлаш жоизки, Совет мамлакатада индустриализация авж олган шароитда шаҳар ва қишлоқ

⁴²Ўзбекистон ССР тарихи. III жилд. –Т.: Фан, 1971. –Б. 470.

⁴³Боффа Дж. История Советского Союза. –М.: Международные отношения, 1990. –С. 296.

аҳолиси кўпайиб борди. Мамлакатда аҳолининг ўсиш суръати йиллик 2 фоизга етди. Гарчи ғалла етиштириш камаймаган бўлса-да, кўпаймаган ҳам эди. Аҳолининг ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб борди. Қишлоқларда ишсизлик ва саводсизлик даражаси юқорилигича қолаверди. Қишлоқда илғор техникани қўллаш учун катта маблағ зарур эди. Мамлакатда янги саноат корхоналарини қуриш учун деҳқон хўжаликларига мажбурий заёмлар сотиш авж олган, ғалланинг нархи эса давлат томонидан 20-25 % паст қилиб белгиланган бир шароитда деҳқон хўжаликлари янги қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олишга қурби етмаслиги аниқ эди. Давлат томонидан белгилаб қўйилган нарх деҳқонларнинг харажатларини қопламаганидан сўнг улар давлатга ғалла топширмай қолдилар. 1928 йилда жами 2 млн тонна, ёки 128 млн пуд ғалла кам топширилди. Ғалла тақчиллиги шаҳарларда ҳам сезилиб қолди. Пахтакор районлар бўлмиш Ўрта Осиё ва Озарбайжонга ғалла етказиб бериш режаси барбод бўлди. СССРнинг ташқи аҳволи ҳам яхши эмас эди. Ҳамма уруш бошланишидан хавотирда эди. Ана шундай шароитда деҳқонлар уруш ва инқирозда оч қолмаслик учун ғаллани омборларда сақлашни афзал кўришди. Натижада чайқовчилик бозорида ғалланинг нархи кескин кўтарилиб кетди. Совет давлати ғалла танқислигини бартараф этиш учун куч ишлатиш йўли билан деҳқонлардан ғаллани тортиб ола бошлади. Бу жараён фуқаролар уруши йилларидаги «ҳарбий коммунизм» сиёсатини эслатди. Сурхондарё вилоятида 1928 йилги ғалла тайёрлаш кампанияси 1 ойга кечикди. Воҳа аҳолиси совет маъмурларининг фавқулдда чораларига қарши чиқдилар.

Қалтис вазиятда совет раҳбарияти инқироздан қутулишнинг ягона йўли коллективизация деган хулосага келди. Ҳатто, илгарилари қулоқларга инсбатан либерал муносабатда бўлган совет арбоблари ҳам мамлакатда зудлик билан коллективизация ўтказилишини ёқлаб чиқдилар. Шу тариқа, 1921 йилда жорий этилган Янги иқтисодий сиёсат (ИЭП) 1928-1929 йилларга келиб тугади.

1929 йил август ойида «Правда» газетаси биринчи саҳифаси «Йирик колхоз хўжалиги учун олға! Совет комбайни ва трактори билан капиталистик эксплуатациянинг илдизини қирқамиз, қишлоқда капиталистик элементни суғуриб оламиз» шиори билан бошланди⁴⁴. Эътиборли томони, ўша 1929 йили СССРда бор-йўғу 3300 та трактор ишлаб чиқарилган, комбайнларни ўзлаштириш эндигина йўлга қўйилаётган эди⁴⁵. 1929 йилни И. Сталин «Буюк бурилиш йили» деб эълон қилди. Бунда орқада қолаётган майда деҳқончиликдан йирик, илғор жамоавий деҳқончиликка, янги техникага асосланувчи машина-трактор станциялари, артел ва колхозларга, ҳамда юзлаб трактор ва комбайнларга эга совхозларга ўтилишини маълум қилди⁴⁶.

Россияда 1861 йилги крепостнойлик ҳуқуқининг бекор қилиниши ва 1906 йилги Столипиннинг аграр ислохотларидан фарқли равишда коллективизация аниқ белгиланган дастурга ва уни амалга ошириш йўриқномасига эга эмас эди. Ҳатто, И.В.Сталиннинг 1929 йил декабр ойида Коммунистик академияда қилган маърузасида ҳам ҳеч қандай аниқ кўрсатма берилмаган эди. 1930 йил 6 февралда қабул қилин-

⁴⁴ Газета «Правда», 29 августа, 1929 года.

⁴⁵ Боффа Дж. История Советского Союза. –С. 354.

⁴⁶ «Год Великого перелома». Газета «Правда», 7-ноября 1929 года.

ган қишлоқ хўжалик артелининг намунавий низомида жиддий камчиликлар бор эди. Шундай шароитда, мамлакат ялпи колхозлаштириш жараёнини бошлаб юборди. Кулоқларни синф сифатида тугатилиши жуда оғир оқибатларга олиб келди.

СССР МИК ва ХКС нинг 1930 йил 1 февралдаги қарорига асосан ерларни ижарага бериш ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш бутунлай бекор қилинди⁴⁷. ВКП(б)МК Сиёсий бюросининг «Ялпи жамоалаштириш районларида кулоқ хўжаликларини тугатиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори (1930 йил 30 январь) ва ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг «Кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида» ги кўрсатмалари (1930 йил 26 январь) асосида Ўзбекистон Компартияси МК 1930 йил 17 февралда «Коллективлаштириш ва кулоқ хўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилди⁴⁸.

Коллективизация бутун Ўзбекистонда бўлгани сингари воҳада ҳеч қандай тайёргарликсиз, шошма-шошарлик билан ўтказилди. Маҳаллий партия ва совет арбобларининг ўйламай қилган иши катта хатоликларга сабаб бўлди. Колхозлар ташкил этилган жойларда уй-жойлар, майда чорва моллари, парранда ва ҳоказоларни тезлик билан умумлаштириш назарда тутилганди. Совет ва партия арбобларининг зўравонлиги одамларнинг сабр-косасини тўлдириб юборди. Республика бўйича оммавий ғалаёнлар бошланди. Бутун мамлакатда жуда оғир вазият юзага келди.

Аҳволни юмшатиш учун 1930 йилнинг 2 мартида Сталиннинг «Ютуқлардан эсанкираш» номли мақо-

⁴⁷ Ўзбекистон ССР тарихи. -Тошкент, 1974. -Б. 419.

⁴⁸ Ўзбекистон ССР тарихи. 3 жилд. -Б. 538.

лаш эълон қилинди. Мақолада Сталин қишлоқда шундан ҳам жиддий хатоликларга йўл қўйилганлигини тан олди. Шу билан бирга бутун жавобгарликни маҳаллий партия ва совет арбоблари бўйнига юкляди⁴⁹. Албатта, бу вақтинчалик чекиниш эди. Большевиклар раҳбарияти вазиятни ўнглаб олиш ва хатоларини кўриб чиқиш учун вақтдан ютмоқчи эдилар. Лекин қишлоқларда деҳқонларнинг колхозлардан чиқиши оммавий тус олди. 1930 йили Ўзбекистонда колхозларга қамров даражаси 36 % бўлиши белгиланган эди. Режа «ошиғи» билан бажарилиб, 18 март ҳолати бўйича 47% (393,5 минг киши) ни ташкил этди. Деҳқонларнинг колхозлардан чиқиб кетишлари туфайли 1 майга келиб бу рақам 29% (288,5 минг киши) га тушиб кетди⁵⁰.

1930 йил охиридан Сурхон воҳаси қишлоқларида колхозлаштириш сиёсати янги куч билан бошланди. Бу сафар давлат колхозларга турли имтиёзлар беришдан тортиб, «кулоқ» қилишгача бўлган чораларни қўллади. Чунончи, 1930 йил 9 апрелда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Кўмитаси ва Халқ Комиссарлари Советининг «Колхозлар учун имтиёзлар тўғрисида» деган қарори эълон қилинди. Шу қарорга биноан, колхозларнинг иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлари ҳамда колхозчилар якка тартибда фойдаланаётган иш ва маҳсулдор ҳайвонлари икки йилгача солиқлардан озод қилинадиган бўлди. Иккиланаётган деҳқонларни колхозларга тортиш мақсадида солиқ тўлаш борасида бошқа бир қанча имтиёзлар берилди⁵¹.

⁴⁹ Сталин И. Головокружение от успехов. Газета «Правда», 2 марта 1930 года.

⁵⁰ Ўзбекистон ССР тарихи. 3 жилд. -Б. 541-542

⁵¹ Ўзбекистон ССР тарихи. 1974. -Б. 422

Совет ҳукуматининг жамоалаштириш ишига жиддий эътибор берилиши натижасида 1930 йилда Сурхондарё округида 250 та колхоз ташкил этилди. Колхозлар аъзолари асосан батрак-камбағаллардан иборат бўлди. Аммо колхозларнинг кўпчилиги ўзини таъминлай олмаганлиги туфайли бошқа колхозларга қўшиб юборилиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Чунончи, 1930 йилнинг май ойида Бойсун туманида 58 та колхоз бўлиб, уларга уюшган батрак, камбағал деҳқон хўжаликларининг сони 6819 та бўлган. 1933 йилга келиб тумандаги колхозлар сони 56 та, улардаги хўжаликлар сони 9624 та, 1934 йилда эса колхозлар сони 50 та бўлган. Колхозлар сонининг камайиши уларнинг йириклаштирилиши натижасидир. 1937 йилнинг охирида туманда коллективлаштириш даражаси 93,8 % ни ташкил этди⁵².

Шу даврда совет режими колхозга киришдан бош тортган деҳқон хўжаликларига қарши оммавий равишда «қулоқ» қилиш кампанияси бошлаб юборди. Қулоққа тортиш – одамларни барча фуқаролик, конституциявий, биринчи навбатда сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш эди. Қулоққа тортиш ҳеч қандай судсиз, терговсиз ҳал қилинган. Бу ишлар райком котиби, райижроқўм раиси ва ГПУнинг (давлат сиёсий бошқармаси) маҳаллий раҳбарларидан ташкил топган махсус кенгашлар, «учлик»лар ва «иккилик»лар томонидан бажарилган. Бу шубҳали, шухратпараст, фиску-фасодга тўлиб тошган «учлик»ларнинг вазифаси экспроприация ва депортация қилиниши мумкин бўлганларнинг рўйхатини тузишдан иборат бўлган.

⁵²Турсунов С.Н., Рашидов Қ. Бойсун. –Б. 125-126.

Юқорининг кўрсатмасига мувофиқ қулоқлаштириш жамоалаштириш натижаси бўлиши, яъни аввал ихтиёрий равишда колхоз тузиш, кейин қулоқларни синф сифатида тугатиш ишлари амалга оширилиши керак эди. Бу масала қишлоқ советлари қошидаги камбағал батраклар кенгашида муҳокама қилиниши лозим эди. Жойларда эса, аксинча, аввал деҳқонлар қулоқ қилинди, кейин колхозлар тузилди. Ўша даврда қулоқлар рўйхатини тузиш туман молия бўлими томонидан олиб борилган. Туман ижроия кўмитаси, туман молия бўлими ва коммунистик партия вакилидан иборат «учлик» рўйхатига тушган хўжалик охир-оқибат қулоқ қилинар эди. Архив ҳужжатларига кўра, 1930-1932 йилларда қулоқ қилинаётганларнинг мол-мулклари рўйхатга олиниб, ўзлари ҳақида қуйидагича маълумот берилди. Сурхондарё округи Бойсун районидаги Пасурхи қишлоғидан Қурбонбой, Шуқурбой, Улуғбойларни 5-10 танобдан ери, иш ҳайвони ва чорва моли борлиги учун қулоқ қилинган. Қулоқ деҳқонлар билан бир қаторда ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар⁵³.

Коллективлаштириш даврида Шерободдан қулоқ бўлиб, сургун қилинганлар ватандошларимиз сони ниҳоятда кўп эди. 1930 йилда Шеробод туманидан қулоқ хўжалиги сифатида 55 катта ер эгаси, 21 руҳоний, 14 амалдор, 2 савдогар, 22 судхўр, жами 114 хўжалик тугатилиб, 1954 гектар суғорма ер, иш ҳайвонларидан – 61 от, 125 хўкиз, қишлоқ хўжалик буюмларидан 52 ооч, 79 сихмола, 2 та лопатка, 5205 арава, 4970 пуд сомон, 1765 пуд беда тортиб олинди⁵⁴. Кўпчилик вазият оғирлашувидан

⁵³Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун. – Б. 116.

⁵⁴Турсунов С.Н ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 235-236.

ташвишга тушиб, Афғонистонга кетиб қолишни афзал кўрди. Чунончи, ОГПУ ўзининг 1930 йил биринчи чорагида берган маълумотида феврал ойида Сурхондарё округининг Бойсун ва Паттакесар районларида оммавий равишда чорвани сотиб, Афғонистонга кетиб қолиш ҳаракатлари кузатилаётганлигидан огоҳлантиради⁵⁵.

Баъзи ҳолларда, қишлоқлар аҳолиси ўзларига ёқмаган раисларни ишдан олиш ҳоллари ҳам учраган. Масалан, 1930 йилнинг 19- ва 21- феввалида Бойсун районининг Рабод қишлоғида деҳқонларнинг иккита йиғилиши бўлиб ўтади. Биринчисида 60 киши, иккинчисида 80 киши қатнашган. Мазкур йиғилишлар қарорига кўра, колхоз раиси билан қишлоқ кенгаши раиси ўз вазифасидан олинадилар. 22 феврал куни йиғилиш қарорини тасдиқлатиш мақсадида 8 киши Райисполкомга делегат қилиб юборилади. Улар колхознинг 200 кишилиқ аъзоси номидан агар йиғилиш қарори райисполком томонидан тасдиқланмаса, унинг аҳолиси экин экмай, қишлоқдан кетишларини маълум қилишади. Район ОГПУ раиси янги сайланган раисларни «қулоқларнинг малайлари» сифатида атаб, колхозларга қарши йиғилишлар ташкилотчиларини ҳибсга олади ва зудлик билан уларга нисбатан тергов ишларини бошлаб юборади⁵⁶.

1932 йилда халқ томонидан сайланган айрим қишлоқ раҳбарларига нисбатан жиноий иш қўзғатилади. Архив ҳужжатларининг бири Денов туманидаги «Кенагас селсоветидаги совет аппаратининг булға-

⁵⁵ Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Т. I-III. Сост.: Р. Шамсутдинов, Б. Расулов; Под ред. Д. А. Алимовой. Т. I. -Т.: Шарк, 2006. -С. 78.

⁵⁶ Трагедия среднеазиатского кишлака. Том I.- С. 98-99.

ниши ҳақида қисқача маълумотнома» деб номланади. Қуйида ушбу ҳужжатдан парчалар келтирамиз:

Сандов Абдурахмон – Яккабоғ районидан. Кенагас селсоветидаги Қизил Шарқ колхоз раиси. Сафар эшоннинг куёви. Абдурахмоннинг отаси Саидхўжа 1931 йилда вафот этган. У ҳам Яккабоғдан. Ҳокимият таъқибидан яшириниш мақсадида қочиб юрган. Йирик эшон. Деновга келгач, яширинча эшонлик билан шуғулланган, муридларга эга бўлган. Абдурахмон ҳозирги кунда қулоқ Ҳасаннинг уйида яшаб юрибди. Уни колхоз завхоз билан бирга яшириб турибди. Шу сабаб у ва яна бир ижтимоий бегона, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилиб, қулоқ қилиниши лозим бўлган Мулла Бўрон Аллабеков қулоқлар рўйхатига тушмаган. Абдурахмон қочиш олдидан Сафар эшонни олдига келиб, ҳукумат уни қулоқлаштирмоқчи эканлигини айтишга улгурган. Абдурахмон туфайли Сафар эшон колхоз аълолигида турган ва уни эшон бўлганлиги учун ҳеч ким ишга мажбур қилмаган. Нормасини эса бошқа колхозчилар қатори тенг олган. Қулоқлаштириш вақтида қулоқлар мулкидан бир жуфт этикни ўзлаштириб олган.

Чори Мисиров – амир амалдори. Айни вақтда Кенагас селсоветидаги Қизил Шарқ колхозининг завхоз. Бойсунлик, ўзбек. Амир даврида Бойсун беги Эшонқул билан бирга Деновга кўчиб келган. Денов беги томонидан ясовулбоши лавозимига тайинланган ва унинг қўлида Бойсун ва Деновда хизмат қилган. Субҳонқулибек даврида ясовулбошиликдан ташқари дарғалик ҳам қилган. Инқилобга қадар 20 ботмон ери, 2 от ва 4 хўкизи бўлган. Ҳозирги пайтда Қорахон қишлоғида яшовчи укаси Жўрабой Мисиров колхоз ҳисобида турмайди, экинзори ва

чорваси йўқ, ниманинг ҳисобидан яшаши маълум эмас. Субҳонқули даврида у ҳам 10 йил давомида ясовулбоши лавозимида ишлаган. Инқилоб вақтида Субҳонқули билан бирга Афғонистонга қочган. Аммо дарёдан ўтмай, ортига қайтган. Чори ҳозирги кунда қулоқ Ҳасаннинг уйида яшайди ва Абдурахмон Саидов билан бирга уни яширишмоқда ҳамда қулоқлар рўйхатига тушишга йўл қўйишмаяпти. Чори ўтган йили мана шу қулоқ Ҳасаннинг қизига уйланган. Мулла Бўрон Аллабековга ўхшаган ижтимоий бегона шахсларни ҳимоя қилаяпти⁵⁷. Бундан ташқари, улар билан бирга Кенагас селсовети, Қайирма қишлоғи оқсоқоли Рўзибой Ёров, қишлоқ магазини мудири Мулла Бўрон Аллабеков ҳам қамоққа олинган ва Сиёсий учлик олдиға қулоқлаштириш ҳамда сургун қилиш масаласи қўйилган⁵⁸.

Халқнинг қаршилиқ ҳаракатини бартараф этиш жараёнида совет режими оммавий террор сиёсатини қўлади. Марказдан келган иш ўргатувчилар, колхоз тузумини назоратга олувчилар маҳаллий халқни қириш, бўйсунмаганлардан ўч олиш, урфодатларни камситиш билан сиёсат юритдилар. Хусусан, шерободлик ҳақиқий ўқимишли, пахта илмини чуқур эгаллаган, иқтисодий хўжалик юритишни жуда яхши билган Норбоев Турсун гўёки босмачиларга қурол етказиб беришда айбланиб, тухмат асосида қамоққа олинади ва қаттиқ қийноқ натижасида бевақт вафот этади. Норбоев Турсун ўз меҳнати, тиришқоқлиги билан оқсоқол номига сазовор бўлиб, Сурхондарё округ бошқармасининг иқтисодий ва молиявий масалалари бўйича ўринбосари дара-

⁵⁷ Денов туман давлат архиви. 6-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 129-варақ.

⁵⁸ Денов туман давлат архиви. 6-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 128-варақ.

жасига етган эди. Бундай кишилар ниҳоятда кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси турли йўллар билан жазоланган⁵⁹.

Колхозга кирганлар орасидан ҳам «қулоқ унсурлари»ни топиб, олдиндан рўйхат қилишган. Юқоридан қулоқларни сургун қилиш ҳақида кўрсатма келиши биланоқ рўйхатга тушганларнинг мол-мулклари мусодара қилиниб, ўзлари сургун қилиб юборилган. Бу рўйхат Денов тумани колхозлари бўйича қуйидагича эди: Кенагас қишлоғидаги «Қизил Шарқ» колхозидан 2, Юрчи қишлоғидаги «Қизил маслаҳат» колхозидан 5, Бокати қишлоғидаги «Хурсанд» колхозидан 2, Чўнтош қишлоғидаги «Қизил деҳқон» колхозидан 4, Денов қишлоғидаги «Бурнашев» колхозидан 3 хўжалик бўлган⁶⁰.

ВКП (б) Марказий Кўмитаси Сиёсий бюроси 1931 йил 20 июнда Ўрта Осиёдан қулоқларни кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди ва қулоқлар бўйича комиссия раиси СССР Халқ Комиссарлари Совети Раиси ўринбосари А.А.Андреев тақдим этган қарорни ҳам тасдиқлади. Сургун қилинаётган ҳар бир оила камида уч ойлик озиқ-овқат заҳираларини, қишлик кийимларини, уй-хўжалик анжомларини ўзи билан бирга олишлари, меҳнатга яроқли қулоқлар қочиб кетмасликларини олдини олиш учун ГПУ ходимлари бундайларни олдиндан, тахминан аниқлаб, уларнинг ижтимоий аҳволини пухта текшириб чиқишлари телеграммада кўрсатиб ўтилган эди. ушбу директивани бажариш шахсан Г.П.Матсон (ОГПУ нинг Ўрта Осиёдаги вакили) зиммасига юкла-

⁵⁹ Турсунов С.Н ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 233.

⁶⁰ Даминова З.Ш. «XIX аср охири - XX аср Термиз шахри тарихи». Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация –Тошкент, 2004.– Б. 3.

тилди⁶¹. 1931 йил августдаги операция натижасида Термиз оператив сектори (Жарқўрғон, Сариосиё ва Денов туманлари) бўйича 100 хўжалик (482 жон), Ўзбекистон бўйича 3795 та хўжалик (17839 жон), Ўрта Осиё бўйича 5681 та хўжалик (27745 жон) қулоқ қилиниб Шимолий Кавказга сургун қилинди⁶².

Шерободда 1931 йил жами деҳқон хўжаликлари сони 11848 та бўлиб, улардан 86 таси қулоқ сифатида Шимолий Кавказга сургун қилинди⁶³. Ана шу 86 хўжалик «сургун сафари»га жўнатиш чоғида одамлар орасида: «Иккинчи беш йилликда барча мусулмонлар РСФСРга кўчирилади, сургун қилинган мусулмонлар жойларига руслар жойлаштирилади, сургун қилинаётган аёллар ГПУда қолдирилаяпти, эрлари қамоққа олинмоқда, хориж мамлакатларига муҳожир бўлиб чиқиб кетишдан бошқа илож қолмади» деган гаплар ҳам тарқатилган. Қулоқ қилиш ишлари 1932 йилда ҳам давом этди. Ўша йили Сариосиё туманидан 110 нафар, Денов туманидан 162 нафар, Паттакесардан 27 нафар, Жарқўрғон туманидан 15 хўжалик, Шерободдан 86 та хўжалик Шимолий Кавказга сургун қилинди⁶⁴.

Колхозлаштириш даврида «қулоқ»ларнинг қочиб кетиш ҳоллари ҳам кўп бўлди. Уларни ушлаш, қайтариб келиш қийин кечди, энг кўп қочиш 1932 йил майида Гилямбоб қишлоғида юз берди. Уларни тутиб келтириш учун совет ҳокимияти барча чора-

⁶¹ Шамсуддинов Р. Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши // Ўзбекистон тарихи, 2003 йил, 1-сон. –Б.55.

⁶² Шамсуддинов Р. Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши. –Б.56.

⁶³ Турсунов С.Н ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 241.

⁶⁴ Авлиёқулова Д. Мустабид тузум сургунли қурбонлари // Мулоқот, 2005 йил, 5-сон. –Б.34.

ларни кўрган⁶⁵. 1930 йилда Россияга сургун қилинган Ўзбекистонликлар махсус ташкил этилган 19 та совхозда яшаб, ўша совхозларнинг бири «Хазарбоғ» номи билан аталган. Денов районидан сургун қилинганлар «Хазарбоғ» меҳнат лагерида қишлоқ ташкил этиб, ўша ерда яшаганлар. Ушбу қишлоққа Сурхондарёдан ва жумладан Деновдан борганлар 1931 йилдан «қулоқ»лар сифатида жойлаштирилган. Булар асосан пахтачиликда меҳнат қилганлар. Асосий меҳнат қуроллари кетмон ва примитив қуроллардан иборат бўлган. Кўчирилганлар мислсиз оғир шароитда яшаб меҳнат қилганлар. Жумладан, Пирим Ҳасановнинг маълумотига кўра, 1931 йил октябрида «Хазарбоғ» совхозига кўчирилган 100 хўжалик ертўлага жойлашган, уларнинг кўпчилиги бу оғир қийинчиликларга дош бера олмасдан ҳалок бўлишган⁶⁶.

Қулоқ сифатида рўйхатга олинган бадавлат хўжаликларнинг молу-мулки тўлиқ мусодара қилиниб, уларнинг оилалари ўзга юртлар (Украина, Шимолий Кавказ, Сибир, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва ҳоказо) га сургун қилинган. Республикамизнинг ўзида ҳам қулоқлар учун махсус концентрацион лагерлар ва кўчириб келтирилганларнинг 17 та мажбурий меҳнат посёлкалари ташкил қилинган. Қулоқларнинг асосий қисми моҳир пахтакор эканлиги ҳисобга олиниб, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш мақсадида республиканинг ичкарисида ташкил этилган посёлка ва совхозларга жўнатилган. Сурхондарё вилоятидан қулоқ қилинган хўжаликларнинг асосий қисми 1929 йилда Ўз-

⁶⁵ Турсунов С.Н ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 236.

⁶⁶ Турсунов С., Турдиев Т. Денов. Тошкент: Фан, 2009. –Б. 220.

бекистонда ташкил этилган биринчи совхоз – Андижондаги Савай совхозига, Деновдаги Хазорбоғ совхозига, Шўрчи, Сурхон ва Кумқўрғондаги кулоқ қилинганлар посёлкаларига, яна бир қисми Шимоллий Кавказга жўнатилган эди. Коллективизация даврида Деновдаги Хазорбоғ совхозига бошқа республикалардан кулоқлаштиришдан қочган кўпгина одамлар бошпана топишган эди. Лекин бу ерда ҳам ОГПУнинг «синчков кўзларидан» кутулиб бўлмади. 1933 йил 17 апрелдаги 30/7 сонли протокол қарори билан Россия, Украина ва Қозоғистондаги кулоқлаштиришдан қочиб келган 13 киши – И.С. Хижняк-Май, П.С.Шрамко, С.Н.Данильченко, М.Д. Куравлёва, И.И.Зайцев, М.Ф.Даврикова, И.В.Костин, И.Т.Починок, И.Г.Иванов, А.А.Учuzова, С.П.Сидоренко, А.Ф.Торопов, М.С.Таранецга турли хил айблар қўйилиб, Хазорбоғ совхозидан чиқарилган. Уларнинг иши Сиёсий учликка оширилган ва ўша куннинг ўзида судсиз, сўроқсиз репрессия қилинган. Протокол охирида район назорат инспекциясининг (РКИ – районная контрольная инспекция) инспектори Куновнинг фамилияси ва имзоси қўйилган⁶⁷.

Совет режими қишлоқда ўз ҳокимиятини тўла ўрнатиб, жамоалаштиришни амалга ошириб бўлгач, сургун қилинган «кулоқ» хўжаликларига нисбатан ўз сиёсатини бироз «юмшатган». СССР МИК 1934 йил 27 майда «Собиқ кулоқларнинг гражданлик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилиб, унда «кулоқлар»нинг сайлов ҳуқуқлари тикланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида (1942 йилда) меҳнат сургунида бўлган «кулоқлар» ҳара-

⁶⁷ Денов туман давлат архиви. 6-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 95-98 ва-рақлар.

катдаги армия сафига чақирилиб, фронтга жўнатирилган.

Совет тузуми даврида сургундан омон қолган юртдошларимизнинг фуқаролик мақомини олиб, ўз ватанларига қайтиши 20 йилдан ортиқ вақтни (1930-1956) олди. 1928 йилда колхозлар 1,2% хўжаликни бирлаштирган бўлса, 1938 йилда 98,8% ни ташкил этди. Коллективизация якунига кўра, Сурхондарё вилоятида 242 та жамоа хўжалиги ташкил топади. 1940 йилда республика бўйича ҳар бир колхозга ўртача 357 минг гектар ер майдони тўғри келар, шундан ғўза майдонлари 140 минг га, пахта етиштириш 206,0 минг тоннани ташкил этган эди⁶⁸.

Шундай қилиб, совет давлати Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ер-сув ислоҳоти ва коллективизацияни амалга ошириб, бутун ер-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини қўлга олди. Бу йўлда ўзига қарши бўлган барча кучларни йўқ қилди. Жамоалаштириш жараёнида халқимиз онгига совет мафкурасини сингдириш мақсадида янги ташкил этилган колхозларга «Ленин», «Сталин», «Фрунзе», «Андреев», «Ворошилов», «Каганович», «Калинин», «Социализм», «Коммунизм» сингари номлар берилди. Мустабид тузумнинг бу сиёсати элимиз учун улкан мусибатлар келтирди. Совет тузуми даврида «Миллион-миллион беғуноҳ инсонларнинг умри ҳазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, яна қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугун ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди»⁶⁹.

⁶⁸ Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. –С.18-19.

⁶⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги қароридан // Халқ сўзи газетаси, 2001 йил, 2-май.

1.2. Сурхон воҳасида пахта яккаҳокимлиги ўрнатилишининг ўзига хос хусусиятлари

Совет ҳукумати Сурхон воҳасининг табиий бойликларидан унумли фойдаланиш учун зарур чораларни кўрди. Бунинг учун, авваламбор, воҳада маъмурий ислоҳотлар ўтказилди. Шу мақсадда 1925 йили Сурхондарё округи ташкил этилди. 1925 йил 18 январида Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ Сурхондарё округи Бойсун, Сариосиё, Шеробод уездларига бўлинди. Улар ичида фақат Шеробод уездигина пахтачиликка ихтисослашган эди. Шуни ҳисобга олиб, 1925 йил 17 январдаги ҳукумат қарорига мувофиқ 4 та асосий ҳудудий тармоққа бўлинди. 1926 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси Кенгашининг қарорига мувофиқ Сурхондарё округида Сариосиё, Бойсун, Денов, Шеробод, Жарқўрғон, Паттакесар районлари ташкил этилади. Округ маркази Шеробод бўлиб қолди. Термиз район марказига айланди⁷⁰.

Ўзбекистон Компартиясининг 1 съездида (1925 йил 6-12 феврал) халқ хўжалигини кўтариш, пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш таклиф этилган эди. Шу билан бирга съезд Ўзбекистон партия ташкилотининг муҳим вазифаси – «давлат саноатини тиклашга, биринчи навбатда унинг пахтачилик билан боғлиқ бўлган қисмини тиклашга» ундади.

Россиядаги саноат корхоналарининг пахтага бўлган талабини қондириш мақсадида пахтага бирламчи қайта ишловчи саноат корхоналарини куриш,

⁷⁰ Материалы по районированию Узбекистана. Выпуск II. Список населенных пунктов. Под редакцией ЦСУ Уз ССР. Книга IX. Округ Сурхондарья. – Самарканд. Издание ЦКР Уз. 1926. – С. 1-19.

наводларга пахтани ўз вақтида етказиб бериш учун йўллар куриш, пахта жамлайдиган майдончаларни ишга туширишга алоҳида эътибор берилди. Натижада, 1924-1927 йилларда Шеробод-Термиз, Шеробод-Денов, Шеробод-Ғузор тош йўллари куриб битказилди. Термиз дарё порти ва темир йўл тармоқлари орқали пахтани Марказга жўнатиш учун зарур чоралар кўрилди. Асосий пахтакор район ҳисобланган Шерободдан пахтани олиб келишда қулайликлар яратиш мақсадида 1928 йили Қорасув дарёси усида кўприк курилди⁷¹. Пахтачиликнинг ривожланиши бошқа тармоқларнинг ўсишига туртки бўлди. Чунончи, 1928 йил бошларида келганда пахта даромади ҳисобига Шерободда 318 та турли хил ёғ-жувоз, мато-бўз, этикдўзлик, темирчилик, қандолатчилик, сопол-кўза каби ҳунармандчилик устанолари фаолият кўрсатди. Бироқ пахта етиштирувчи ҳудудларда 1920 йиллар охирига келиб ҳам қашшоқликнинг бартараф этилмаслиги оқибатида Сурхон воҳасидаги жами аҳолининг 51,2% оғир аҳволда яшади⁷².

Совет ҳокимияти пахтачиликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигини механизациялашга алоҳида эътибор берди. Марказнинг кўрсатмаси асосида қишлоқ хўжалик машиналарига зарурий маблағларни ажратиб янги ҳудудларни ўзлаштиришга жиддий куч сарфланди. Механизаторлар тайёрлаш курслари ташкил этилиб, социалистик мусобақа йули билан иш унумини оширишга эътибор қаратилди. Ушбу мақсадга эришиш учун янги чақириқ ва шиорлар ўйлаб топилди, механизаторлар ўртасида мусобақалар оммалаштирилди.

⁷¹ Турсунов С.Н ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 232-233.

⁷² Турсунов С.Н ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 233.

Қишлоқ хўжалигида тракторларнинг пайдо бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳайратланган деҳқонлар томонидан «шайтон-омоч» деб ном олган бу техника ерни чуқурроқ ҳайдар, деҳқонларнинг ишини осонлаштирар, бинобарин, ҳосилдорликка ҳам ижобий таъсир кўрсатар эди. 1925-1926 йилларда Ўзбекистонда 494 та трактор бўлган бўлса, 1928 йилга келиб 1204 тага етди. Агар ер-сув ислохотига қадар 4,8% ер ҳайдалган бўлса, 1926-1927 йилларда бу рақам 19,6 % га кўтарилди⁷³. Сурхонвоҳасида дастлабки тракторлар 1926 йилда пайдо бўлган. 1926 йилда 6 дона, 1927 йилда эса 13 дона трактор олиб келинди. 1928 йилда Сурхондарё округига пахта экинларни кўпайтириш мақсадида 23 та трактор ажратилди.⁷⁴

Трактор ва тиркама асбоблар каби янги ишлаб чиқариш воситаларининг қишлоқда пайдо бўлиши, уларни хўжаликка татбиқ этишнинг янги ташкилий шакллари талаб қилди. Бундай шаклга Ўзбекистонда 1929 йилда ташкил этилган машина-трактор станциялари киради. МТСлар ҳамма туманларда ишлаб турган тракторларни бир жойга тўплаб, уларни ёнилғи билан таъминлаш ва техника ёрдами кўрсатиш вазифасини ўз зиммаларига олиб, трактор бригадалари ишини режалаштирдилар.

Совет ҳукумати 1929-1932 йилларда Сурхондарё округида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун машина-трактор станциялари (МТС)ни ташкил этишга жиддий эътибор берди⁷⁵. Тракторларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиб боришини

⁷³ Средняя Азия в цифрах. –Ташкент: Средазгосплана, 1931. –С. 76.

⁷⁴ Сурхондарё вилояти давлат архиви.18-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 86-варақ.

⁷⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви., 18-фонд, 1-рўйхат, 104-иш, 15-варақ.

ҳисобга олиб, Ўзбекистонда 1929 йилда 6 та МТС: Асака, Кува, Янги йўл, Когон, Денов ва Боғдод МТСларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Уларнинг ихтиёрига 370 та трактор бериш кўзда тутилди⁷⁶. 1929 йил баҳорида ташкил этилган 1-Денов МТС га 750 от кучига эга бўлган 6 та ҳайдов трактори, 12 та плуг, 15 та борона (сихмола), 90 та «Ваннер» сеялкаси, 15 та от культиватори ва 18 та оқучник (эгат очиш мосламаси) бор эди. Бу техника воситалари Денов минтақасидаги ҳозирги Шўрчи райони хўжаликларига хизмат кўрсатган. Уша пайтда маҳаллий механизаторлар мутлақо йўқ эди. «Йигирма беш мингчилар» қаторида Россиядан келган Аҳад Черикбашев 1929 йилда Денов МТСи қошида тракторчилар курсини очди. У 1931 йилда 101-разъезд (ҳозирги Шўрчи темир йўл бекати) ёнида механизаторлар тайёрлаш курсини ташкил этди, бу курсда 20 нафар шўрчилик йигит тракторчилик хунарини ўрганди. Моҳир механик А. Черикбашевнинг шогирдларидан Мирза Замонов, Ортиқ Саидов, Нарзулла Бобоназаров, Турсоат Мелибоев, Иброҳим Норматов 1930 йиллар бошида техника рулини бошқарган⁷⁷.

Расмий маълумотларга кўра, 1920 йилда пахтачилик учун Швециядан бир дона кетмон учун тилла ҳисобида 2 сўм 50 тийин тўлаган бўлса, 1935 йил охирига келиб Ўзбекистон далаларида 16 мингдан ортиқ трактор ишлаб турганди. Фақат Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи 1935 йилда республиканинг пахтакор колхоз ва совхозлари-

⁷⁶ Ўзбекистон ССР тарихи. 3 жилд. –Б. 479.

⁷⁷ Турсунов С.Н., Эшбоев Қ, Шўрчи тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2013. –Б. 132.

Якубова Диларам Таджиевна

га 13 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот етказиб берди⁷⁸.

Совет ҳукумати Сурхондарёда пахта яккаҳокимлигини ўрнатиш учун ҳамма имкониятларни ишга солди. Бунда воҳа тупроғининг ҳосилдорлиги, ўзлаштирилмаган ерларнинг кўплиги, қулай сув таъминоти, энг муҳими, мўътадил иқлими сабабли пахта ни бошқа минтақалардан кўра анча эрта етилиши ҳисобга олинди. Аммо воҳада пахтачиликни ривожлантириш йўлидаги энг катта муаммо – ишчи кучининг етишмаслиги эди. Қолаверса, воҳанинг жанубий ва тоғли ҳудудларидаги ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолисидан ташқари, чўл ва даштда яшовчи кўчманчи аҳолиси пахтачилик тажрибасига эга эмас эди. Шу сабаб, янги ўзлаштирилаётган пахтачилик районларига вилоятнинг тоғли ҳудудлари ҳамда Фарғона водийсидан пахта «уста»ларини кўчириб келиш сиёсати қўлланилди.

Ўзбекистонда аҳолини кўчириш жараёни ер-сув ислоҳоти билан деярли бир вақтда бошланди. Унинг биринчи босқичи 1926-1929 йилларда ўтказилиб, асосан туманлар, вилоятлар ва республика миқёсида аҳоли кўчирилган. Бу даврда кўчириш тадбирларининг кўлами нисбатан кичик бўлган, бор-йўғи 8047 хўжалик ўзлари яшайдиган округлар ичкарисидаги ўзлаштирилмаган ҳудудларга кўчирилган. Бундан ташқари, аҳолиси зич бўлган Фарғона водийси аҳолиси Тожикистон АССРдаги Вахш водийси, Ҳисор ва Кўлоб вилоятларига кўчирилган⁷⁹. Бу

⁷⁸ Қорабоев С. Ўзбекистонда ленинча индустриаллаштириш тажрибасидан. 1925-1941 йиллар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1974. –Б. 149.

⁷⁹ Олимиён (Алимов) Д.Х., Джалилов М.Ш., Наботов Ф.С. Внутреннее переселение дехканских хозяйств из горных и подгорных районов в Вахшскую долину // Молодой учёный, 2014. –№5(64). –С. 377-380.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

даврда Тожикистон АССР Ўзбекистон таркибидаги мухтор республика бўлганлиги учун ҳам ички миграция жараёнида иштирок этган.

Ўзбекистонда 1929-1932 йилларда Андижон, Фарғона, Тошкент округларининг йигирма мингга яқин хўжалик аҳолиси Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё округларидаги пахта экишга қулай бўлган ҳудудларга кўчирилган⁸⁰. Аҳолини кўчириш сиёсатида республика ташқарисига кўчиришлар ҳам алоҳида ўрин тутади. 1930 йили 510 хўжалик (1530 киши) Андижон округидан Кавказ ортига кўчирилган⁸¹. Биринчи беш йиллик мобайнида 7312 хўжалик Фарғона водийси округларидан Тожикистон АССРга кўчирилган. Фарғона водийси деҳқонларининг кўчирилиши демографик кескинликни юмшатиш билан бирга уларнинг пахтачилик соҳасидаги тажрибасини бошқа ҳудудларга ёйишда қўл келди.

Кўчирилганларнинг ижтимоий таркиби турлича бўлган, бироқ уларнинг асосий қисми ерсиз, камбағал хўжаликлар эди. Бунинг ўз сабаблари бўлган. Авваламбор, марксча-ленинча синфийлик назарисига кўра ер биринчи навбатда камбағалларга берилган. Иккинчидан, кўчириш сиёсати ер тақчиллиги муаммосини ҳал этишга қаратилган бўлиб, унда ерсиз ёки кам ерли одамларгина кўчирилган. Камдан-кам ҳолларда бой-қулоқ хўжаликлар мажбурий тартибда кўчирилган. Баъзан, аҳолини кўчириш бой-қулоқ хўжаликлар, сиёсий ҳуқуқдан маҳрум этилганлар, умуман ҳукуматнинг «қора рўйхати» тушганлар учун жон сақлаш имконини берган. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Фарғона қишлоғида яшовчи 1920 йилда туғилган Мамажонов

⁸⁰ Денов туман давлат архиви. 6-фонд, 1-рўйхат, 52-иш, 56-варақ.

⁸¹ ЎзР МДА, Р-90-фонд, 8-рўйхат, 687-иш, 22-варақ.

Муҳаммадиси ота шундай маълумот беради: «Бу ерга Риштондан ота-онам, иккита акам, мен, битта укам 1930 йилларда кўчиб келганмиз. Дадам аввал бригадир эди. Ўша кезларда буғдой ўрнига пахта экасизлар деган гап чиққанида, буғдой ерида пахта бўлмайди дегани учун бир йилга қамалади. Кўрпа-гиламлигимизни «обиска» («опись» – рўйхат) қилиб тортиб олишди ва ким ошди савдосига қўйишди, еримиз ҳам мусодара бўлди. Дадам қайтгач, қўшнимизнинг уйида ётиб юрдик. Бир «комсомол» деган одам бор экан: «Кулоққа жой берсанг кулоқ бўласан», – деди. Уй эгаси мажбур бўлиб бизни хайдади, молхона, отхоналарни оқлаб тозалаб ўтирдик, чойхона, мачитларнинг бурчакларида яшадик. Қўним топмадик, Охири рўйхатга олиш бошланиб, дадам билан акам рўйхатга ёзилди, орқасидан жўна-жўна бошланди. Нима қиламиз, уйимиз йўқ. Шу тахлитда 11 хўжаликни «пахта устаси» бўласизлар деб, қизил вагонга уриб шу ерга олиб келдилар»⁸².

Аҳолини кўчириш сиёсати ўзбекларнигина эмас, балки, бошқа миллат вакиллари ҳам ўз гирдобига тортган. 1929-34 йилларда 6312 нафар бошқа миллат вакиллари кўчирилган⁸³. Қирғиз, қозоқ, туркманларнинг кўчманчи қисмини ҳам ўтrockлаштириш баҳонасида ўзлаштирилмаган худудларга кўчирилган. Яхудийларни кўчириш сиёсатига тортиш масаласи ҳам алоҳида кўриб чиқилган. Ўша вақтга қадар тирикчилик манбаи майда хунармандчилик ёки савдо-сотик бўлган яхудийлар дехқончилик билан шуғулланишга мажбур қилинган. Аҳолини кўчириш кампаниясининг иккинчи босқичида

⁸² «Мерос» жамғармаси материалларидан. Мамажонов Муҳаммад Исо билан бўлган суҳбатдан. 2008 йилнинг апрель ойи. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Фарғона қишлоқ фуқаролар йиғини.

⁸³ ЎзР МДА, Р-90-фонд, 8-рўйхат, 2006-иш. 87-варақ.

1061 та яхудий хўжаликлари кўчирилган⁸⁴. Бундан ташқари, пахтачилик илми билан деярли таниш бўлмаган руслар, поляклар, немислар ва бошқа миллатлар ҳам кўчириш сиёсатига тортилган. Бу ҳукуматнинг миллий сиёсатда намоён бўлган зўравонлигининг ўзгинаси эди.

Сурхон воҳасига кўчириб келтирилган аҳоли намоолаштириш сиёсатидан четда қолмадилар. Колхозлаштиришда рақамлар кетидан қувиш кўчириш фондларидаги хўжаликларни ҳам ёппасига коллективлаштиришни тақозо этган. Лекин кўчириш фондларидаги колхозларнинг кўпчилигида ички аҳвол ёмон эди. Кўчирилганларнинг меҳнат фаолияти қийинчиликлар билан кечган. Кўчириш фондлари учун ажратилган ерларнинг аксарияти дехқончилик учун яроқсиз бўлган. Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Фарғона қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи 102 ёшли Ҳолиқов Абдурахмон отанинг гувоҳлик беришича, ўша йилларда водийликлар кўчириб келтирилган жойлар тўқайзор ва ботқоқликлардан, одам бўйидан баланд қамишзор ва янтоқзорлардан иборат бўлган. Тўнғизлар, тулкилар, чиябўрилар одамлар яқинида бемалол юрверган. Бундан ташқари, меҳнат фаолияти учун зарур иш қуроллари, иш ҳайвонлари, уруғлик етишмас, агроном хизмати яхши йўлга қўйилмаган, техника билан ҳам деярли таъминланмаган эди. Шунга қарамай, кўчирилганлар ерларни ўзлаштира олдилар. Бунга оғир қўл меҳнати эвазига эришилган⁸⁵.

Кўчирилганлар ажратилган ернинг сифатига қараб бир йилдан 8 йилгача ягона қишлоқ хўжалиги

⁸⁴ ЎзР МДА, Р-90-фонд, 8-рўйхат, 1999-иш, 85-варақ.

⁸⁵ Дала ёзувлари. 2008 йилги маълумот. Денов тумани, Фарғона қишлоғи.

солиғидан, суғурта ва гўшт солиғидан, давлатга дон, картошка, сут, жун топшириш мажбуриятдан озод этилганлар. Улар темир йўл бўйлаб манзилга-ча йўл киранинг фақат 25 фоизини тўлаганлар, 10 ёшгача болалар эса бепул кетган.⁸⁶ Кўчирилганларга уй-жой, хўжалик иншоотлари, кўчириш фондларида йўл ва кўприклар, кечув жойлари, ҳовуз ва қудуқлар, каналлар қурилиши учун ҳамда иш хайвони, ўғит, ем-хашак, уруғлик учун маблағ берилиши лозим бўлган⁸⁷. Аммо буни ҳукумат ўша даврда тўла амалга ошира олмаган. Кўчишга рухсат берилган оз сонли бой-қулоқ хўжаликлар учун темир йўл бўйлаб имтиёзли асосда кетишдан бошқа ҳеч қандай имтиёзлар белгиланмаган.

Янги ерларда турар жой танқислиги муаммоси ўткир бўлган. Кўчирилганларнинг катта қисми узоқ йиллар капалар, чодирлар, қамиш чайлалар, ертўлаларда яшаганлар⁸⁸. Кўчирилганлар учун бир ойга оила бошлиғига: 1кг ёғ, 800грамм шакар, 75 грамм куруқ чой, 1 кг совун, қарамоғидагиларга: 55 грамм ёғ, 200 грамм шакар, 75 грамм чой белгиланган. Аммо 1932-1933 йиллардаги очарчилик даврида бунга ҳамма вақт ҳам амал қилинаверилмаган⁸⁹. Кўчирилганларнинг колхозларида мактаблар етишмаган, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам паст бўлган. 1931 йили эски Бухоро районида безгак хуруж қилганида унга қарши кураш олиб борилмаганлиги туфайли 430 хўжаликдан 270 таси қочиб кетган. Умуман, кўчирилганларнинг

⁸⁶ Андижон вилоят давлат архиви, 189-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 151-варақ; ЎзР МДА, Р-90-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 10-варақ; ЎзР МДА, Р-90-фонд, 8-рўйхат, 2000-иш, 3-варақ.

⁸⁷ ЎзР МДА, Р-90-фонд, 2-рўйхат, 104-иш, 344-варақ.

⁸⁸ ЎзР МДА, Р-95-фонд, 2-рўйхат, 2606-иш, 8-варақ.

⁸⁹ ЎзР МДА, Р-95-фонд, 2-рўйхат, 2606-иш, 10-11 варақлар.

натта қисми қийинчиликларга дош бера олмай аввалги яшаш жойларига қайтганлар. Бундай ҳолатга нисбатан ҳужжатларда «орқага қайтишлар» деган ибора ишлатилади. Орқага қайтишларнинг сабаблари сифатида кўчирилганлар таркибига синфий ёт унсурларнинг аралашиб қолганлиги, ташкилий ишларнинг, озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминланишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, кредитларнинг етарли эмаслиги, кўчириш фондларида тупроқ ҳолати ҳамда иқтисодий шарт-шароитларнинг ноқулайлиги ва бошқа сабаблар кўрсатилган⁹⁰.

Орқага қайтганларга қарши ҳукумат изчил кураш олиб борган. Уларга нисбатан барча қарзларни ундириб олиш каби иқтисодий ва маъмурий ҳамда инвентар-колхоз мулкани ўғирлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиш каби чоралар қўлланилган. Лекин қандай усуллар билан кураш олиб борилмасин, барибир орқага қайтиш сурункали давом этаверган. Биринчи беш йилликнинг ўзида кўчирилган 19465 хўжаликдан 12176 таси (65 фоизи) аввалги яшаш жойларига қайтган, бор-йўғи 6485 (35 фоиз) хўжалик ўрнашиб қолган⁹¹. Орқага қайтишларнинг кўлами аҳолини кўчириш сиёсатининг барбод бўлганлигидан далолат беради. Тўғри, биринчи беш йилликда пахта мустақиллигига эришилди, лекин бунга фақат аҳолини кўчириш сиёсати орқали эришилмаган. Ўша даврда Ўзбекистон етиштирган пахтанинг асосий қисмини кўчириш фондлари эмас, балки бошқа қадимий пахтакор ҳудудлар етказиб берган.

⁹⁰ ЎзР МДА, Р-90-фонд, 8-рўйхат, 687-иш, 22-варақ.

⁹¹ ЎзР МДА, Р-90-фонд, 8-рўйхат, 687-иш, 22-варақ.

Шунга қарамай, Фарғона водийсидан аҳолининг кўчирилиши маълум бир ижобий натижа ҳам берди. Денов, Термиз, Қумқўрғон, Шўрчи туманларида кўчирилганлар мислсиз меҳнат намуналарини намоиш этиб пахта этиштиришни авж олдирганлар. Вилоятда пахтачилик тармоғини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Совет режими Сурхон воҳасига бошқа вилоятлардан аҳолини кўчириш сиёсати барбод бўлганлигини англаб етгач, эътиборни воҳанинг маҳаллий аҳолисига қаратади. Шу йилларда ўтроқ аҳолисининг асосий қисми тоғли ҳудудларда яшаганлиги боис, пахтачиликни тоғ зонасида ҳам ривожлантириш йўлга қўйилади. Айниқса, Шеробод туманидаги тоғли қишлоқлар умид бағишлар эди. Сабаби, бу ҳудудларда пахтачилик учун қулай бўлган серсув дарёлар, унумдор тупроқ ва мўътадил иқлим мавжуд эди. Қолаверса, ҳудуднинг маҳаллий аҳолиси қадимдан бошлаб тоғ водийларида пахтачилик билан шуғулланиб келар эди. Тоғ қишлоқларининг энг катта муаммоси, сувнинг камлиги эди. Шунинг учун ҳам, совет ҳукумати тоғли зонадаги пахта етиштирувчи қишлоқлар аҳолисини Амударё ва Сурхон дарёси бўйидаги колхозларга кўчиришни рағбатлантирди. Ўз ихтиёри билан пахтакор районларга кўчиб келган қулоқ хўжаликларига тегинилмади. Ҳатто, уларнинг тезроқ кўчиб ўтишлари учун қишлоқларда қулоқлаштириш кампаниясини биров кечиктириб туришди.

Хусусан, 1930 йили Шеробод туманидаги «Қизил карвон» колхозининг раиси Эшмурод Раҳмонов ва Бедак қишлоқ кенгашининг раиси Бойманов Оймат кечаси йирик тадбиркор, уста Сўхман Боймановнинг уйига келиб, шу кечаси кетиши лозимлиги, акс

қолда эрталаб ҳукумат вакиллари келиб уни қулоқ қилишларини айтади. Унинг жўнаши учун «тирикчилик қилолмай кетишга мажбур бўлди» деган маълумотнома ёзиб берадилар. Ўша кечаси уста Сўхман бутун ғалласини камбағалларга тарқатиб, дўкони, чорваси ва боғини колхозга топшириб, ўзи Термиз туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигига жўнайди. Бу ердаги колхозда яхши меҳнат қилиб обрў топади⁹².

Олиб борилган тарғибот ишлари туфайли 1929-32 йилларда биргина Шеробод тумани Хатак қишлоқ кенгашидан 50 хўжалик Ўзбекистон ССР таркибидаги Тожикистон АССРнинг Қўрғонтепа вилояти, Қабодиён туманига, 30 хўжалик Термиз туманидаги Намуна колхозига ва Жарқўрғон туманидаги Хўжа Рўшнои қишлоғига ўз ихтиёрлари билан кўчиб келишади⁹³. Хатак қишлоқ кенгашидаги аҳолининг кўчиши бундан кейин ҳам давом этди. 1936 йилги қурғоқчилик оқибатида қишлоқ кенгаши таркибидаги Калапўшқия, Нурали, Чоҳак, Тангидевон, Чинор, Тошлик юрт, Зараутсой ва Хўжанқон қишлоқлари аҳолисининг катта қисми пастга кўчади. Чоҳак қишлоғи аҳолиси Термиз тумани, Намуна колхозига «Партизан», «Правда» участкаларига, Зараутсой аҳолиси Қумқўрғон туманига, Тангидевон ва қисман Хатак аҳолиси Ангор туманидаги Зартепа шимолидаги Хўжа Рўшнои мақбараси атрофига, яна бир қисм аҳоли Жарқўрғонга кўчиб келишган⁹⁴.

Аҳолини ихтиёрий равишда янги пахтакор районларга кўчириш учун воҳадаги колхоз ва совхоз

⁹² Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар... –Б. 102-103.

⁹³ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, 2019 йил, июнь.

⁹⁴ Турсунов С., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 242.

ларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш лозим эди. Бунинг учун давлат томонидан муайян ишлар амалга оширилди. 1930-1933 йилларда ташкил топган колхозлар ниҳоятда кам қувват ҳамда иқтисодий таъминоти паст эди.⁹⁵ 1933 йилга келганда колхозларнинг сони кўпайиб, умумий кўрсаткичлари ҳам анча яхшиланди. Кўплаб жамоа хўжаликлари ташкил топган дастлабки йилларда ноқ ўзларига белгилаб берилган режа ва топшириқларни ошириб бажардилар. 1932 йили Денов туманидаги Маданият жамоа хўжалиги пахта сотиш режасини 168,3 % га бажариб, 160 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 16,5 центнердан ҳосил тўплади. Хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб бориши туфайли янги ерлар ўзлаштирилди, суғориш тизимлари бирмунча мустаҳкамланди.

Воҳада пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадида 1931-1932 йилларда Сурхондарё округида 2-Денов, Узун, Шўрчи, Ангор, Таллимарон, Бешқўтон МТСлари ҳам ташкил этилди.⁹⁶ 1932 йил Шерободда пахтачилик билан шуғулланувчи 11848 деҳқон хўжалиги бўлиб, колхозлар сони 139 тага етказилди. Пахтакор колхозларга 8514 деҳқон хўжалиги аъзо бўлиб, жами деҳқон хўжалигининг 71,7% жамоа хўжаликларига аъзо эди.⁹⁷ 1930 йилларда Сурхондарё округини йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи марказга айлантириш учун илм-фан ютуқлари жорий этила бошланди. 1930 йилда Шўрчи туманида дастлабки Култепа

⁹⁵ Турсунов С.Н., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 241.

⁹⁶ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 18-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 63-варақ.

⁹⁷ Турсунов С.Н., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 242.

агроучасткаси ташкил этилди, унга куйбишевлик, агроном Тимофей Дмитриевич Акимов раҳбарлик қилди. Агроучастканинг асосий вазифаси – давлат ва жамоа хўжаликларини уруғлик чигит ва дон билан таъминлаш, техника хизмати кўрсатиш, ғўза ва бошқа экинлар парвариши бўйича малакали маслаҳат беришдан иборат эди⁹⁸.

1933 йил март ойида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтидан 18 нафар иқтидорли студентлар М.С.Истомин раҳбарлигида Шерободга доимий ишлаш учун келди. Шу йилнинг ўзида Истомин «Ўртоқ» колхозига агроном этиб тайинланди. Унинг ташаббуси билан 1934 йилда пахта ичига қовун-тарвуз экиш тўхтатилади. М.С.Истомин биринчи марта жўяга экилиб келган пахтани агатга ўтказиб, ҳосилдорликнинг ошишига катта йўл очиб берди ва бу билан ғўзанинг туп сонини кўпайтирди. Пахта ҳосилдорлигини оширишда суғоришнинг янги усулларини жорий этиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланишни жорий этади. М.С.Истоминнинг кўрсатмаси билан ҳосили кам, толаси сифатсиз, пишиш муддати узоқ, нархи паст, эски ғўза навини экиш тўхтатилади⁹⁹. М.С.Истомин Сурхон воҳасида ингичка толали пахтани экиш тўғрисида таклиф билан чиқди. Ингичка толали пахта алоҳида мустаҳкам матолар учун зарур бўлган хом ашёдир. Ингичка толали ғўза навлари кеч пишар бўлганлиги сабабли фақат иссиқ ўлкаларда етиштирилади. Халқ томонидан «ипак пахта» деб аталди.

Ингичка толали пахта Ўзбекистонда илк марта 1929 йилда бор-йўғу 5 гектар майдонда, у ҳам синов

⁹⁸ Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. –Б. 131.

⁹⁹ Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б. 176-177.

Якубова Диларам Таджиевна

тариқасида Термиз тажриба станциясида экилган эди. Мисрдан олиб келинган пахта навини маҳаллийлаштириш билан М.С.Истомин шуғулланди. Иш жуда оғир эди. Ингичка толали пахтанинг чигити ерга қўл билан қадаб чиқилди. Уруғлик чигит жуда камлигидан улар ҳатто кўчат қилиб ўтказиларди. Чунки шу даврда сеялқалар жуда кам эди. Орадан бир йил ўтгач Ўзбекистон бўйича 205 гектар, шу жумладан Сурхондарёда 120 гектар майдонга ипак пахта экилди. Аммо ҳосил чўғи паст бўлди, гектарига 2 центнердан хом ашё олинди¹⁰⁰.

Бундай тажриба экишлари Сурхондарёдан ташқари, Ўзбекистоннинг деярли барча пахта экиладиган ҳудудларида, шу жумладан Тошкент, Пискент, Янгийўл, Мирзачўл районларида, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ўтказилди. Олиб борилган ишлар ўз самарасини берди. Ҳосилдорлик йилдан йилга ўсиб борди. 1928 йилда СССРда 22 минг, 1929 йили 121 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилган бўлса, 1933 йилга келиб Ўзбекистонда бундан ҳам кўп ингичка толали пахта тайёрланди. Бунда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили ўртача 4,8 центнерни ташкил этди¹⁰¹.

Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахта Шеробод, Термиз ва Жарқўрғон туманларида синовдан ўтказилди. 1933 йили бу ерда 3,5 минг гектар ердан 2 минг тоннадан зиёд ингичка толали пахта етиштирилди. 1934 йилнинг баҳорида мазкур туманларнинг барча майдонларга икки нав: Пима ва Маарад навлари экилди. Маарад нави бу жой-

¹⁰⁰ Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. - Москва.: Мысль, 1982. - С. 73.

¹⁰¹ Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. Т.: Ўзбекистон КП МКнинг нашриёти, 1969. - Б. 6.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

ларнинг шароитига мослашиб анча юқори ҳосил ва сифатли тола берди. 1934 йилнинг кўкламидан бошлаб бу туманларда фақат ингичка толали пахта экила бошлади.

1934 йилнинг баҳорида Шеробод туманидаги Чўнчи қишлоғида жойлашган Киров номли колхозда ингичка толали пахта учун элита уруғчилик хўжалиги ташкил этилади. Бу хўжалик Сурхондарё, Бухоро ва Фарғона водийсидаги хўжаликларни уруғлик чигит билан таъминлади. Шу ўринда қайд этиш керакки, ингичка толали кечпишар Пима ва Маарад навларининг ҳосили амалда ингичка толали бўлмаган пахта навларининг ҳосилидан кам бўлмади. 1938 йилдан бошлаб ингичка толали пахта Шўрчи туманида ҳам экила бошланди. 1941 йили вилоятда 40 минг гектар пахта майдонининг 19600 гектарига ингичка толали пахта экилди. Ҳар гектар ердан ўртача 12,2 центнердан ҳосил олинди.

Сурхондарё вилоятида пахта майдонларни кенгайтириш мақсадида пахатчиликни биладиган мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилиб, суғориш тизимига тааллуқли билимларни бериш мақсадида 1938 йил Термиз шаҳрида, 1939 йилда эса «Ҳазарбоғ» совхозида механизация билим юртлари ташкил этилиб, амалий кўникмаларни ўргатиш учун 1938 йилда Деновда мотор-ремонт заводи қурилиб ишга туширилди.¹⁰² Шўрчидаги пахтачилик билан шуғулланадиган жамоа ва давлат хўжаликлари сони 52 тага етди, уларнинг моддий-техника негизи тобора мустаҳкамланди. Шўрчи минтақасида МТС (машина-трактор станцияси) ташкил этилгач, техника воситаларининг сони ва

¹⁰² Сурхондарё вилояти давлат архиви. Фонд-446, 1-рўйхат, 59-иш, 79-варақ.

тури тобора кўпайиб, хизмат сифати яхшиланди. Бу соҳада механик А.Луктовский, Чариков, Ципляев ва Бичков алоҳида жонбозлик кўрсатди. 1935 йилда фақат «Ёруғлик» ва «Коммунист» жамоа хўжаликларидан 1,5 тонна юк кўтарадиган автомашиналар мавжуд бўлган¹⁰³.

Пахта етиштиришни кўпайтириш учун рентабеллик даражаси паст бўлган хўжаликлар бирлаштирилиб бақувват хўжаликларга бириктирилди. Хусусан, 1932 йили Денов туманидаги «Хурлик», 1938 йил «5 йиллик», «Ёш ғайрат», «Ўркак» хўжаликлари бирлаштирилиб, «Ёш ғайрат» колхози ташкил этилади. Унга раис этиб Алихон Сафаров тайинланади. Алихон Сафаров 1930-1932 йилларда Қумқўрғон канали курилишида бош мироб бўлиб ишлаган эди. 1949 йилда «Пахтакор» ва «Зарбдор» хўжаликлари «Ёш ғайрат» хўжалигига бирлаштирилди. Хўжаликларнинг бирлаштирилиши ўз натижасини берди. 1932 йилда «Қизил тўлқин» колхозини 12 центнердан пахта етиштирганлиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ўша йили совет ҳукумати Сурхондарё округида пахтачиликни ривожлантиришда эришилган ютуқларни ҳисобга олиб, Шеробод уездини «Меҳнат Қизил Байроқ ордени» билан мукофотлади¹⁰⁴.

Ўзбекистон ҳукумати қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, бошқаришни такомиллаштириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилашни назарда тутиб, Денов райони негизида Шўрчи райони ташкил этишни лозим топди.

¹⁰³ Кабилов Э.А. История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Дисс. канд. истор. наук. -Ташкент. 1994.

¹⁰⁴ Сурхондарё вилояти давлат архиви.Фонд-478, 1-рўйхат, 52-иш, 189-варақ.

1938 йил 9 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Марнавий Ижроия Қўмитаси бу ҳақда қарор қабул қилди. Шўрчи, Култөпа, Оқтумшук ва Янгибозор каби қўҳна қишлоқлар негизида ушбу туман ташкили топди. Шўрчи қишлоғи район маркази бўлди. Район партия қўмитасининг биринчи котиби этиб хоразмлик Усмонов, район ижроия раиси этиб Шонқулов, «Ёруғлик» жамоа хўжалиги раиси Қамбар Маматқулов – партия қўмитаси котиби, давлат снэсий бошқармаси бошлиғи этиб Бородюк, «Оққапчиғай» давлат хўжалиги раиси Мирбақоев – район снэсий бўлими бошлиғи, туман соғлиқни сақлаш бўлими бош врачиси этиб Шатковская, ер ишлари шўъбаси бошлиғи этиб Абди Қодиров тайинландилар¹⁰⁵.

Сурхондарё округида пахта майдонлари йилдан-йилга ортиб бориб, 1928 йил пахта майдонлари 12,5 минг гектар бўлган бўлса, 1940 йилда келиб эса бу кўрсаткич 50 минг гектарга етди¹⁰⁶. 1941 йилда Сурхондарё вилояти ҳудудида 39,3 минг деҳқон хўжалигидан иборат 523 колхоз ва 5 совхоз мавжуд эди. Колхозларга техник хизмат кўрсатиш мақсадида 12,1 минг от кучига эга бўлган 841 та трактордан иборат МТС лар фаолият юритган. МТСларнинг асосий фонди 12 млн сўмга етган. Улуғ Ватан уруши арафасида ҳайдаладиган ерлар 197,7 минг гектарни ташкил этди ёки 1913 йилга нисбатан икки баравар ортиқ бўлди. 47,1 минг гектар майдонга ғўза экилди, пахта ҳосилдорлиги 1913 йилги 7 центнерга нисбатан 14 центнерга етди. Уруш арафасида колхозларнинг даромади 105 млн сўм, 1 меҳнат кунининг қиймати 4 сўм 56 тийинни ташкил қилди.

¹⁰⁵ Турсунов С., Эшбоев Қ, Шўрчи тарихидан лавҳалар. -Б. 134

¹⁰⁶ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 5-рўйхат, 46-иш, 60-варақ.

Колхозчиларнинг шахсий хўжалигида 324 минг бош чорва моли, шу жумладан, 54 минг йирик шохли қорамол бор эди¹⁰⁷.

Иккинчи жаҳон уруши воҳа қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини жиддий синовдан ўтказди. Вазият ниҳоят даражада оғир эди. Фронтга тобора кўпроқ қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат, ҳарбий техника ва бошқа анжомлар зарур эди. Шунинг ҳисобга олиб, вилоят раҳбарлиги 1941 йил 24 июлда «Ҳарбий замон шароитлари» масаласини муҳокама қилди ва ушбу масала юзасидан қарор қабул қилди. Давр талабларини инобатга олган ҳолда вилоятдаги барча ишлаб чиқариш муассаса ва ташкилотларига ҳарбий давр қонунлари асосида иш юритилиши белгилаб берилди. Меҳнаткашларнинг иш вақти узайтирилди. Меҳнат таътиллари ва дам олиш кунлари бекор қилинди. Уруш чўзилиб кетгач, СССР Олий Совети 1942 йилнинг 9 апрелида отпускаи (меҳнат таътили) учун бериладиган пулларни тўлашни вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги Фармони қабул қилди¹⁰⁸.

Вилоят халқ хўжалигида банд бўлган эркак аҳолининг фронтга сафарбар қилиниши кадрлар танқислигини келтириб чиқарди. Жойлардаги бутун ишлаб чиқариш масъулияти аёллар, болалар, қариялар ва ногиронлар зиммасига тушди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан банд бўлган аёлларни янги касб малакаларига ўргатиш кун тартибидаги долзарб мавзу эди. Шу мақсадда жойлардаги саноат корхоналари ва МТСлар қошида қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Ушбу

¹⁰⁷ Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. — С. 55-56.

¹⁰⁸ Соатов О., Турсунов С., Умаров И., Тошев К. Фронтдан келган хатлар. — Тошкент: Тафаккур, 2020. — Б. 29.

курсларда аёллар станоклар билан ишлаш, трактор ва комбайнлар ҳайдаш ва шунга ўхшаш касб малакаларини эгаллар эдилар. Жумладан, урушнинг дастлабки ойларида Шеробод МТСи қошида ташкил қилинган курсни 83 хотин-қиз тамомлаган бўлса, Жарқўрғон тумани 1-МТСи қошида ташкил қилинган курсда 62 хотин-қиз трактор бошқариш сирларини ўрганди¹⁰⁹.

Уруш шароитида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик техникалари, кимёвий ўғитлар, ишчи кучи етишмаслиги пахтачиликнинг аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Шундай бўлса-да, совет давлати нима қилиб бўлса ҳам пахтачиликни сусайтирмасликка ҳаракат қилди. Бу борадаги ташаббус маҳаллий раисларнинг ўзидан чиқди. 1942 йилда тоғли Хўжанқон қишлоғидаги «Қизил меҳнат» колхозида ингичка толали пахта етиштириш йўлга қўйилди. Бу ишнинг ташаббускори шу колхознинг раиси Мардон Мўминов бўлди. Ундан кейин раис бўлган Маъруф Раҳимов 1944 йилда тажриба тариқасида республикада илк марта колхознинг лалми ерларида ипак пахта эктирди ва яхшигина ҳосил олиш мумкинлигини исботлаб берди¹¹⁰. Улардан намуна олган совет ҳукумати тоғли худудларда жойлашган Зарабоғ, Кампиртепа, Пошхурд, Хатак, Хомкон, Хўжаулкан қишлоқ кенгашларидаги колхоз далаларида йирик толали пахта навлари билан бир қаторда ингичка толали пахта етиштиришни ҳам жорий қилди. 1942 йилда вилоятда тракторлар томонидан 11 минг гектар, от-трактор кучи билан 3 минг гектар, от кучи ёрдамида 3 минг гектар пахта майдонида ишлов берилди¹¹¹.

¹⁰⁹ «Илғор Сурхон учун» газетаси. 1941 йил 9 октябрь.

¹¹⁰ Умаров И., ва бошқалар. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. — Б. 118.

¹¹¹ Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 369-иш, 2-варақ.

Якубова Диларам Таджиевна

Ҳар қанча қийинчиликларга қарамай, вилоят пахтакорлари ўз зиммаларига олган масъулиятли вазифани шараф билан адо этдилар. Кунлик нормани ортиғи билан бажариш одатий ҳолга айланди. Хусусан, Шеробод тумани, Тангидевон қишлоғидаги Сталин номли колхоз ишчилари: Аминова Қизларой ҳар йили 200-250 меҳнат куни (кунлик нормадан 3 баравар ортиқ); Хатақдаги Андреев номли колхознинг илғор пахтакор теримчиси Сафарова Баҳорой йиллик 310-350 меҳнат куни, 1944 йилда 357 меҳнат куни, 1945 йилнинг 9 ойида 279 меҳнат куни ишлаган¹¹². Хўжаулкан селсовети меҳнаткашлари юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатишиб барчага ибрат бўлдилар. Жумладан, Йўлдош Охунбобоев номли колхоз (раис Холмонов Қултўра) ишчиси илғор пахтакор Эгамбердиева Ободой – стахановчи сифатида 1944 йилда бажарган нормаси 411 меҳнат куни бўлган. 1945 йилнинг 9 ойида 401 меҳнат куни ишлаган. Шу колхоз ишчиси Турдиев Алибой 1944 йилда 512 меҳнат куни, 1945 йилнинг 9 ойида 510 меҳнат куни ишлаб берган¹¹³.

Денов тумани Хазорбоғ совхозидаги Д.Асланов бошчилик қилган бригада пахтакорлари ҳар йили гектарига 60-70 центнердан пахта олишган¹¹⁴. Сариосиё туманидаги Тортувли қишлоқ кенгашига қарашли «Ғалаба» колхози аъзоси М.Қурбонова 1942 йилда 400 меҳнат куни ишлаган бўлса, 1943 йили 600 меҳнат куни ишлашга эришди. Шеробод туманидаги «Қизил Қаҳрамон» колхози звено бошлиғи Рўзихол Умарова 16 кишидан иборат аъзолари билан 1942 йилда тоғолди ҳудудда ҳар гектар пахта

¹¹² Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 364-иш, 290-295 варақлар.

¹¹³ Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 364-иш, 180, 259-260 варақлар.

¹¹⁴ Халиёров Х., и др. Сурхандарьинская область. – С. 27.

ободонидан 85 центнердан ҳосил йиғиштириб, ҳосилдорлиги бўйича бутун мамлакатда ҳам юксак кўрсаткичларга эришди¹¹⁵.

Тоталитар режим уларнинг фидокорона меҳнатини ҳар 10 кунда бир марта уйига бориб келиш билан «мукофотлаган», холос. Бошқа колхозчиларга эса, ойига бир марта бориб келишига рухсат этилар эди. Тўғри, урушдан сўнг вилоят меҳнат аҳлининг учдан бири, шу жумладан, юқорида номлари қайд этилган юртдошларимизнинг ҳаммаси 1946 йилда «1941-1945 йилларнинг Улуғ Ватан урушидаги фидокорона меҳнати учун» («За доблестный труд в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг») медали билан тақдирланганликларини эслатиб ўтишимиз ўринлидир¹¹⁶.

1930 йили Фарғонанинг Бешариқ туманидан Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманига кўчиб келган Узоқбой Жўраев (1883-1954) Шўрчидаги «Вш ғайрат» колхозига аъзо бўлиб киради. 1934 йилдан звено бошлиқлигига сайланади. 1941 йили ҳар гектаридан 18 центнердан, 1942 йили 25 центнердан, 1943 йилда ингичка толали пахта экиб, 46 центнердан ҳосил етиштирган. 1944 йилда жамоа хўжалиги бўйича ҳосилдорлик гектарига 10,5 центнерга етган бўлса, Узоқбой Жўраев звеноси 62 центнердан ҳосил олган эди. 1945 йили унинг звеноси гектарига 119 центнеру 62 кг ингичка толали пахта етиштирди. Унинг шогирди Қарши Маматалиев ҳар гектар ердан 82 центнердан ҳосил кўтарди. Қўшни «Ободон» колхозидаги шогирди Шоймардон Ҳасанов ҳар гектардан 103 центнердан ҳосил кўтарди.

¹¹⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. Фонд-45, 1-рўйхат, 12-иш, 89-варақ.

¹¹⁶ Соатов О., Турсунов С., Умаров И., Тошев К. Фронтидан келган хатлар. – Б. 35-36.

Якубова Диларам Таджиевна

1946 йилда Узоқбой Жўраев ўтган йилги «рекордини» такрорлаб, гектарига 119,6 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлди. Ингичка толали пахта етиштиришда кўрсатган улкан хизматлари учун 1947 йил 19 майда Узоқбой Жўраевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди¹¹⁷.

Уруш йилларида Сурхондарё вилояти меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатлари натижасида вилоятда ғалла етиштириладиган майдонлар 1940 йилдагига нисбатан 150 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари уруш даврида мамлакатга 800 минг тоннага яқин дон, 15 минг тонна гўшт, 5 минг тонна гуруч, 170 минг дона қорақўл териси, 360 тонна пилла, 10000 тонна сабзавот ва узум етиштириб бердилар¹¹⁸. 1941-1945 йилларда вилоят пахтакорлари давлатга 239 минг тонна пахта етказиб берди¹¹⁹. Ўзбекистон эса, 1,5 млн тонна пахта етиштириб берди-ки, бу 1913 йилдагига нисбатан 3 баравар кўп эди¹²⁰.

Урушдан кейинги йилларда тоғли ҳудудларда пахтачиликни ривожлантириш истиқболлари паст эканлигини ҳисобга олган совет ҳукумати тоғ колхозлари аҳолисини Ангор, Жарқўрғон, Термиз ва Шерободнинг янги ўзлаштирилган ерларига кўчиришга алоҳида эътибор қаратди. Аҳолини худди олдинги йилларга ўхшаб «орқага қайтиб кетмаслиги» учун ёппасига кўчиришга қарор қилинди. Бу билан ҳудуддаги асрий боғдорчилик ва чорвачилик анъаналарига жиддий путур етказилди. 1949 йил-

¹¹⁷ Авлиёкулов Қ., Эргашев Р., Исмоилов Й. Сурхон юлдузлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. –Б. 48-49.

¹¹⁸ Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 1991. –Б. 30.

¹¹⁹ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 58-фонд, 18-рўйхат, 148-иш, 43-варақ.

¹²⁰ Батурун С. Советская ирригация Узбекистана-всенародноответвление. –Т.: Госиздат, 1954. –С. 66.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

нинг 3 мартада Шеробод тумани ижроия кўмитаси «Таллимарон даштларини ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик экинларини экиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорга биноан тоғ зонасидаги Қизиллолма, Шержон, Вандоб, Тангидевон, Хатак, Лайлаган, Қорабоғ, Пошхурт қишлоқлари ва пастки зоналардан Оқжар, Навбоғ, Гиламбоб, Хўжақия ва бошқа қишлоқларнинг аҳолиси Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Жарқўрғон ва Термиз туманлари ҳудудларида янги ташкил қилинган совхоз ва колхозларга кўчириш учун жалб қилинди¹²¹.

Одамларни кўчириш шошма-шошарлик билан амалга оширилган. Кўп ҳолларда кўчирилувчиларга чорва моллари, ҳатто озиқ-овқатларни ҳам олиб кетиш қатъини таъқиқланди. Фақат ўтовлари, кийим-кечаклари ва уй-рўзғор буюмларигагина рухсат этилган. Бу эса кўчирилганларнинг аҳолини янада оғирлаштирган. Оммавий кўчирилиш оқибатида Кўхитанг тоғидаги мазкур қишлоқлардаги асрий боғлар қуриди. Мевали дарахтлар аямай кесилди ва Шерободга ташиб келтирилиб ўтин ўрнида ёқилди. Тоғ қишлоқлари маълум муддат тушкунлик ҳолатида қолди.

Хуллас, совет давлати пахтачиликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигида механизациялаштиришни жорий этди. Жойларда МТС лар ташкил этилди. Тоғли ҳудудларда, жумладан, лалми ерларида ҳам пахта эктирди. Пахта яккахукмронлиги шароитида аҳолини яшаб турган жойидан кўчириб, янги ўзлаштирилган жойларга кўчирди. Бу ишлар маҳаллий аҳоли орасидан кўплаб қурбонлар ва талофатлар берилиши эвазига амалга оширилди. Аммо халқнинг фидокорона меҳнати туфайли Ангор, Шеробод ва Музработда йирик пахтачилик хўжаликлари ташкил топди.

¹²¹ «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси. 1991 йил 7 феврал.

I БОБГА ХУЛОСАЛАР

Хулоса қиладиган бўлсак, совет давлати Сурхон воҳасида пахта монополиясини ўрнатиш учун барча чораларни кўрди. Бунда аввало ер-сув ислохотларини, сўнгра ялпи жамоалаштириш сингари ижтимоий-сиёсий тадбирларни ўтказиб, бутун ер-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини ўз қўлига олди. Колхозга кирган деҳқонлар давлат томонидан белгилаб берилган барча мажбуриятларни бажаришга маҳқум этилдилар. Совет давлати колхозлардан ўзи учун зарур бўлган пахта ва бошқа хом ашёларни арзон ва кўп миқдорда олиб кета бошлади. Ушбу сиёсатга қарши чиққанларга нисбатан аёвсиз репрессив чоралар кўрилди. Ўзига тўқ, йирик ва бой хўжаликлар тугатилиб, «қулоқ» қилинди. Ваҳоланки, қулоқ қилинган деҳқонлар аслида қишлоқ хўжалик ишларини яхши биладиган кишилар эди. Қулоқлаштирилган кишилар турли ўлкалардаги махсус ташкил этилган қулоқ посёлкаларига сургун қилиндилар. Бу посёлкаларда улар жуда оғир шароитларида меҳнат қилдилар. Афсуски, уларнинг кўпчилиги қийинчиликларга дош бера олмай ҳалок бўлишди.

Бундан ташқари, совет давлати ўлкада пахтачиликни ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришга киришди. Воҳа худудида машина трактор станциялари ташкил этилди. Пахтачилик соҳасига илм-фан ютуқлари кенг қўлланила бошланди. Воҳада ингичка толали пахта етиштириш йўлга қўйилди. Амалга оширилган ишлар пахта ҳосилдорлиги ошишига олиб кел-

ди. Сурхон воҳаси ингичка толали пахта етиштириладиган йирик базага айланди.

Воҳадаги унумдор ерларни ўзлаштириш учун Фарғона водийсидан аҳолини кўчириб келиш сиёсати амалга оширилди. Улар билан бирга воҳанинг тоғли қисмида яшовчи аҳоли ҳам янги ўзлаштирилган худудларга кўчирилди. Сурхон воҳасининг кўчманчи аҳолисини ўтrockлаштириш учун барча чоралар кўрилди. Бу ҳам воҳа пахтачилик тараққиётида ижобий роль ўйнади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида иш кучи, қишлоқ хўжалик техникалари, минерал ўғитлар ва иш қайвонлари етишмаслигига қарамай, воҳа аҳолиси матонат билан меҳнат қилдилар. Фронтга кетган эркаклар ўрнини аёллар, болалар ва қариялар эгаллашди. Уларнинг кучи билан фронт учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан, пахта хом ашёси етказиб берилди. Пахтага бўлган эҳтиёж юқорилиги инobatга олиниб, тоғли худудларда ҳам ингичка толали пахта экиш йўлга қўйилди.

Уруш тугагач, тоғ қишлоқларида яшовчи аҳоли янги ўзлаштирилаётган чўл зонасига оммавий ва мажбурий равишда кўчирилади. Бу билан асрлар давомида шаклланиб келган деҳқончилик маданиятига путур етди. Боғдорчилик, чорвачилик, сабзавотчилик тармоқларига жиддий зарар етказилди.

II. Боб. СУРХОН ВОҲАСИДА СУҒОРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИНГ ПАХТАЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

2.1. Сурхон воҳасида пахтачиликни ривожлантириш учун суғориш тизими соҳасидаги дастлабки ҳаракатлар

Сурхон-Шеробод воҳасининг ўзига хос табиий шароитлари мавжуд. Бу ерда ижобий ҳароратнинг йиғиндиси 6 минг даражадан ортиқ, пахта учун ижобий таъсир кўрсатадиган ҳарорат йиғиндиси эса 3200 даражага яқин. Ўртача кунлик температурали кунларнинг йиллик миқдори – 10 (даража) дан юқориси 261 кун, 5 (даража) дан юқориси 44 кун бўлиб, нолдан пасти бир кун ҳам йўқ. Булутсиз кунлар ва қуёшли соатларнинг миқдори Бирлашган Араб Республикасидагига нисбатан бу ерда кўп. Дастлабки кўсакларнинг очила бошлаганидан то кузги совуқлар тушгангача яна 120 кун иссиқ вақт бўлиб, бу даврда барча кўсаклар очилиб улгуради. Май ва сентябрь ойларининг температура шароитлари бир хил; «қиш» деган нарса бўлмайди, минимал ўртача кунлик иссиқлик температура бутун қиш бўйи плюс икки градус (даража)дан паст тушмайди. Ёғингарчиликлар жуда кам бўлади. Шеробод ва Термизда улар йил мобайнида 150 миллиметрдан ошмайди, шу жумладан декабрдан то май ойигача 90 миллиметрни ташкил этади. Ҳавонинг нисбий намлик даражаси жуда ҳам оз бўлиб, Ўрта Осиёнинг пахта етиштириладиган бирорта минтақасида уч-

рамайди; бир йилнинг 200 кунда ҳавонинг нисбий ҳаво нами 30 фоиздан кам бўлади, ёз ойларида эса у 10-20 фоизгача пасаяди, жануби-ғарбдан эсадиган гармсел ҳавонинг нисбий намлиги 13-16 фоиз бўлади¹²². Шеробод чўли Амударё билан Кўхитангтоғ ва Боботоғ оралиғидаги катта текисликдан иборат. Чўлнинг шимоли-шарқий қисми Қизириқдара бўлиб, айрим жойлари чуқур жарликлардан иборат жой ҳисобланади. Чўл массивининг умумий майдони 3100 км². Унинг 25 % майдони Хавдаг ва Бошхотин тизмаси тепаликларидан иборат.

Шеробод чўли ўзининг тупроқ ва иқлим хусусиятларига кўра, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачиликни ривожлантириш учун жуда қулай жой ҳисобланади. Аммо ҳудудда сув кам бўлганлигидан деҳқончилик қилиш анча қийин. Рельефига кўра, Шеробод чўлидаги 50 минг гектар ер горизонтал, ўзи оқар сувлар билан таъминланган. Қолган 130 минг гектар ерни сувни механик кўтариш йўли билан суғориш мумкин. Шу сабабли Сурхон-Шеробод водийсининг жуда катта ер массивларидан, унинг иқлим шароитлари қанчалик қулай бўлишига қарамасдан, жуда кам фойдаланилган. Наҳоланки Сурхон суви билан мазкур бой ўлкани жонлантириб юбориш мумкин эди.

Ер-сув ислохотлари даврида совет ҳукумати Сурхон воҳасида пахта учун муҳим ҳисобланган ирригация ва мелиорация ишлари тиклашга алоҳида эътибор қаратди. Янги ирригация тармоқларини бунёд этиш, мавжуд ариқ ва зовурларни қайта таъмирлаш учун катта миқдорда маблағ ажратилди. 1925 йилда Сурхон воҳасида 63,129 минг десятина

¹²² Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 3.

ерга деҳқончилик қилинар эди.¹²³ Ушбу ер майдонининг 52,5 минг десятинаси суғоришга яроқли эди. Округ ташкил этилган даврда пахтага бўлган талабни қондириш учун ўртача бир омовга 2,72 десятина ер, бир боронага 9,49, бир кетмон ва белга 2,3 бир ўроққа 1,70 десятини ер тўғри келган¹²⁴.

1925 йилда Сурхондарё округида ирригация тизимини тезроқ тиклаш ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида тўққизта сув тақсимлаш тармоғи ва 64 та мироблик бўлимлари ташкил этилди¹²⁵. 1925 йилда бутун Сурхон воҳаси 2 та сув округига бўлинди. Биринчи сув тармоғи саналган Юқори Сурхон округи таркибига воҳанинг юқори қисми, яъни Қоратоғ, Дашнобод, Тўпаланг, Хўжаипок, Дагдон, Хўжаиоб-Қорасув дарёлари ва шу ҳудудларга қарашли тоғ булоқларида қурилган суғориш тизимлари кирди. Юқори Сурхон округининг асосий сув тармоғи Юрчи деб аталиб, у 6 та сув ҳудудларидан иборат бўлган. Иккинчи сув тармоғи эса 9 та сув тақсимлаш тармоғидан ташкил топган Шеробод округи ҳисобланар эди¹²⁶.

1925-1930 йилларда Сурхондарё вилоятида суғориш ишларини йўлга қўйишда «Мелиорация ширкатлари» нинг хизмати катта бўлди. Мелиорация ширкатлари – мелиорация ўтказиладиган ҳудудда ердан олинладиган даромадни кўпайтириш мақсадида тузиладиган ер эгаларининг уюшмаси. Бунда уюшма ер майдонига қараб барча харажатларни

¹²³ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 18-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 112-варақ.

¹²⁴ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 1-рўйхат, 92-иш, 115-варақ.

¹²⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 19-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 113-варақ.

¹²⁶ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 18-фонд, 1-рўйхат, 92-иш, 110-варақ.

биргалликда кўтаради. Даромад ҳам шунга яраша тақсимланади. Мелиоратив ширкатлар совет ҳокиятининг дастлабки ўн йиллигида суғориш тизимини яхшилашда катта ишларни амалга оширди. Шу сабаб, давлат бундай ширкатларни тузишда ёрдан берар, уларни ҳеч бир муаммосиз кредит билан таъминлар эди. Мелиорация ширкатларининг халқ ҳўжалигидаги аҳамиятини тушунган РСФСР ХКС 1923 йил 22 декабрда «Мелиорация ширкатлари низоми» тўғрисидаги Декретни қабул қилади. Унга мувофиқ мамлакатда мелиорация ширкатларининг фаолиятига рухсат берилди.

Мелиорация ширкатларининг вазифалари суғориш тизимларини тўғри ишлатиш, яхшилаш ва ривожлантириш, гидротехника иншоотларини қуриш ва таъмирлаш, сувни тежаш йўли билан партов ва бекор ётган ерларни фойдаланишга киритиш ишларидан иборат эди¹²⁷. Сурхон-Шеробод воҳасидаги биринчи «Мелиоратив ширкат уюшмаси» 1925 йилда ташкил топди. Ушбу уюшма ёрдамида 450 десятина ерни суғориш учун Қорасув ирригация тизимини тиклаш мақсадида Оққўрғон кентининг Новшаҳар қишлоғи аҳолиси оммавий равишда жалб қилинади¹²⁸.

1926 йилда Сурхон воҳасининг 37,2 минг деҳқон ҳўжалигида 25800 дона омов, 11626 дона кетмон, 158 та от плуги, 77 дона темир борона, 30307 дона бел, 38271 дона ўроқ, 5415 дона шоха бўлиб, бу меҳнат қуроллари билан деҳқончилик ишлари қилинган ва янги ерлар ўзлаштирилган. Совет ҳукумати Сурхон-Шеробод воҳасида янги ерларни ўз-

¹²⁷ Ўзбекистон ССР тарихи. 3-жилд. –Б. 474.

¹²⁸ Аминова Р.Х. Аграрные преобразования в Узбекистане накануне сплошной коллективизации. –Т.: Фан, 1969.–С. 432-433.

лаштириш ва суғориш иншоотларини қуриш учун 1926 йилда 6 дона, 1927 йилда эса 13 дона трактор олиб келди. 1926 йилда Жарқўрғон «Мелиоратив ширкат уюшмаси»нинг кучи билан Занг каналининг бош қисмини тиклаш бўйича анча ишлар амалга оширилиб, 800 гектар янги ер ўзлаштирилди. 1927 йилда Термиз каналининг бош қисмида қайта тиклаш ишлари амалга оширилиб, Сурхондарёсида дамба қурилди. Натижасида Мангузар ва Арпапояда 2 та гидрометрик сув тақсимлагич ўрнатилди¹²⁹. Шунингдек, Сурхондарё бўйидаги Жалоир ва Оқтепа ариқлари ҳамда Жарқўрғон-Занг тўғони қурилиб ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация тармоқларини қуриш ва қайта таъмирлаш мақсадида совет ҳукумати қишлоқ хўжалигига 107386 сўмлик узоқ муддатли, 229614 сўмлик қисқа муддатли қарзлар берди. Совет ҳукумати Сурхондарёдаги жами деҳқон хўжаликлариغا 1926-1928 йилларда 1702 минг сўм миқдорида пул ажратди. 1927 йили 130 та хўжалик учун янги ерларни ўзлаштиришга мўлжалланган Қизириқ ва Занг каналлари қурилишига 41450 сўм пул сарфланди¹³⁰.

Деҳқонларга қишлоқ хўжалигини чуқур билиб олишига кўмаклашиш, ҳосилдорликни кўтариш, ерларнинг ҳолатини яхшилаш, экин турларини кўпайтириш, суғориш иншоотларини кўпроқ қуриш, ерларни шўрланишининг олдини олиш мақсадида 1926 йил 1 апрелдан бошлаб Сурхондарёдаги Шеробод, Юрчи, Термиз, Жарқўрғон туманларида агроху-

¹²⁹ Турсунов С., ва бошқалар. Шеробод тарихидан лавҳалар. –Б. 237-238.

¹³⁰ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 18-фонд, 1-руйхат, 125-иш, 96-варақ.

да бўлимлари вужудга келтирилди. Бу агрохууд бўлимларининг сони йилдан-йилга кўпайиб 1926 йилда 142 та, 1927 йилга келиб эса 400 тага етказилди¹³¹. 1925-1926 йилларда Сурхондарё округида Оққўрғон, Дашнобод, Шоқишлоқ, Ҳазорбоғ, Жарқўрғон, Қорлиқ мелиоратив ширкатлари ташкил этилди ва ушбу ширкатлар жамоалаштиришнинг бошланғич палласини ташкил этди. Янгидан ташкил этилган сув хўжалик бошқармаси воҳадасидан фойдаланувчилар орасида тарғибот ва таниқот ишларини олиб бориб, Сурхондарё сув хўжалиги ишчилари, сув тақсимотчилари ва миробларни сайлов асосида тайинлашни йўлга қўйди. Сурхондарё округида илк бор мироблар сайлови махсус кўрсатмалар асосида ўтказилди. Бунда мироблар камбағал деҳқонлар орасидан сайланди. Масалан, 1925-1926 йилларда миробликка сайланганларнинг кўпчилигини кам ерли ва ўртаҳол деҳқонлар ташкил этиб, уларнинг сони 348 нафарга етган эди.¹³²

Сурхондарё округида пахта майдонлари учун ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация тармоқларини вужудга келтириш ва назорат қилиш мақсадида 1926 йилда Шерободда биринчи агромарказ ташкил этилди. Ушбу ирригация-мелиорация агромарказида 12 та пахтачилик, 5 та бедачилик худудлари тузилиб, уларнинг ихтиёрига 3 та трактор берилди. Шеробод ирригация ва мелиорация тармоғи Шерободдарё ва Амударёдан ҳамда тоғ чашмаларидан сув олган. 1926 йилда Шерободдарёда ўрнатилган гидроузел орқали 591 километр

¹³¹ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Б.160.

¹³² Сурхондарё вилояти давлат архиви. 19-фонд, 1-руйхат, 45-иш, 6-варақ.

Якубова Диларам Таджиевна

масофадаги 28 та магистрал ариққа сув тақсимланган. Шунингдек Амударё тизимидан 49 километр узунликдаги 6 та ариққа, тоғ булоқлари тизимидан эса 342 километр узунликдаги 50 та ариққа сув олинган.¹³³

1926-1927 йилларда экин майдонларини кенгайтириш бўйича каттагина ишлар амалга оширилди. 1926 йил охирида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида Термиз каналининг бош қисми қайта таъмирланиб, Термиз-Юрчи ботқоқларини қуриштириш бўйича талайгина ишлар амалга оширилди. 1927 йили совет ҳукумати Қизириқ ва Занг каналлари қурилишига 41450 сўм маблағ сарфлади. Бу билан 130 та хўжаликка мўлжалланган янги ерлар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, Какайди канали қайта таъмирланиб, 20 м³/сек. сув ўтказиш имкониятига эга бўлди. Жарқўрғондаги Гарантўқай, Оққўрғон ва Заркамар ботқоқликлари ўзлаштирилиб, янги майдонларда деҳқон хўжаликлари ташкил этилди.¹³⁴

1923-1927 йилларда Ўзбекистондаги мелиорация ширкатларининг фаолиятлари натижасида 39587 гектар майдонда суғориш тизими яхшиланди ва 30356 гектар ер янгидан суғорилди. Кўрсатилган давр мобайнида мелиорация ширкатлари суғорган майдон деярли беш баравар кенгайди. 1925 йил охирига келиб Ўзбекистонда сувдан фойдаланувчи 186200 деҳқонни бирлаштирган 65 мелиорация ширкати иш кўрди. Бу рақам кейинги йилларда янада кўпайди. Хусусан, 1926 йил 1 октябрга қадар 122 мелиорация уюшмаларида 261653 киши, 1928 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, уюшмалар сони 223 тага

¹³³ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 18-фонд, 1-руйхат, 58-иш, 27-варақ.

¹³⁴ Турсунов С., Тўхтаев А., Аннаева З. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 62.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

сони, аъзолари сони 350741 кишидан иборат бўлган.

Ирригация ва мелиорация ишларининг яхшиланиши натижасида 1928 йилда вилоятдаги экин майдонлари 65 минг гектарга етди. Шунинг 12,5 минг гектарида ғўза экилди¹³⁶. Янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тизимини яхшилаш учун 1928 йилда Сурхондарё округига 28 дона трактор келтирилди ва қўшимча 400 гектар ер ўзлаштирилди. Тракторчилар тайёрлаш курсида эса 92 та мутахассис тайёрланди. 1929-1940 йилларда Сурхон-Шеробод воҳасидаги энг йирик ирригация қурилишлари амалга оширилди. Чунончи, 1929 йилда Ҳазорбоғ канали (узунлиги 49 км) қазилди¹³⁷. Айниқса, узунлиги 76 км бўлган Қумқўрғон каналининг қазилиши муҳим аҳамият касб этди. Қумқўрғонда сув тизимини яратиш масаласи 1928 йилдан бошланиб, уни амалга ошириш мақсадида Термиз-Сталинобод темирйўли қурилишининг 170 разъездида, ҳозирги Қумқўрғон шаҳри жойлашган яйдоқ майдонга махсус штаб тузилди. Қумқўрғон инқилобий қўмитасининг раиси Мардонакул Хидиров каналнинг бош лойиҳасини амалга ошириш учун раҳбар этиб тайинланди. Қумқўрғон канали қурилишидаги энг оғир иш Элбаён жарлигидаги ДЮКР (чуқурлиги 25-30, эни 350-400 метрлик жарликка ётқизиладиган темир-бетон) бўлиб, уни маҳаллий аҳолининг кучи билан амалга оширилди. ДЮКР қурилишига Тўлаган Бекназаров бошчилик қилди¹³⁸.

¹³⁵ Ўзбекистон ССР тарихи. 3-жилд. –Б. 474.

¹³⁶ Истомин М.С. Сельское хозяйство области за годы советской власти. Материалы к 50 летию Советской власти. –Термез, 1967. – С. 9.

¹³⁷ Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 59.

¹³⁸ Турсунов С.Н., Эшбоев Қ.П., Тўхтаев А.Қ., Хўжаназаров А.З. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. –Тошкент, 2019. –Б. 97.

Канал қурилишига Шўрчи ва Қумқўрғондаги қишлоқлар аҳолиси фаол иштирок этишди. Қурувчиларга Термиз ҳарбий гарнизонида хизмат қилаётган ҳарбийлардан 3000 киши ҳам сафарбар қилинди. Бу қурилишга воҳа аҳлидан жами 40 минг киши қатнашди. Олиб борилган ишлар натижасида 1931 йилда каналга илк бор сув оқизилди. 1931 йилнинг охирларида Қумқўрғон каналининг биринчи навбати 45-50 километр масофага сув берган бўлса, иккинчи навбати 1932 йили битказилиб, яна 25-30 километр масофага сув етказиб берди¹³⁹.

Бу каналлар Сурхон воҳасида ташкил топган илк совхозларни сув билан таъминлади. Натижада, Денов, Шўрчи ва Қумқўрғонда кўплаб хўжаликлар ташкил топиши учун имконият яратилди. 1930 йилда Шерободдаги Эски Истара, Таллашқон, Ангор ариқлари қайта таъмирланиб, улардан суғориш учун янги шохобчалар ишга туширилди. Шерободнинг Истара ариғи тармоғини 10 чақиримга узайтириш ҳамда ариқни лойқалардан тозалаш туфайли минг гектар янги ер очилди¹⁴⁰. XX асрнинг 30-йилларида Жарқўрғон туманига қарашли ерларни суғорадиган Занг канали, Термиз туманидаги Янги ариқ канали, Денов туманидаги Дайтулак каналларини қайта қуришдек йирик ирригация тадбирлари амалга оширилди.

Воҳадаги ирригация қурилишлари учун ажратилган маблағлар йилдан-йилга ошиб борди. Масалан, Шўрчидаги ирригация ишлари учун биринчи беш йилликда ажратилган маблағлар 1,4 млн сўмни ташкил қилган¹⁴¹. 1929-1930 йилларда Занг

¹³⁹ Турсунов С.Н, ва бошқалар. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 97.

¹⁴⁰ Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. –Термиз: Жайхун, 1996. –Б. 34.

¹⁴¹ Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти. –Б. 34.

канали қурилиши учун 1,5 млн сўм сарфланди¹⁴². Шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш мақсадида суғориш тармоқларини ривожлантириш ва янги каналлар қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

1929-1930 йилларда Сурхондарё округидаги дашт ва чўлларни ўзлаштириш натижасида янгидан очилган ер майдонлари 10 минг гектарга етказилди, суғориш тармоқлари эса 20 километрга узайтирилди. Бажарилган ишлар воҳадаги колхоз ва совхозларни сув билан таъминланишини анча яхшилади. Айниқса, 1931 йили ташкил топган «Қумқўрғон 13» совхозига алоҳида эътибор қаратилди. Совхоз тузилган вақтда унинг ихтиёрига 3500 гектар ер ажратилган эди. Ушбу совхознинг биринчи директори латиш миллатига мансуб Палис раҳбарлигидаги ишчилар 1932 йилга келиб қишлоқ хўжалигида яхши натижаларга эришмаган бўлса-да, суғориладиган ер майдонларини анча кенгайттирди. Асосан пахтачиликка мўлжалланган хўжалик шу йили 4200 гектар ерга пахта экиб, атиги 4,5 центнердан, кейинги йили 5,5 центнердан ҳосил кўтарди¹⁴³.

1934 йили совхоз иккига бўлиниб, унинг базасида «Сурхон» совхозини ташкил топди. «Сурхон» совхозида янги ерларни ўзлаштиришни жадаллаштириш мақсадида «СТЗ» ва «Универсал» русумли тракторлардан 45 дона келтирилди. Маҳаллий аҳоли орасидан Ҳайдар Шоймардонов, Жўра Холматов ва Тўхтамиш Хўжаназаров каби тракторчилар, Мамажон Абдуллаев, Жўраҳон Самиев сингари шофёрлар етишиб чиқди. 1940 йилга келиб «Сурхон» совхозининг

¹⁴² Турсунов С., ва бошқалар. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 68.

¹⁴³ Турсунов С.Н, ва бошқалар. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. –Б. 99.

пахта майдони 2500 гектарга, пахта ҳосилдорлиги 15,7 центнерга етди. Совхознинг ғаллачилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлари ҳам ривожланди¹⁴⁴.

1930 йилларда Шеробод туманида ерларни ўзлаштириш даврида амалга оширилган мелиорация ишлари мукаммал муҳандислик талаблари асосида бажарилмаганлиги туфайли ариқлар сув сиғимига дош бера олмай, аҳоли манзилгоҳларига жиддий хавф солди. Хусусан, сел келиб «Истара» ариғида сувнинг тошиб кетиши натижасида Чорвадор, Араб, Бандихон қишлоқлари аҳолиси жиддий талофатлар кўрди.¹⁴⁵ Бундай ҳолат Шўрчи туманида ҳам кузатилди. Қолаверса, округдаги дашт ва чўлларда мелиорация шохобчаларининг талаб даражасида эмаслиги сувнинг ҳаддан ортиқ кўп исроф бўлишига, ерларнинг ботқоқланиши ва шўрланишига олиб келди. Шунини ҳисобга олган совет ҳукумати қуйидаги ишларни амалга оширишга киришди:

— Мелиорация шохобчаларини қайта қуриш, уларни чуқурлаштириш, кенгайтириш ва ботқоқланган ерларни йўқотиш;

— Шўрланган ва захлаган ерларга зовур қазिश, ирригация ва мелиорация ишларини режалар асосида олиб бориш, узоқ муддатга мўлжалланган суғориш тизими лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

Юқоридаги режадан келиб чиқиб, 1939-1941 йиллар давомида Ўзбекистонда йирик ирригацион қурилишлар амалга оширилди¹⁴⁶. «Сув учун кураш икки йиллиги» доирасида воҳада 63 минг м³ ер ишлари бажарилди, суғориш шохобчаларида эса

¹⁴⁴Турсунов С.Н. ва бошқалар. Кумкўрғон тарихидан лавҳалар. —Б. 99

¹⁴⁵Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. —Б. 214.

¹⁴⁶Хлопоководство Узбекистана за 50 лет. Справочник. —Т.: Узбекистан, 1967. —С. 38.

103 минг м³ бетон ётқизилди. Натижада 1941 йилда Сурхондарё округида 47 минг гектар ерга пахта экинлиб, ҳосилдорлик 17,9 центнерга етказилди ва 135 минг тонна пахта давлатга топширилди¹⁴⁷.

Воҳада янги ерларни ўзлаштириш ва мавжуд ерларнинг сувга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида 1940 йилда Душанбе-Қоратоғ канали қурила бошланди. Канал қурилиши 1941 йил 21 январдан бошлаб оммавий тус олиб, жанговор қурилишлардан бирига айланди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларининг 50 минг аҳолиси, шу жумладан, Сурхондарё вилоятининг 32 минг меҳнаткаш аҳолиси иштирок этди. 1942 йил сентябрда Ҳисор тарафдан каналнинг Сурхон воҳасига сув ўтказадиган қисми қурилди. Ушбу каналнинг умумий узунлиги 49,3 километр бўлиб, унинг 21 километри Тожикистон ерларидан, 28 километри эса Ўзбекистон ҳудудидан ўтарди. Бу магистрал каналнинг қурилиши республикалараро аҳамиятга эга бўлиб, ўзбек ва тожик халқининг биргаликда қилган меҳнати натижаси ҳисобланади. Канал қурилишида 5 млн м³ ер ишлари, 29 минг м³ бетон, темир-бетон ва тош-шағал ишларини бажарилди. Каналнинг Ўзбекистон қисмида 2 млн. 829 минг куб метр ишлар қилинди. Душанбе-Қоратоғ канали 37 минг гектар бўз ерларни, яъни Тожикистонда 11300 гектар, Ўзбекистонда 28700 гектар ерни суғориш имконияти яратилди¹⁴⁸. Канал қурувчиларини маънавий жиҳатдан руҳлантириш учун Тамарахоним, Ҳалима Носирова сингари атоқли санъат усталари келиб концертлар беришди.

¹⁴⁷Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. —Б. 201.

¹⁴⁸Ирригация Узбекистана. —Ташкент, 1959. —С. 4-5.

Душанбе-Қоратоғ канали қурилишида иштирок этган Денов тумани Денов қишлоқ кенгашига қарашли «Ихтиёр» колхози аъзоси Қўчқор Олимов ҳар куни 2 кубометр ер қазиб ўрнига 7-8 кубометр ер қазиб, кунлик ер қазиб режасини 350-400 фоизга бажарди. Шунингдек туманнинг Вахшивор қишлоқ кенгашига қарашли И. В. Сталин номи колхозини аъзоси Қобилов ва Абдуллаевлар кунига 2 кубометр ўрнига 6-7 кубометр ер қазиб, 150-160 замбилгал так тупроқ ҳам ташидилар. Қурилишда донг таратган деновлик Б.Сатторова ва Ж.Ҳасанова каби шижоатли аёллар Ўзбекистон ҳукумати Олий Кенгашининг фахрий ёрликлари билан мукофотландилар¹⁴⁹.

Вилоят меҳнаткашлари канал қурувчиларига кўплаб миқдорда озиқ-овқат ва меҳнат қуроллари етказиб бердилар. Жумладан, Сариосиё туманидаги Тортувли селсоветига қарашли Ғалаба колхозини аъзолари «фарҳодчиларга» 2 центнер шоли, 1 центнер буғдой, 12 дона кигиз, 7 та гилам, 9 та кўрпа, 23 та кетмон, 3 та бел, 350 сўм пул ажратдилар¹⁵⁰.

Фашистлар Германиясининг СССРга қилган ҳужуми кўп йирик каналлар ва иншоотлар қурилишини вақтинча тўхтатди. Бироқ, Ўзбекистонда суғоришнинг янги босқичи бошланди. Ўзбекистонга СССРнинг уруш бўлаётган ғарбий районларидан кўчириб келтирилган заводларни қуриб ишга тушириш ва фронтни буғдой ва озуқа билан таъминлаш маъсулияти юкланди. Натижада янги ирригация қурилишларини амалга ошириб, фронт учун дон ва озуқа экинларини етказиб бериш зарурияти туғилди.

¹⁴⁹ Турсунов С., Турдиев Т. Денов. –Б. 224.

¹⁵⁰ Турсунов С., ва бошқалар. Сурхондарё – тарих кўзгусида. –Б. 206.

Уруш йилларида Занг каналини чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича катта ишлар олиб борилди. Шўрчи тумани колхозчилари Ҳазорбоғ каналини 13 километрга узайтириб, унинг 6 километрли трассасини кенгайтиришди¹⁵¹. Бу эса, Сурхондарёдаги экин майдонларини 1940 йилги 104 минг гектардан 1943 йилги 165 минг гектаргача етказди¹⁵².

1943 йилда Ўзбекистондаги энг йирик гидроэлектростанцияси – Фарҳод ГЭСи қурилиши бошланди. Унинг қурилишида республика бўйича 70 мингдан ортиқроқ колхозчи иштирок этди. Воҳа аҳолисидан 1200 киши ушбу ГЭС қурилишида иштирок этиб жонбозлик кўрсатди. ГЭС қурилиши учун зарур бўлган маблағлар колхоз ва совхозлар, ташкилотлар, завод ва фабрикалар ҳисобидан тўпланди. Хусусан, Шеробод райисполкоми 1944 йил 7 январда «Фарҳод ГЭСи қурилишига пул юбориш ва тўплаш тўғрисида» 117-сонли қарорни қабул қилди. Унга кўра, туман колхозларидан 132 минг сўм маблағни тўплаб, Фарҳод ГЭСига юбориш кўзда тутилди¹⁵³. Ваҳоланки, 1943 йилда Пошхурд селсоветининг йиллик даромади 68200 сўм, Хомкон 28700 сўм, 1944 йилда Сеплон 39500 сўм, Хатак 39300 сўм, Ҳўжаулканда 34400 сўм бўлган¹⁵⁴.

Шеробод райисполкомининг 1943 йил 21 июндаги 105-сонли қарорига кўра, қишлоқ фондлари ҳисобидан Фарҳод ГЭС қурилиши учун 20 кг чой ва 30 кг хўжалик совуни, шиорлар учун 30 метр қизил

¹⁵¹ Ризаев Г.Р. Аграрная политика Советской власти в Узбекистане (1917-1965 гг).–Т.: Узбекистан, 1967.–С.127.

¹⁵² Газета «Правда». 14 сентября, 1942 года.

¹⁵³ Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 374-иш, 240-варақ.

¹⁵⁴ Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 371-иш, 299-300 варақлар; 374-иш, 234, 237, 243-варақлар.

материал юбориш тасдиқланди. Орадан 3 кун ўтгач, яъни 24 июнда кўшимча равишда яна 10 кг чой ва 20 кг хўжалик совуни ажратишга қарор қилинди. Фарҳод ГЭСи қурилишига маҳсулот юбориш учун зарур бўлган 5000 сўм харажатнинг 2500 сўмини Сеплон қишлоқ советидаги Социализм колхозидан, 2500 сўмини Зарабоғ қишлоқ советининг Сталин номли колхозидан қопланди¹⁵⁵.

1942-1945 йилларда Сурхон воҳасининг ўн минглаб ишчилари қишки ва баҳорги мавсумларда магистрал каналлар ва бошқа ирригация тармоқларида 3610 минг м³ тупроқ тозалаш ишларини бажардилар¹⁵⁶.

Хулоса қиладиган бўлсак, 1929-1941 йилларда Сурхондарё округидаги ирригация қурилишининг энг муҳим босқичи амалга оширилди. Бу даврда асосий ирригация ва мелиорация ишлари суғориладиган ерларни қайта ишлаш ва уларни инженер ва ярим инженер типидagi сув хўжалик иншоотлари билан таъминлашга қаратиш йўли билан олиб борилди. Марказдан келган мутахассислар мавжуд каналларни кенгайтириш ва узайтириш, янги сув тармоқларини қуриш ишлари билан шуғулланиб, суғориладиган ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши катта мелиоратив ишларини олиб бордилар.

¹⁵⁵ Шеробод туман давлат архиви, С 42-фонд, 1-рўйхат, 371-иш, 170, 171, 172-варақлар.

¹⁵⁶ ЎзРМДА, 2483-фонд, 1-рўйхат, 148-иш, 43-варақ.

2.2. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда воҳада суғориш тизимини такомиллаштириш ва унинг натижалари

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда йирик суғориш иншоотларини барпо этишга киришилди. Бу жараён ВКП(б) МК ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1945 йил июл ва 1946 йил 2 февралда чиққан буйруқларига асосан амалга оширилди. Сурхондарё вилоятида улкан ирригация тармоқларини бунёд этиш даври бошланди.

Сурхон-Шеробод воҳасидаги деҳқончилик Шерободдарё ва Занг каналидаги суғориш тизимларини қайта таъмирлаш билан боғлиқ эди. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши асосан колхозларнинг кучи ва маблағлари ҳисобига бажарилди. Жарқўрғон ва Термиз туманлари колхозчилари томонидан 1949 йилда узунлиги 23 км бўлган Какайди ва 1956 йилда Занг (узунлиги 90 км) каналлари қурилди. Термиз туманидаги Янгиариқ канали қайта таъмирланиб, Сурхондарёнинг сўл қирғоғидаги Оқтепа массиви ўзлаштирилди¹⁵⁷. Шу билан бирга, Шўрчи туманидаги Шалдиरोқ, Оққўрғон, Оқтепа ботқоқликлари, Денов туманидаги Кампирқўл ботқоқлиги, Жарқўрғон туманидаги Оққўрғон, Гарангтўқай ва Заркамар Туркманқишлоқ, Жалоир, Қумқўрғон ботқоқликлари, Сариосиё туманидаги Жартекис ва Файзобод ботқоқликлари ўзлаштирилди. Янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига 1946 йилда пахтанинг ҳосилдорлиги 14,8 центнерга, 1953 йилда эса 25,9 центнерга етди. Ингичка толали пахта майдонлари эса 10 баробар ошди¹⁵⁸.

¹⁵⁷ Истомин М.С. Освоение новых земель в Сурхандарьи // Социалистическое сельское хозяйство, 1954. №2. -С.8.

¹⁵⁸ Газета «Ленинское знамя». 3 июля, 1954.

Шеробод ва Бойсун туманлари меҳнаткашларининг кучи билан Шўрчи туманидаги Миршодидашти ўзлаштирилди. Янги очилган массивга сув ўтказиш учун Ҳазарбоғ каналининг кейинги навбати қурилди. Натижада Шеробод ва Бойсун туманларининг бир қисми сув билан таъминланди. 1949 йилнинг сентябр ойида ҳукумат кўрсатмасига биноан, Занг каналидан Таллимарон массивига сув чиқариб, чўлни ўзлаштиришга киришилди. Чўлқуварлар 18 километрлик Таллимарон каналини қазиш ва сув чиқариш ишларини жадаллаштиришди. 90 кун деганда бу канал қўл кучи билан қазиб тугатилди¹⁵⁹.

1950 йилда Сурхон-Шеробод воҳасининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида комплекс механизацияни киритиш мақсадида суғоришнинг янги тизимига ўтиш, суғориладиган ҳудудларни кенгайтириш, сувни тежаш ва ернинг шўрланиши олдини олиш масаласида муҳим ишлар қилинди. 1951-1952 йилларда Жарқўрғон, Термиз, Ангор, Шеробод ва Шўрчи туманлари меҳнаткашлари Занг каналини тозалаш ва кенгайтириш борасида катта ишларни олиб бориб, экин майдонларининг сув билан таъминланишини яхшилади. Ўтказилган тадбирлар натижасида, қишлоқ хўжалигида экин майдонлари кенгайиб, 1950 йилда 155,2 минг гектарни ташкил этди, шундан 59,7 минг гектари пахта майдонлари эди¹⁶⁰. 1953 йилда пахта экиладиган майдонлар миқдори 1946 йилга нисбатан 161 фоизга ошди.

Урушдан кейинги даврда Сурхон-Шеробод воҳасидаги ирригацион-мелиоратив тадбирларнинг

¹⁵⁹ Лапасов А.Ч. Истиқлол йўли: Ангор. –Термиз, 1992. –Б. 4–5.

¹⁶⁰ Сурхондарё вилояти давлат архиви.45-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 16-варақ.

хусусияти шунда эдики, биринчидан, мавжуд тизимларда сув ишларининг энг яхши шароитларини таъминлаш учун чоралар кўрилди. Иккинчидан, суғориладиган ерлар ва майдонлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги тармоғига киритилди. Бироқ, сув манбаларининг камлиги воҳа қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаш имконини бермади. Бу муаммони фақат Сурхондарё сувидан унумли фойдаланиш йўли билангина ҳал қилиш мумкин эди. Бунинг учун Сурхондарёдан янги суғориш каналларини қуриш ва Амударёга тушадиган баҳорги ва қишки сувларни йиғиб, халқ хўжалиги манфаатлари йўлида ишлатиш лозим эди.

Юқоридаги муаммони ҳал этиш учун СССР Министрлар Совети 1952 йил 2 сентябрда Сурхон-Шеробод воҳасида янги ерларни ўзлаштириш мақсадида сиғими 165 млн м³ га тенг бўлган Учқизил сув омборини қуриш ва 10 минг гектар янги ерни очиш бўйича махсус қарор қабул қилди. Совет ҳокимияти пахта яккаҳокимлигини мустаҳкамлаш мақсадида колхозларни сув билан таъминлашга алоҳида эътибор бериб, Сурхондарё вилоятидаги Учқизил ва Тошкент вилоятидаги Туябўғиз сув омборларига 48 миллион сўм маблағлар ажратиб, ушбу сув омборларни тезлатишни давлат назоратига олди¹⁶¹. Шунингдек, Занг каналини узайтириш ва қайта таъмирлаш бўйича кўрсатмалар берди. Ушбу қарорни амалга ошириш бўйича 27 кишидан иборат Колхозлараро махсус кенгаш тузилди. Занг канали бўйича ўтказилган ер ишларининг умумий ҳажми 400 минг м³, бутун колхоз ички суғориш ва коллек-

¹⁶¹ Венгрский В.Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши. Тошкент:Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатиш жамияти.1958.№-24-25.№-1-16641 Од.Б.7.

тор тизимини қайта қуриш учун 300 минг м³ ишлаб бажарилди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун 2 млн сўм ажратилди¹⁶². Сурхон-Шеробод худудини ўзлаштириш, янги суғориш тизимларини қуриш ва коллектор-зовурларни ишга тушириш мақсадида механизация кучидан фойдаланишга катта эътибор берилди. 1953 йилда воҳа қишлоқ хўжалигини 6 мингта трактор ва 2200 та автомашиналар жалб этилди¹⁶³.

Ирригаторларнинг меҳнатлари тез орада кўнрақ кўринди. 1957 йилда Учқизил сув омбори қурилиб ишга туширилди. Биринчи йилда сув омбори 78 млн м³ сув берди¹⁶⁴. 1958 йилда Шўрчи туманидаги Хўжаипок қишлоғи ёнида сув сифими 13 млн м³ бўлган Намуна-Дегрез сув омбори қуриб битказилди. Бу иншоотларга сув каналлар орқали қуйиб тўлдирилади ва халқ хўжалигида ишлатилади. Намуна-Дегрез сув омбори анча қуруқ бўлган 1957 йилда расман қабул қилинмай туриб далаларга 3 млн м³ сув берган ва пахта далаларини қуриб қолишдан сақлаб қолган эди¹⁶⁵. 1957-1958 йилларда «Средазгидроводхлопок» Ўрта Осиё пахтачилик институти ёпиқ горизонтал дренаж қуриш бўйича лойиҳа ишларни тайёрлади. Шўрланган ерларга дренаж мосламаларини ўрнатиш дастлаб Янгиобод совхозида синовдан ўтди. 1957-1958 йилларда Сурхон-Шеробод воҳасида 4 минг гектар ер ўзлаштирилиб, лоток бетон ариқлар ўтказилиб, 58 километрли очик ва

¹⁶² Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 41-иш, 4-5-варақлар.

¹⁶³ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 17-варақ.

¹⁶⁴ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 34-варақ.

¹⁶⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 37-варақ.

очик коллектор-дренажлар ўрнатилди¹⁶⁶. Ерларни суғориш ва ўзлаштиришда дренаждан фойдаланиш амалдорлиги дастлабки йилларда ўз натижасини берди. 1963 йили Янгиобод совхози жамоаси 3800 гектарнинг ҳар биридан 18 центнердан ҳосил олиб, 6793 тонна пахта етиштирди. 1963 йилда Шеробод вилояти пахта далаларидан давлатга 9407 тонна пахта топширилди¹⁶⁷.

Сурхон-Шеробод воҳасида мелиорация ва ирригация ишларининг тўғри йўлга қўйилганлиги суфайли 1956-1958 йиллар орасида ички хўжалик каналлари ва ариқларнинг узунлиги 1386 километрдан 1401 километрга етди¹⁶⁸. Ўтказилган сув хўжалик тадбирлари натижасида охириги ўн йилда (1946-1956 йй.) пахтанинг экин майдони 44 минг гектардан 70 минг гектарга кўпайди¹⁶⁹. 1954-1958 йилларда воҳада 1 млн. 44 минг 126 тонна пахта етиштирилди. Бу эса 1949-1953 йиллардан 1,5 баробар кўп эди. Агар 1949-1953 йиллар оралиғидаги даврда вилоят бўйича ўртача пахта етиштириш 139 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1954-1958 йилларда у йилига ўртача 200 минг тоннага етган эди. Пахта майдонлари янги суғориладиган ерлар ҳисобига ошиб борди.

Шу билан бир қаторда, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини қуришда катта хатolikларга йўл қўйилди. Авваламбор, 1950 йилларда Сурхон воҳасида асосий эътибор янги ерларни ўз-

¹⁶⁶ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 26-иш, 45-варақ.

¹⁶⁷ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 58-варақ.

¹⁶⁸ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 14-рўйхат, 11-иш, 123-130-варақлар.

¹⁶⁹ Сурхондарё ВДА, 112-фонд, 1-рўйхат, 313-иш, 45-варақ.

Якубова Диларам Таджиевна

лаштиришга қаратилгани ҳолда, мавжуд ерларнинг агротехник ҳолатини яхшилаш, шўрланишининг олдини олиш ва шўр ювиш масалаларига жиддий эътибор берилмади. 1958 йилда Сурхон-Шеробод воҳасидаги колхоз ва совхоз ерлари шўрланишдан катта зарар кўрди. Шеробод ариғи, Занг, Таллима-рон каналлари яхши тозаланмаслиги сабабли сув танқислиги юзага келди. Зовурларнинг етишмаслиги, шунингдек, мавжудларининг вақтида тозаланмаслиги натижасида ернинг шўрланиш даражаси 10 фоиздан 20 фоизгача кўпайди. Шўр ерларини ювиш ҳамда мелиоратив ишларга эътибор берилмаганлиги боис 1958 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида 1000 гектар ер шўрланди.¹⁷⁰

Ернинг шўрланиши ҳосилдорликка ҳам таъсир қилди. Агар 1958 йилда 236 минг тонна пахта хом ашёси йиғиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик гектари-га ўртача 27,3 центнерни ташкил этган бўлса, 1960 йилда бу кўрсаткич 226 минг тонна ва 23,8 центнер-га тушди¹⁷¹.

Ариқ ва зовурларни тозалашда техниканинг етишмаслиги кўп ҳолларда қўл кучини ишлатишни талаб қилган. 1959-1961 йилларда ҳозирги Ангор тумани ҳудудидан ўтган Занг канали тармоғини тозалаш учун ҳудуддаги ҳар бир колхоз ўз ишчиларини юборишга тўғри келган. Ишни «тезроқ тугатиш» учун канал тозалаш ишларига «колхоз аъзоси» сифатида ҳатто ҳомиладор ва эмизикли аёлларнинг бориши ҳам талаб қилинган. Агар улар маълум сабабларга кўра тозалаш ишларида иштирок эта ол-маса, ўрнига ёш болаларини жўнатишга мажбур қи-

¹⁷⁰ «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 1958 йил, 15 январь.

¹⁷¹ Советский Узбекистан за 40 лет. Статистический сборник.-Т.: Узбекистан, 1964.-С. 131.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

линган. 1961 йилнинг январида мактаб болалари, катта, 1-синфда ўқийдиган ўғил ва қиз болалар ҳам мажбуран оммавий равишда канал тозалашга жўнатишган. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси М.Ш.Сафарованинг (1950 йилда туғилган) хотирлашича, Ангор туманидаги Қизил Юлдуз колхозини (ҳозирги Зартепа, Занг ва М.Азизов хўжаликлари) болалари тоғ қоронғусида эшакка минишиб, уйларида 12 км узоқликдаги 25-участкага, ҳозирги Гиламбоб маҳалласи ҳудудидagi Қорақир тепалиги яқинидан ўтган Занг каналининг тармоғини тозалашга боришган. Иш жуда оғир эди. Болаларга тушлик берилмаган. Шунинг учун уларнинг оналари махсус алюмин косачаларга нонни ўртасидан кесиб, шининга ботириб, орасига ўзлари куйдирган сариеғни суртиб, бутерброд қилиб беришар эди. Иссиқ сув тугул, совуқ сув ҳам йўқ эди. Чуқур ариқни тозалаш учун ёш болаларга нарвон қилиб берилган, болалар челақлаб тупроқ ташир эдилар. Кун бўйи тинмай ёмғир ёғавериб, болалар ивиб қолишганидан сўнг катта ёшдаги колхозчиларнинг раҳми келиб уларни кундузи соат 4 ларга яқин уйларида жўнатишган. Болалар қаттиқ совқотганидан тарашадек қотиб қолишган, йиқилиб тушмасликлари учун эшакка арқон билан боғлаб қўйилган. Кечга яқин уйларида қайтишгач, уларнинг оналари арқонни ечиб бир амаллаб эшакдан туширишган. Ўша куни канал тозалашда иштирок этган юзга яқин бола қаттиқ шамоллаб қолади. Уларни парваришлаётган оналарнинг ҳаммаси касаллик юқтириб олишади. Маҳаллий совет арбобларининг ғайриинсоний буйруғини бажариш оқибатида Зартепа ва Занг қишлоқларининг ёш болалари ва аёллари тўлиғича икки ой давомида оғир бетоб бўлиб ётиб қолишган.

Эркаклар канал тозалашда бўлганликлари боис на салликка чалинишмаган. Касалларга қарайдиган бирорта ҳам врач бўлмаган. Икки қишлоқда фақат битта фельдшер – Курбон Зияев бор эди. Қ.Зияев касаллик тарқалган ҳудудда қаттиқ карантин эълон қилади. Карантин ҳудудига ички ишлар ходимларидан ташқари ҳеч ким, ҳатто райком секретари ҳам киритилмади. Қ.Зияев ҳар куни уйма-уй юриб, беморларнинг ҳолидан хабар олар, уларга дори-дармон бериб, укол қилар, халққа ёрдам берар эди. Қишлоқ фельдшери Қ.Зияевнинг маҳорати туфайли ҳар икки қишлоқда бирорта ҳам ўлим бўлишига йўл қўйилмади. Оғир вазиятдан фақат 1961 йилнинг мартида, яъни кунлар исиши билан чиқиб кетишга муваффақ бўлинган¹⁷². Бу воқеадан сўнг маҳаллий совет арбобларининг «кўзи» очилди. Бутун вилоят бўйича бўладиган канал тозалаш ишларига ёш болалар, ўқувчилар ва аёлларни жалб этиш бутунлай тўхтатилди. Эркакларни катта юк машиналарига миндириб иш жойига олиб бориш ташкил этилди. Занг каналини лойқадан тозалаш учун бошқа усуллар қўлланиладиган бўлди.

Воҳада пахта майдонларини кенгайтириш ва уларни доимий сув билан таъминлаш мақсадида 1961 йил 3 февralида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Сурхондарё ҳавзасидаги янги ерларни «Жанубий Сурхон сув омбори»нинг кучи билан ўзлаштириш ва суғориш бўйича чоралари ҳақида»ги қарорни қабул қилади. Унга кўра, 86,3 минг гектар ер майдонини етти йилда ўзлаштириш, шунингдек, «Занг» тизими бўйича 35 минг гектар янги ерларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш масаласи кўриб чиқилди¹⁷³.

¹⁷² Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, 2020 йил, февраль.

¹⁷³ ЎзРМДА, 837-фонд, 38-рўйхат, 8534-иш, 14-варақ.

«Жанубий Сурхон сув омбори» ҳисобидан янги ерларни ўзлаштириш мақсадида 1961 йилда «Сурхонсовхозстрой» трести ташкил этилди. Шу тариқа, «Жанубий Сурхон сув омбори» базасида Шеробод вилоятини кенг кўламли ўзлаштириш бошланди. Сув омбори 800 млн м³ бўлган Жанубий Сурхон сув омбори Шўрчи туманидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхоз ерларида, Заркамар ва Хўжамулки оралиқларидаги тўқайзорлар ўрнида қурилди. Сув омборини лойиҳалаш ишлари 1958 йилда бошланган, асосий қурилиш ишлари эса 1961 йилда киришилган эди. Тўғоннинг максимал баландлиги 30 метр, тепа қисмининг кенглиги 10 метр, қирра бўйлаб узунлиги 5,4 км. Сув омборининг умумий кўринадиган майдони 65 км² дир. Унинг вазифаси Сурхон дарёсининг мавсумий оқимини тартибга солиб, халқ хўжалиги аҳтиёжлари учун ишлатиш эди. Сув омбори баҳорда бўладиган сел сувларини йиғиб, ёзги қуруқ фаслда Шеробод ва Қумқўрғон магистрал каналлари орқали Сурхон-Шеробод воҳасидаги 71 минг гектар ердаги экинзорларни сувлаш имкониятини яратди. 1962 йилдан бошлаб Жанубий Сурхон сув омбори воҳа қишлоқ хўжалигини зарур бўлган сув манбаси билан таъминлай бошлади. Орадани олти йил ўтгач, яъни 1968 йилда сув омбори тўлиқ ишга туширилади¹⁷⁴.

Шу билан бирга, Занг тизимидаги кўриқ ерлар массивида 1962 йил баҳоригача 2000 гектар ер очилди¹⁷⁵. Сурхон-Шеробод воҳасида ўзлаштирилган ерларда янги совхозларни қуриш учун бир қанча трестлар ташкил этилди¹⁷⁶. 1964 йил Шеробод

¹⁷⁴ Бўриев С.Д. Сурхоннинг сув тўғони. –Тошкент, 2019. –Б. 46.

¹⁷⁵ ЎзРМДА, 837-фонд, 39-рўйхат, 580-иш, 86-варақ.

¹⁷⁶ ЎзРМДА, 837- фонд, 39-рўйхат, 580-иш, 86-88-варақлар.

даштида Занг тизими бўйича 3660 гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, 1020 гектарига пахта экилди. Қўриқ ерларни ўзлаштираётган қурилиш ташкилотлари учун зарур бўлган техника воситалари етказиб берилди. Масалан, 1963 йилда 11-сонли қурилиш трести қўриқда 13 экскаваторга эга бўлса, 1964 йилда уларнинг сони 50 тага етди. Автомобил ва кўтарма кранларининг сони бир йилда 5 тадан 23 тагача етди¹⁷⁷.

Сурхон-Шеробод воҳасида 1960 йилларда янги ерларни ўзлаштириш, суғориш тизимини қуриш ва қайта таъмирлаш мақсадида 70 дона экскаватор, 20 дона скрепер, 120 дона бульдозер, 210 дона юмашиналари, 80 дона трактор ва бошқа техникалар жалб этилди¹⁷⁸. Кўрилган чора-тадбирлар натижа-сида 1964 йили Сурхондарё вилоятида 263,4 минг тонна пахта, 33,1 минг тонна дон, 8,9 минг тонна сабзавот, 4,9 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2,2 минг тонна ҳўл мева, 5,7 минг тонна узум етиштирилди. Вилоятдаги 67 та пахтакор хўжалиқдан 57 таси ҳар гектар ердан ўртача 25 центнердан ҳосил олди¹⁷⁹.

Сурхондарёда янги ерларни ўзлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1965 йил 7 июлда «Узглавводстрой» зиммасига Сурхон-Шеробод воҳасидаги совхозларнинг ирригация ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга эътибор қаратишни юклди. Натижада, 1966 йилда Занг канали батамом реконструкция қилинди ёки қурилаётган пайтидаги ўтказиш қувватидан 5 баравар кўп сув ўт-

¹⁷⁷ Газета «Ленинская знамя». 20 ноября, 1963 года.

¹⁷⁸ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 3-фонд, 2-рўйхат, 135-иш, 21-варақ.

¹⁷⁹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 127-иш, 46-варақ.

казди. Сурхон-Шеробод воҳасида «Узглавводстрой» ташкилатидан 1966 йилда 4,1 минг гектар, 1967 йилда 9 минг гектар, 1968 йилда 11 минг гектар, 1969 йилда 12,6 минг¹⁸⁰ ва 1970 йилда 14,0 минг гектар ерларнинг ирригация-мелиорация ҳолати яхшиланди. 1965 йилда Шеробод даштининг қўриқ совхозлари бўлимиш Янгиободда 3635 гектар, Комсомолободда 4000 гектар, Советободда эса 2100 гектар майдонга пахта экилди. 1965 йилда қишлоқ хўжалик экин-ларининг майдони Сурхон-Шеробод воҳасида 166,6 минг гектардан 214,8 минг гектарга етди¹⁸¹.

1966 йилда Шеробод даштини суғориш ва ўзлаштириш дастури асосида Шеробод воҳасининг энг қадимги ҳосилдор ерлари бўлган Янги Истара, Қизириқ массивларини ўзлаштириш бошланди. Бу иш «Жанубий Сурхон сув омбори» ва Шеробод машина магистрал каналининг қурилиши билан боғлиқ эди. Узунлиги 27 километр бўлган Шеробод магистрал канали Жанубий Сурхон сув омборининг ўнг қирғоғида қурилган бош сув олиш иншоотидан сув олади. Пишқириб оқаётган сув канал трассасининг дастлабки 8 километрида Сурхондарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб ва Тошкўприксой ўзани тагидан 150 метр узунликдаги 3 кўзли (3x3,5 м.) темир-бетон қувурли дюкер орқали ўтади. Қуйироқда каналдан Кумқўрғон каналига 10 м³/сек. миқдордаги сувни ташлаш учун сув чиқаргич ўрнатилди. Каналнинг 13 кмдаги участкасида Шеробод насос станцияси барпо этилди. У ердаги қудратли насос-агрегатлар ёрдамида сув 10 қаватли уйнинг баландлигича кўтариб берилди. 1966 йилда Шеробод магистрал канали Қизириқдара даштига биринчи марта сув

¹⁸⁰ Газета «Советский Узбекистан». 1 октября, 1969 года.

¹⁸¹ Журнал «Узбекистан». 1965, № 10. -С. 14-15.

берди. Орадан беш йил ўтгач, яъни 1971 йилда Шеробод магистрал канали тўла фойдаланишга топширилди¹⁸².

Шеробод магистрал канали 27-километрдан участкада ўнг ва чап тармоқларга бўлинади. Каналнинг чап тармоғи узунлиги 29,6 км бўлиб, ўзининг бетон тўшама билан қопланди. Бу эса сув сарфини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Сув утказиш ҳажми 25 м³/сек. Ўнг тармоқнинг узунлиги 76,6 км бўлиб, Шерободдарё тизимидаги ерларни сувлашга хизмат қилади. У ҳам бетон тўшама билан қопланди¹⁸³.

Сув омбори ва магистрал канал қурилиши билан бир қаторда кенг кўламли ирригация ва коллектор-дренаж тизими қурилиши амалга оширилди. 10 йиллик иш натижасида чўлни ўзлаштириш учун 1047 км бетон ва темир-бетон қопламали суғориш каналлари, 936 км очиқ коллектор ва 1690 км горизонтал дренаж қурилди. Сув масаласининг ҳал этилиши 1962 йилда 2 минг гектар, 1963 йилда 8 минг гектар кўриқ ерни ўзлаштириш имконини берди. 1972 йилнинг охирига келиб 60 минг гектар ер фойдаланишга топширилди¹⁸⁴.

Каналнинг чап тармоғи қурилиши билан 1968 йили Бандихон-Қизириқ массивларининг янги ерларида иккита кўриқ совхози ташкил этилди. 1968 йили 3238 гектар кўриқ ерлар ўзлаштирилди¹⁸⁵, шулардан 1000 гектарига пахта экилди¹⁸⁶. 1968 йил

¹⁸² Сурхондарё вилояти давлат архиви.478-фонд.1-рўйхат, 86-иш.49-варақ.

¹⁸³ Сурхондарё вилояти давлат архиви.478-фонд.1-рўйхат, 86-иш.51-варақ.

¹⁸⁴ Халияров Х., и др. Сурхандарьинская область. -С. 61-62.

¹⁸⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 19-варақ.

¹⁸⁶ «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналі, 1969. №3. -Б.18.

Шеробод машина магистрал канали тизими бўйича Якубова Диларам Таджиевна ва Шеробод совхозининг 7-совхоз ташкил этилиб, 2100 гектар янги ерлар ўзлаштирилди ва 400 гектар ерга пахта экилди. Ўша йили давлатга 538 тонна пахта топширилди, ҳар бир гектар ердан 13 центнердан пахта йиғиб олинди¹⁸⁷. 1972 йилга қадар Шеробод магистрал канал худуди бўйича 8 та пахтачилик совхозини ташкил этилди. 1968 йилда Сурхон-Шеробод воҳасидаги совхозлар давлатга 28346 тонна пахта топширдилар. Сурхон-Шеробод воҳасида 1958-1968 йилларда пахта майдонлари 82,451 гектардан 111,500 гектарга етди. Агар 1958 йилда Сурхон-Шеробод воҳасида 236 минг тонна пахта давлатга топширилган бўлса, 1968 йилга келиб бу кўрсаткич 346,3 минг тоннага етди¹⁸⁸.

«Жанубий Сурхон сув омбори» комплексида ба-жарилган ишлар натижасида вилоят жанубида йилнинг исталган даврида суғориш учун етарли миқдорда сув тўпланди. Сув кам бўлган шароитга мослаб асрлар давомида яратилган агротехника усуллари танқидий назардан қайта кўриб чиқилди. Чунки ўзлаштирилаётган водийнинг моддий-техника ва табиий-иқлимий шароитларидан янада тўлароқ фойдаланиш пайти келган эди.

Ирригация-мелиорация ишлари тугаллангач, вилоят жанубида суғориладиган ерларнинг миқдори 180 минг гектарга ёки вилоятнинг барча туманларидаги ерлардан анча кўп миқдорга етказилди. 1969 йилга келиб вилоятдаги жами суғориладиган ерларнинг 90 фоизидан кўпроғи сув омборларида тўпланадиган сувлар билан суғорила бошланди. Ер-

¹⁸⁷ Текущий архив водохозяйственного строительства новых совхозов в Сурхандарьинской области. Данные на 1.01. 1969 г.

¹⁸⁸ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 157-иш, 59-варақ.

лар табиий сув манбаларидан суғорилганда, уларга сув билан бирга жуда кўп лойқалар ҳам оқиб келади. Бу лойқалар ернинг табиий ҳосилдорлигини сақлайдиган ва тиклайдиган факторлардан бири ҳисобланади¹⁸⁹.

Кўриқ ва ҳамма нарсага бой ҳосилдор ерлар замонавий техника, қулай манзилгоҳларга эга бўлса-да, ишчи кучига жуда муҳтож эди. Шунинг учун кўриқ ерларга Жарқўрғон, Шўрчи, Денов туманларидан, Қашқадарё вилояти, шунингдек, кўшни Тожикистон ва Туркманистон Республикалари ва бошқа жойлардан қурувчилар, колхозчилар, ишчилар, механизаторлар, агрономлар ва пахтакорлар жўнатилдилар. 1967 йилнинг баҳоригача Шеробод даштига ўзининг оилалари, бригадалари билан вилоятнинг ҳамма туманларидан 3000 нафар деҳқон оилалари кўчириб келтирилди. Масалан: «Советобод» совхозига Шўрчи тумани Й.Охунбобоев номли колхознинг комплекс механизациялаш бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Қудратов, «Ленинобод» колхозидан илғор механизаторлар С. Бобоқулов, А. Қамчиев, «Жданов» номли колхоздан Н.Умаралиев, М.Ҳайитов ва бошқалар шулар жумласидандир.¹⁹⁰

Қизириқ даштида янги ташкил этилган Й. Охунбобоев номли совхозни ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида унга Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон ва Шўрчи туманлари, Тожикистон ССР, Қўрғонтепа вилояти Шаартуз туманидан аҳоли кўчириб келинди. Хўжаназар Тўраев, Ренат Алимов, механизаторлар Жума Жонпўлатов, Эшдавлат

¹⁸⁹ Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 4.

¹⁹⁰ Газета «Правда Востока». 30 декабря, 1970 года.

Раҳмонов, Омон Ҳимматовлар биринчи кўчиб келганлардан эди. Яна ушбу совхозга Шўрчи туманининг Энгельс номли колхозидан машҳур пахтакор-механизатор – Алламурод Ёқубов ва унинг бригада буйича ўртоқлари – ака-ука Оллоёр ва Бобоёр Эшбоевлар, Абдусаттор Мавлонов, Абдулла Менглиев ва бошқалар кўчиб келишди. 1968 йилда Қизириқ массивида Ленин номли 6-кўриқ совхоз хўжалиги ташкил этилди. Унинг асосий ўзлаштирувчилари машҳур пахтакорлар – Эргаш ва Файзулло Ҳасановлар, Бозор Гелдиёров, Жарқўрғон туманининг «Шарқ юлдузи» колхозидан агроном Чори Қурбонов, тракторчи Салом Бозоров, «Сурхон» совхозидан тажрибали пахтакор Чори Пайғамов, Саидахмад Бобоев, Алиёр Холиқовлар, Термиз туманидаги «Жданов» номли колхоздан бригадир Тошпўлат Жумаев, у билан бирга механизаторлар Юсуф Қорақулов ва Эшқувват Эгабўриевлар кўчиб келишди.

Шеробод туманида 1965-1968 йилларда 4 та давлат хўжалиги тузилди. 1960 йили Шеробод чўлида 4 минг 200 гектар ер ўзлаштирилган бўлса, 1969 йилга келиб, бу кўрсаткич 18 минг 300 гектарга етди ва 22 минг тонна пахта олинди¹⁹¹. Сурхондарё вилояти эса 1968 йилда давлатга 347 минг тонна пахта топширди¹⁹². Азал-азалдан Сурхон воҳаси зироаткорлари Амударё сувидан фойдаланиб деҳқончилик қилишни орзу қилар эдилар. Бу борадаги дастлабки ишлар 1972 йилда бошланди. Аввалига Термиз туманидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозни далаларини зудлик билан сувлаш учун 1972 йилнинг баҳорида бир ой ичида Ғалаба канали қурилди. Бунинг

¹⁹¹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 478-фонд, 1-рўйхат, 78-иш, 36-варақ.

¹⁹² Сурхондарё вилояти давлат архиви. 478-фонд, 1-рўйхат, 79-иш, 81-варақ.

учун сув Амударёдан олинди. Кейинчалик, 1978 йилга келиб яхшилаб таъмирланди ва доимий фонданишга топширилди. Кейинги энг йирик лойиқа Аму-Занг канали бўлди. Лойиҳага кўра, канал Амударёнинг ўнг қирғоғидан, Сурхондарёнинг қуйи қисмидан 16 км юқоридан сув оладиган бўлди. Амударё сувини Занг гидроузелининг 2 та насослари ёрдамида 77 метр баландликка кўтариб, вилоятнинг жанубий туманларига етказиш кўзда тутилди. Аммо канал ўтадиган баъзи жойларнинг ери жуда қаттиқ бўлиб, узоқ вақт, жуда кўп техника ва улкан харажатларни талаб қилар эди. Ирригаторлар бу масаланинг ечимини топдилар. Қаттиқ ва зич ҳисобланган жойлар оммавий портлатиш йўли билан очиш режалаштирилди. Трассанинг учдан бир қисми портлатиш йўли билан очилди. Портлатиш якунлангач, экскаваторлар ва юк машиналари ишга тушиб кетишди. Канал қурилиши 7 ой давом этиб, белгиланганидан беш баравар тезроқ якунланди. Шу вақт ичида каналда 7 млн м³ грунт ишлари bajarилди, 50 минг м³ бетон ва темир-бетон қопланди¹⁹³. Ниҳоят, 1972 йилнинг 24 августида Аму-Занг машина каналининг биринчи насослари ишга тушиб, Амударё сувини янги суғориш иншоотига етказиб берди. Каналнинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, сув Амударё бўйида юқорига кўтарилгандан кейин то Музработ туманидаги Болдиргача бўлган ҳудудда бирорта ҳам жойда насос ишлатилмайди. Канал ўзи оқар ирригация иншооти ҳисобланади. Шу жиҳатдан унинг ишлатилиши харажатлар миқдорини анча камайтирди.

Аму-Занг каналининг ишга тушиши вилоят жанубидаги янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хў-

¹⁹³Халияров Х., и др. Сурхондарьинская область. -С. 62.

валигини сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Аму-Занг канали Гагарин туманини йирик пахтачилик маконига айланишига муҳим роль ўйнади. Айни шу даврдан бошлаб пахта майдонларини сув кўтарувчи машиналар ёрдамида сувлаш аҳамияти тобора камая борди. Масалан, 1975 йилда Сурхон воҳасидаги жами экин майдонларининг 16,9 минг гектари сув кўтаргич машиналари ёрдамида, 165,4 минг гектари ўзиоқар каналлар ёрдамида, 158,3 минг гектари жўяклар орқали сувланган. 1976 йилда эса 56,5 минг гектар ер насослар воситасида, 171 минг гектари ўзиоқар ариқлардан, 196,9 минг гектари жўяклар орқали сувланган¹⁹⁴.

Сурхондарё вилоятида янги совхозларнинг ташкил этилиши йирик ирригацион қурилишларни амалга ошириш ва Шеробод даштидаги кўриқ ерларни ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқдир. Бу ишларда 1965-1974 йилларда Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Нуриддин Муродовнинг (1915-1974) хизматлари жуда катта бўлди. Н.Муродов Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, айниқса, пахтачилик ва боғдорчиликни юксалтиришда жонбозлик кўрсатди. Сурхон-Шеробод воҳасида янги туман ва шаҳарлар барпо этилишида ўзининг муносиб ҳиссасини кўшди. Н.Муродовга пахтачиликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда фан ютуқлари ва илғор тажрибаларини кенг қўллаш, юқори ҳосил олишда эришган катта ютуқлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

¹⁹⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет Советской власти. Юбилейный статистический ежегодник. -Ташкент: Узбекистан, 1977.-С. 102.

Бундан ташқари, Сурхон воҳасида янги ерларни ўзлаштириш ва пахтачиликни ривожлантиришда Меҳнат Қахрамонлари – Шаймардон Қудратов, Отамурод Худойназаров, Жиянқул Рустамов, Муҳаммади Келдиев, Бобоёр Ҳасанов ва бошқалар, Республикада хизмат кўрсатган пахтакорлар – Назиртоп Тўраев, Саиджон Отаниёзов, Алиқул Файзиёв, Раҳима Абдурахмонова, Қумри Қурбонова, Норқобил Аҳмедов, Кўчар Одинаев ва бошқаларнинг меҳнатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Сурхондарё вилоятида янги суғориш иншоотларининг барпо этилиши 1980 йилларда ҳам давом этди. 1987 йилда «Сурханводстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси жамоаси «Искра» канали қурилишини жадал суръатларда давом эттирдилар. Улар бу ердаги насос станциясини қуриб фойдаланишга топширдилар. Каналнинг насос станциясига тугаллашувчи қисми ҳам қуриб тугалланди. 1987 йилда бу ерда 4,6 млн сўмлик ишлар бажарилди. Қазилган тупроқни ташиб кетишда воҳа шофёрларига Тошкент ва Бухородан келган ҳайдовчилар ҳам ёрдам беришди. Эътиборли томони, канал қурилишида вилоят Кенгаши депутати Ф. Исломов, Б.Бруш ва И.Кузьмичёв каби экскаваторчилар бошқаларга ўрнак бўлишди¹⁹⁵.

1987 йилда Сурхондарё вилоятида сув ресурсларидан унумли фойдаланиш масаласи кун тартибига кўйилди. Жанубий Сурхон сув омборига секундига 600 кубометр сув тушиб турди. Бу сувнинг 60 фоизи кўкламги экин-тикинга ва экинларни суғориш даврида фойдаланилди. Вилоят туманларида 1470 километр масофада каналлар бўлиб, шунинг

¹⁹⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 478-фонд, 1-рўйхат, 87-иш, 27-варақ.

700 километри бетонлаштирилган эди. Колхоз ва совхозларда эса 7655 километр ички суғориш шохобчалари мавжуд. Воҳа хўжаликларида пармалаш орқали сув чиқариш ҳам бирмунча яхшиланди. Сув танқис бўлган жойларда томчилаб суғоришга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят хўжаликларида бир гектар ерни суғориш учун 8400 куб сув сарфланди. Бу эса, сувдан унумли фойдаланиш, ундан тежаб-тергаб ишлатиш зарурлигини кўрсатди. Афсуски, Жарқўрғон, Олтинсой ва бир қатор туманларда сувдан оқилона фойдаланишга жиддий эътибор берилмади. Насос станцияларидан фойдаланиш учун йилига 5,5-6 млн сўм миқдорида маблағ сарфланди. Лекин сувдан хўжасизларча фойдаланган, тежамкорликка эътибор бермаган айрим хўжаликлардан 2335 сўм жарима ундириб олинди. Суғориш тармоқларининг бетонлаштирилмаганлиги натижасида оқизилаётган сувнинг фақат 64 фоизидан фойдаланилди. 1988 йилда вилоят бўйича 20 минг гектар ерни шўр босган эди. Бундай ерлар айниқса Гагарин ва Шеробод туманларида кўп эди¹⁹⁶.

Умуман олганда, 1945-1990 йилларда Сурхон воҳасида қурилган улкан ирригация иншоотлари ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши воҳа қишлоқ хўжалигида жуда катта ижобий натижаларга олиб келди. Булар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Суғориш иншоотларининг такомиллашуви, янги ирригация иншоотларининг қурилиши минглаб гектар ерларнинг ўзлаштирилиши ва сув билан таъминланишига сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган ер майдонлари ҳажми кескин кўпайди. Воҳа қишлоқ хўжалиги кафолатланган сув

¹⁹⁶ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 478-фонд, 1-рўйхат, 88-иш, 12-варақ.

билан таъминланди. Янги ўзлаштирилган ерларда йирик-йирик колхоз ва совхозлар ташкил этилди. Бу ерлар келажакда Ўзбекистон озиқ-овқат ханфсизлиги ҳамда асосий валюта манбаи бўлмиш пахта ни етиштириш имконини берди;

2. Янги колхоз ва совхозларнинг вужудга келиши қишлоқ хўжалигида кўшимча ишчи ўринларини яратиб берди. Натижада Сурхондарё қишлоқ хўжалигида то 1970 йиллар охирига қадар ишсизлик даражаси рекорд даражада паст бўлишига эришилди. Қишлоқ меҳнаткашлари хўжалик далалари ва шахсий томорқаларини сувлаб ўз даромадларини кўпайтириш имконига эга бўлдилар;

3. Йирик пахтачилик хўжалиklarининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалигида механизациялаштириш жараёнини кучайтирди. Қишлоқ хўжалик машиналари ва гидротехника билан ишлайдиган мутахассислар сони кўпайди. Уларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиши ҳудудда шундай касбдаги мутахассисларни тайёрлайдиган техникумларнинг очилишига сабаб бўлди. Одамларда техника билан боғлиқ билим даражаси анча ўсди;

4. Қишлоқ хўжалигида даромаднинг кўпайиши илғор рационализаторлик руҳини вужудга келтирди. Сурхондарё қишлоқ хўжалигида турли муаммоларни ечишга қаратилган илғор новаторлик услублари кенг қўлланила бошланди;

5. Янги пахтакор районларининг вужудга келиши воҳада у билан боғлиқ саноат тармоғининг ривожланишига олиб келди. Агар инқилобдан олдин пахта тозалаш заводи фақат Термиз шаҳрида бўлган бўлса, 1930 йиллардан бошлаб пахта тозалаш заводлари сони кўпайди.

Йирик ирригация иншоотларининг қурилиши ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши салбий оқибатларини ҳам келтириб чиқарди. Булар қуйидагилардир:

1. Вилоятдаги гидротехник иншоотлар узоқ муддатга мўлжаллаб қурилган бўлса-да, бироқ, уларда сувни сақлаб қолиш имкониятлари тўғри ҳисобга олинмаганлиги туфайли кўпчилиги тезда яроксиз қолга келди. Сувдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилиши туфайли минглаб гектар ерлар ташландиқ ҳолатга келиб қолди;

2. Кўп жойларда ички ариқлар ва зовурларни лойихалашда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланилмади. Натижада ички ариқ ва зовурларнинг лойқа билан тўлиб қолиш ҳолатлари оdatий қолга айланди. Айрим қишлоқларда зовурларнинг аҳоли томорқалари орасидан ўтказилганлиги уларни тозалаш ишларини қийинлаштирди. Уларни тозалаш учун жуда кўп ишчи кучи зарур бўлди. Айрим вақтларда нафақат катта ёшдаги эркаклар, ҳатто ёш болалар, эмизикли ва ҳомиладор аёллар ҳам ариқ ва зовурни тозалаш ишларига жалб этилди. Кейинроқ, ички зовурларнинг бир қисми лойқа билан тўлиши аҳоли томорқаларини шўрланишига олиб келди.

3. Янги ташкил этилган колхоз ва совхозларда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга етарлича эътибор берилмади. Ҳудудларда қурилган ичимлик суви иншоотлари сифатсиз ва қўл ўтар ҳолда топширилди. Оқибатда аҳоли 8-10 км узоқликдаги масофага эшак ёрдамида ичимлик суви ташиб келтирар, бунинг иложи бўлмаганда ариқ ёки зовур сувларини ичишга мажбур бўлар эди. Бу ҳол аҳоли ўртасида ошқозон-ичак касалликларининг кўпайишига сабаб бўлди.

4. Табиий ресурслардан нотўғри фойдаланиш натижасида ер унумдорлиги пасайди. Ернинг ҳолати илмий жиҳатдан ўрганилмай туриб зудлик билан ўзлаштирилиши, зовурларнинг тўлиб қоллиши ва сувнинг исроф бўлиши ерни шўрлатиб юборди. Музработ туманидаги айрим далаларда ўпқон бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалик оборотига киритиши сувнинг меъёрдагидан 3-4 баравар ортиқча сарфланишига ва ҳосилдорликнинг кескин тушишига сабаб бўлди.

Сурхон-Шеробод воҳасида тупроқлар шўрланишига мойил бўлганлиги учун бу ерларда шўр ювиш катта аҳамиятга эга. Фақат шўр ювиш ҳисобигагина бу минтақаларда юқори ҳосил олиш мумкин. Тупроқнинг шўрланишига минераллашган сизот сувларининг ернинг устки қатламида жойлашуви ва бу сувларнинг ер сатҳи горизонтал оқимининг сустлиги сабаб бўлган. ЎзПТИ маълумотларига кўра кучли ва ўртача шўрланган, механик таркиби оғир тупроқли ерларда шўр ювишда оптимал муддат ноябрь-декабрь, кучсиз шўрланган ва механик таркиби енгил тупроқли майдонларига сув берилмайди, чунки уларда сизот сувлари чуқур жойлашган бўлади¹⁹⁷. Шўр ювиш нормаси ўта шўрланган майдонларда гектарига қарийб 5500, ўртача шўрланган ерларда 3500-4000, кучсиз шўрланган ерларда эса 2500-3000 куб м сувни ташкил этади. Сув камчил бўлган йилларда бу норма 25-30 фоизгача камайтирилиши мумкин. Кучли шўрланган ерлар 5-8 кун оралатиб 2-3 марта, ўртача шўрланган ерлар 2 марта, кучсиз шўрланган далалар эса 1 марта ювилади.

¹⁹⁷ Жўрақулов Б., Абдурахимов Н., Нормуродов Б. Ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Тошкент: Фан, 1994. –Б. 18.

Далани олдиндан яхшилаб текислаш, сувни қабул қиладиган коллектор зовурларнинг ишчи ҳолатда бўлиши сифатли шўр ювишнинг муҳим омили ҳисобланган.

Шеробод даштининг ҳамма ерлари, Жарқўрғон тумани хўжаликларини ҳам кўшиб олганда, турли даражада шўрланган ерлардан иборат бўлиб, аҳолида меолиоратив тадбирларни қўлланмай туриб, сув билан таъминланиш даражасининг ортиши ер ости сувларининг кўтарилишига ва ҳайдаш қатлигининг шўрланишига олиб келганлиги туфайли ўнлаб гектар ерларда шўрланиш пайдо бўлди. Шеробод даштида ташкил этилган дастлабки «Таллинорон», «Янгиобод», «Комсомолобод» совхозларда ирригация ишлари бажарилган-у, аммо мелиоратив тадбирларга етарли даражада эътибор берилмаганлиги туфайли ернинг шўрини ювиш учун имконият йўқ эди. Сабаби сув танқис бўлган. Шўр ювиш суғоришлари барча хўжаликларда асосий агрономия усулларида олиб борилмаганлиги натижасида шўр ювиш суғориш ерларнинг шўрланиш даражасига қараб 1 мартадан 3 мартагача ўтказилмади. Уларни хўжаликдаги конкрет шароитларга қараб ерни ҳайдашгача ва ҳайдашдан кейин ҳам ўтказилмаганлиги сабабли, суғоришдан олдин ҳар бир участканинг аниқ рельефи (ер юзасининг тузилиши)ни назарда тутиб, пол ёки чеклар олинмади. Аммо шўр ювиш суғориши ўтказиладиган ер майдонининг катталиги 0,25 гектардан ошмаслиги, сув бутун участка сатҳини – юзасини барабар босиши бажарилмаганлиги туфайли, ҳар бир гектарга бир марта суғориш учун 2000-2500 кубометр, кучли даражада шўрланган участкаларга эса бундан ҳам кўпроқ нормада сув қўйилмади¹⁹⁸.

¹⁹⁸ Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б.15.

Таъкидлаш жоизки, совет ҳукумати пахта иншоотларида жиддий хатоларга йўл қўйилди. 1970 йилларда Сурхон-Шеробод воҳасида ерларнинг шўрланиши, ирригация ва мелиорация ҳолатининг бузилиши натижасида 12 минг гектар ернинг ҳосилдорлиги тушиб кетди.

XX асрнинг 70 йилларида Сурхон-Шеробод чўллариининг 46,5 фоиз майдони ёки 101,3 минг гектар ери шўрланган бўлиб, шундан 21 фоизи кучсиз, 24,2 фоизи ўртача, 8,3 фоизи эса кучли шўрланган майдонларни ташкил этди. Шу жиҳатдан чўлнинг катта қисми яъни 157,2 минг гектар майдонини юқори ҳосилдор, 46,5 минг гектар майдони кам ҳосилли, 14,3 минг гектари эса жуда паст ёки ишлов талаб қиладиган ерлардан иборат эди²⁰¹.

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, барпо этилган суғориш иншоотларидан фойдаланишдаги салбий ҳолатлар Сурхон-Шеробод воҳасининг мелиоратив ҳолатини янада ёмонлаштирди. 1989 йилда 4000 гектарга яқин ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилиб, ҳосилдорлик 5-7 центнерга камайди. Шунингдек, 680 километрли масофадаги ёпиқ дренажлар, 350 километр очик коллекторлар таъмирланмаслиги натижасида пахта майдонлари ва аҳоли томорқалари шўрланиш натижасида яроқсиз бўлиб қолди²⁰².

Шунга қарамай, Марказ пахта хом ашёсини етиштириш юзасидан Республика учун белгиланган режани бажаришга доир ишларни қаттиқ назорат қилиб, топшириқларни бажармаган раҳбарларни жиноий жавобгарликка тортди. Пахтачиликнинг зўр бериб ривожлантирилиши натижасида янги ерларни суғориш, мелиорация ишларини амалга

¹⁹⁹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 3-фонд, 18-рўйхати, 112-иш, 118-варақ.

²⁰⁰ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 3-фонд, 10-рўйхат, 111-иш, 14-варақ.

Шунингдек, 680 километрли масофадаги ёпиқ дренажлар, 350 километр очик коллекторлар таъмирланмаслиги натижасида пахта майдонлари ва аҳоли томорқалари шўрланиш натижасида яроқсиз бўлиб қолди²⁰².

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, барпо этилган суғориш иншоотларидан фойдаланишдаги салбий ҳолатлар Сурхон-Шеробод воҳасининг мелиоратив ҳолатини янада ёмонлаштирди. 1989 йилда 4000 гектарга яқин ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилиб, ҳосилдорлик 5-7 центнерга камайди. Шунингдек, 680 километрли масофадаги ёпиқ дренажлар, 350 километр очик коллекторлар таъмирланмаслиги натижасида пахта майдонлари ва аҳоли томорқалари шўрланиш натижасида яроқсиз бўлиб қолди²⁰².

Шунингдек, 680 километрли масофадаги ёпиқ дренажлар, 350 километр очик коллекторлар таъмирланмаслиги натижасида пахта майдонлари ва аҳоли томорқалари шўрланиш натижасида яроқсиз бўлиб қолди²⁰².

²⁰¹ Ўзбекистон ирригацияси. Пжилд. -Т., 1975. -Б. 261-262.

²⁰² «Сурхон тонги» газетаси. 1992 йил, 6 апрель.

II БОБГА ХУЛОСАЛАР

Хулоса қиладиган бўлсак, Сурхон воҳаси ерларини ўзлаштириш ва йирик суғориш иншоотларини куриш чор Россияси давридаёқ режалаштирилган эди. Совет тузуми даврида бу ишлар давом эттирилиб, ирригация ва мелиорация тадбирларига катта эътибор берилди. Бу борада тажриба етарли эмаслиги ҳисобга олиниб, йирик гидротехник курилишлар асосан Сурхон дарёсининг юқори ҳавзасидаги Денов туманида амалга оширилди. Негаки, мазкур ҳудудда аҳоли зич, суви кўп, тупроғи унумдор, қилинган харажатлар жуда тез қопланар эди. Шу боис воҳадаги илк совхозлар айнан Сурхон дарёсининг юқори ҳавзасидаги унумдор ва сувлаш учун қулай бўлган ерларда ташкил этилди. Янги каналларнинг қазилиши натижасида Денов, Шўрчи, Қумқўрғон ва Жарқўрғондаги минг-минглаб гектар ерларга сув чиқариш имконияти вужудга келди. Деҳқончилик ишлаб чиқаришининг ривожланиши ва аҳолининг кўпайиши билан Шўрчи тумани ташкил топди. Сурхондарё вилоятининг жанубий қисмларида эса суғориш ишлари эски ариқларини тозалаш ва таъмирлаб туриш асосида амалга оширилди. Гарчи бу қийин, сермашаққат, кўп куч талаб қиладиган иш бўлса-да, ҳар ҳолда ўз натижасини берди. Энг муҳими, ўрганилаётган даврда воҳа ирригаторлари келажакда улкан суғориш тармоқларини куришлари учун зарур бўлган тажрибага эга бўлишди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Марказ талаби билан Ўзбекистонда, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам янги ерларни ўзлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилди. 1950-

йилларда Учқизил, Дегрез, Жанубий Сурхон сув инборлари, Шеробод магистрал канали курилиб, фойдаланишга топширилди. Бу даврнинг яна бир муҳим янгиллиги, Амударёдан насослар ёрдамида сув чиқарилиши бўлди. Бажарилган улкан ишлар натижасида Сурхон воҳасининг сув билан таъминланиши анча яхшиланди. Сурхон-Шеробод воҳасида йирик пахтакор районлари ташкил топди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштириш маъмурий-буйруқбозлик асосида ташкил этилган эди. Қаттиқ марказлаштирилган тизим маҳаллий аҳолининг иқтисодий манфаатлари, наинший турмуш даражасини ҳисобга олмаган эди. Пахтачилик билан боғлиқ суғориш иншоотларнинг кўплаб курилиши ва янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида шу қадар кўп муаммо пайдо бўлдики, уларни совет давлати бартараф этолмай қолди. Албатта уларни ҳал этиш мумкин эди. Бунинг учун катта маблағ ҳамда кўп вақт зарур эди. Лекин совет режими муаммоларни ҳал этишни кейинга суриб, уларни яшириш учун мафкуравий тарғиботни кучайтирди. Кучли тарғибот машинаси одамлар онгига коммунистик партиянинг улуғлиги, узок келажакдаги бахтли ҳаёт ҳақидаги ишончни синдириши лозим эди. Аммо реал ҳаёт бу ёлғонларни чипнакка чиқарди. Одамлар совет тузумининг ёлғон наъдаларига ишонмай қолишди.

III. БОБ. СУРХОН ВОҲАСИНИНГ ПАХТАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛ

3.1. Сурхон воҳасида 1946-1970 йилларда пахта яккаҳоқимлиги сиёсатининг амалга оширилиши ва унинг натижалари

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда халқ хўжалигини қайта тиклаш ишлари бошланди. Бутун иқтисодиётни, шу жумладан, пахтачилик соҳасида юзага келган муаммоларни бартараф этиш учун зарурий чоралар кўрилди. Бу борада 1946 йил 2 февралда СССР ХКС томонидан қабул қилинган «1946-1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ва тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнади. Негаки, бу қарор Ўзбекистонда пахта якка ҳоқимлигини шакллантиришга қаратилган эди. Қарорда Ўзбекистонда 1946-1953 йилларда давлатга пахта сотишни икки баравар кўпайтириш белгиланди. Бу вазифани бажариш учун озик-овқат етиштириш учун мўлжалланган ерларнинг каттагина қисмини пахтага ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация ва мелиорация ишларини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш лозим эди.

Пахтачиликни ривожлантиришда 1949 йил 4 февралда ҳукумат томонидан қабул қилинган пахта харид нархларининг оширилиши тўғрисидаги қарори муҳим роль ўйнади. 1 тонна пахта 3 тонна

бугдой нархига тенглаштирилди. Илгарилари 1 тонна пахта учун 1047 сўм тўланган бўлса, эндиликда режа бажарилганда 2200 сўмга қадар кўтарилган бўлди. Шу ҳисобдан 1950 йилда Ўзбекистон колхозлари 1949 йилга нисбатан пахтачиликнинг ўндан 3 млрд сўм кўпроқ даромад олдилар²⁰³.

Бу даврда яна бир муҳим ислохот ўтказилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ўтказилган иқтисодий таҳлил республика колхозларининг кўпчилиги норентабел хўжаликлар эканлигини кўрсатди. Негаки, кўплаб майда колхозларнинг мавжудлиги қишлоқда ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига йўл бермас, техника ва ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларини қўллаш олмас эди. Натижада ВКП (б) МК ва СССР Министрлар Советининг қарори билан 1950 йилнинг баҳоридан колхозларни йириклаштириш бошланди. 1950 йил августига қадар Ўзбекистонда 1770 та колхоз ўрнига 752 та колхоз ташкил этилди. Йириклаштирилгунга қадар ҳар бир колхозда ўртача 104 хўжалик бўлган бўлса, тадбирдан сўнг 231 тага етди²⁰⁴. 1954 йилда Сурхондарё вилоятидаги колхозлар сони 1940 йилга нисбатан қарийб 8 баравар камайди, ҳар бир хўжаликда ёўзага ажратилган майдонлар ўртача 138 гектардан 1367 гектарга кўпайди²⁰⁵.

Колхозларнинг йириклаштирилиши айрим жойларда ўзининг самарасини берди. 1951 йилнинг ўзидаёқ, колхозлар йириклаштирилгандан сўнг, 131 та колхоз 25-30 центнердан, 169 та колхоз 30-35 центнердан, 40 та колхоз 35-40 центнердан пахта ҳосили олдилар. Сурхондарё вилоятининг Узун

²⁰³ История Узбекской ССР. Том IV. –Ташкент: Фан, 1968. –С. 182.

²⁰⁴ История Узбекской ССР. Том IV. Ташкент: Фан, 1968. –С. 173.

²⁰⁵ Халиёров Х., и др. Сурхандарьинская область. –С. 56.

Якубова Диларам Таджиевна

ва Сариосиё туманлари 1952 йилги пахта тайёрлаш режасини анчагина ошириб бажардилар. Лекин йириклаштириш жараёнининг шошилини тарта ўтказилиши пахтачиликка салбий таъсир қилди. Кадрлар масаласидаги муаммоларни ҳал этиш, хўжаликлараро муносабатларни йўлга қўйиш, йириклаштирилган колхозлар ишини ташкил қилиш ва янги шароитларга қўниқиш учун маълум вақт керак бўлди. Республика колхозлари ана шундай муаммолар гирдобига қолганлиги боис 1952 йилги пахта тайёрлаш режасини бажара олмадилар²⁰⁶. Пахта ҳосилдорлиги ҳам пастлигича қолаверди. 1952-1953 йилларда олинган ҳосил гектарига 21,1 центнерни ташкил этди²⁰⁷.

Юзага келган аҳвол КПСС МК нинг 1953 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган пленумида кўриб чиқилди. Урушдан кейинги йилларда бутун эътибор оғир саноатга қаратилганлиги, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлик тамойилларининг бузилганлиги, маҳсулот тайёрлашдаги нуқсонлар, кадрлар тайёрлашдаги камчиликлар қолоқлик рўй беришига сабаб бўлганлиги Пленумда кўрсатиб ўтилди. Вазиятдан чиқиш учун солиқ сиёсати тартибга солинди. Колхозлар томонидан давлатга етказиб берилаётган маҳсулотларнинг харид нархлари оширилди, маҳсулот етказиб бериш мажбурияти камайтирилди, томорқалардан маҳсулот етказиб бериш мажбуриятлари ҳам камайтирилди. Қолавер-

²⁰⁶ Гафт М.М. Бешинчи беш йилликда Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши // Фан ҳақида суҳбатлар. №41-42. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриёти. – Тошкент, 1953. – Б. 7-8.

²⁰⁷ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 2-рўйхат, 15-иш, 53-варақ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

га, Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 1954-1958 йилларда 3 миллиард 199 миллион сўм ажратилди. Ўзбекистон тарихида ўтган 23 йил ичида бу соҳага сарфланган жами нафақаларнинг ҳаммасига тенг келадиган ушбу улкан маблағ республика тарихида илк мартоба қишлоқ хўжалигига берилаётган эди. Буларнинг барчаси республикада кенг қўламда янги ерларни ўнлаштириш, ирригация-мелиорация ишларини бажариш, қишлоқ хўжалиги моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланди²⁰⁸.

1946-1958 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар, пахта харид нархларининг оширилиши пахтачиликни тараққий этишида муҳим роль ўйнади. Қишлоқ хўжалигида комплекс механизациялаш ишлари тўғри йўлга қўйилиши туфайли 1958-1965 йиллар оралиғида Ўзбекистон колхозларида меҳнат унумдорлиги 30% га, совхозларда 49% га ўсди. 1 центнер пахта хом ашёсига сарфланган меҳнат харажатлари 6,8 дан 4,6 киши соатга қадар қисқарди²⁰⁹. 1954 йилдаёқ Сурхондарё колхозлари 767,3 млн сўм (эски пул ҳисобида)²¹⁰ соф даромад олишган бўлиб, шунинг 700,6 млн. сўми экинзорлар ҳисобига тўғри келган эди. 1965 йилда деҳқончиликнинг ўзидан 176, 2 млн сўм, 1973 йилда 271,3 млн сўм даромад қилинди²¹¹.

²⁰⁸ Ўзбекистон ССР тарихи. – Б. 505-506.

²⁰⁹ История Узбекской ССР. Том IV. – С. 342.

²¹⁰ 1961 йилда пул ислоҳоти ўтказилиб, 100/1 қийматда пул алмаштирилган эди.

²¹¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. Юбилейный статистический ежегодник (1924-1974). Ташкент: Узбекистан, 1974. – С. 107.

Вилоят бўйича 1958 йилда колхозчининг бир меҳнат кунига 21 сўм 52 тийин тўланди ва колхозчининг йиллик ўрта даромади 5655 сўмни ташкил қилди. Бу соҳада энг юқори кўрсаткич Жарқўрғон ва Ангор туманларига тўғри келди. Бу туманларда колхозчининг бир меҳнат кунига 31 сўм 10 тийиндан тўланди. 1958 йилда вилоят колхозларининг даромади 15 млн сўмни ташкил қилди. Даромадининг ўсиши миллионер-колхозларнинг вужудга келишида намоён бўлди. Улар орасида энг илғорлари Узун туманидаги «Коммунизм», Жарқўрғон туманидаги «Меҳнат-Роҳат» ва Ангор туманидаги «Қизил Юлдуз» колхозлари эди²¹².

1950 йили Узун туманидаги 32 та майда колхозлар (собик 54 қишлоқ хўжалик артели) бирлаштирилиб «Коммунизм» колхози ташкил қилинди. Унинг раислигига Б.Омонов сайланди ва 1978 йилгача ана шу лавозимда ишлади. «Коммунизм» колхози 1974 йилда 84216 гектар майдонга, шу жумладан 5647 гектар экинзор ва 30603 гектар яйловга эга эди. Пахтачилик хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий тармоғини ташкил этган. Ҳар йили 3600 гектар майдонда пахта етиштирилган. Колхозда 65 ишлаб чиқариш бригадасининг 56 таси пахтачилик билан шуғулланган. Агар 1929 йилда Сурхондарёдаги барча деҳқонлар ҳаммаси бўлиб 7–8 минг тонна пахта етиштирган бўлсалар, биргина Бобомурод Омонов раислик қилган хўжалик 1956 йилда 14 минг тонна пахта етиштирди. Бундай катта ютуқлари учун 1957 йили Бобомурод Омоновга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. 1962–1972 йиллар да-

²¹² Саъдуллаев С. Ўзбекистон меҳнаткашларининг пахтачиликни янада юксалтириш учун кураши (1959–1970 йиллар. Сурхондарё области мисолида). Тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Тошкент. 1975. –Б. 141.

вомида пахта ҳосилдорлиги 33 центнердан 42 центнерга кўтарилди. Ҳосилдорлик 1962 йилги 11 минг тоннадан 1970 йили 13400, 1972 йилда 15000 тоннага кўтарилди. 1974 йилда колхозда 60 та пахта терим машинаси ишлатилган²¹³.

«Коммунизм» колхози янги ерларни ўзлаштириш ва ундан деҳқончиликда фойдаланиш учун 550 минг сўм сарфлади. 1972 йилнинг ўзида бир ярим миллион сўм (1961 йилги қиймат бўйича) соф даромад олди. Хўжалик аъзоларининг даромади ҳам ордди. Колхозчиларга ҳар ойига ўрта ҳисобда 180 сўмдан, механизаторларга 240 сўмдан пул тўлаб берилди. Колхоз даромадлари ҳисобидан мактаблар, спорт иншоотлари, клублар қурилди. Бу ўша даврда нафақат республика, балки Иттифоқ бўйича ҳам жуда яхши кўрсаткич эди²¹⁴.

1954 йилда Жарқўрғон туманидаги «Меҳнат-Роҳат» колхозида 1015 гектар ерга пахта экилиб, гектаридан 27,3 центнердан ҳосил олинган. Янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига 1958 йилда 1900 гектар ерга пахта экилди ва 5706 тонна ҳосил олинди, ҳосилдорлик гектарига 30 центнерни ташкил қилди. Даромад 35 миллион сўмни ташкил қилди²¹⁵. Бу хизматлари учун унга колхоз раиси Норали Боймуродовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди²¹⁶.

1950 йилда Ангор туманида «Қизил Карвон», «Қизил Юлдуз», «Октябрь 25 йиллиги», «Деҳқон

²¹³ Омонов Б., Пўлатов Й., Бобоқулов Қ. «Коммунизм» колхози юксалишида. Илғор тажриба минбари. –Тошкент, 1974. –Б. 5-9.

²¹⁴ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 2-рўйхат, 23-иш, 34-варақ.

²¹⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 2-рўйхат, 30-иш, 91-варақ.

²¹⁶ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 45-фонд, 2-рўйхат, 42-иш, 57-варақ.

бирлашув» колхозлари бирлашиб, уларга Маматқул Азизов (1908-1985) бошчилик қилади. Бирлашган хўжаликка «Қизил Юлдуз» номи берилади. 1953 йилда 1490 гектар ерга ингичка толали пахта экинлиб, гектаридан 35 центнердан ҳосил олинади. Колхоз М.Азизов раислигида 1952 йилда 13 млн. сўм, 1957 йилда эса, 28 млн. сўм даромад қилди. 1957 йил 11 январда СССР Олий Совети Президиуми Фармони билан колхоз раиси М.Азизовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

КПСС МҚнинг 1953 йил сентябрь пленумида «СССР қишлоқ хўжалигининг кейинги ривожланиши бўйича чоралар ҳақида»ги махсус қарори қабул қилинди²¹⁷. Пленумнинг қўшимча қарорида келажакда янги ерларни ўзлаштириш 109 минг гектарга, пахта ҳосилини эса 329 минг тоннага ошириш кўзда тутилди. Ушбу қарор бўйича 1953 йил 23-24 ноябрда Ўзбекистон КП Сурхондарё вилояти кўмитасининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум 1954 йилдан пахта экин майдонларини 66800 гектаргача, ҳосилдорликни эса 167900 тоннага етказишни мақсад қилиб қўйд²¹⁸. Белгиланган режани бажариш учун Шеробод даштининг Таллимарон ва Бешқўтон массивларидаги янги ерларни ўзлаштиришга жиддий киришилди.

Бешқўтонда пахта экиш учун илк ҳаракат 1932 йилда бошланган эди. Ушанда Бешқўтонда колхоз ташкил этилиб, шўрҳок ерларнинг 40 гектарига пахта экилган эди. Лекин экиннинг ҳаммаси нобуд бўлди. 1933 йилда 52 гектар ерга пахта экилди. Шундан 15 гектаридан ҳосил олинди. Афсуски, ҳо-

²¹⁷ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 12-рўйхат, 23-иш, 120-варақ.

²¹⁸ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 13-рўйхат, 10-иш, 17-20-варақлар.

сил яхши бўлмади. Кўсаклар кичкина ва мўрт эди. Шундан сўнг бу ерлар ташлаб қўйилди ва баҳор фаслида чорвани ўтлатиш мақсадида фойдаланилди²¹⁹.

1953 йилдан бошлаб Бешқўтон дашти ўзлаштирилиши муносабати билан бу ерларга аҳолини кўчириб келиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. 1949-1951 йилларда Кўхитангтоғ қишлоқлари аҳолисининг зўравонлик билан кўчирилиши, бу ишларнинг оқибатларини ўйламай, шошма-шошарлик билан ташкил этилиши Шеробод туман қишлоқ хўжалигига, айниқса, унинг чорвачилик, боғдорчилик ва лалми ғаллачилигига жуда катта талофат етказган эди. Ана шундай хатолик такрорланмаслиги учун бу сафар эҳтиёткорона иш қилиш зарур эди. Тоғ қишлоқлари аҳолисини мажбурламай, уларнинг бир қисмини мол-мулки ва чорваси билан ихтиёрий равишда кўчириш мақсадга мувофиқ бўлди. Бойсун райкоми Эргаш Жўраев бир нечта тоғ қишлоқлари аҳолисини қўриқ ерга кўчишга кўндирди. Бу борада ўзи ҳам намуна кўрсатиб тоғликлар билан бирга чўлга кўчиб келиб, уларга бош бўлди. Тоғли қишлоқлардан Бешқўтон массивини ўзлаштириш учун 800 киши кўчириб келтирилди, ушбу массивга Бойсун туманидан 16 та колхоз ва Шеробод туманидан 3 та колхоз кўчирилади.²²⁰ 1954 йилда Бойсун туманининг «Правда» колхозидан 110 хўжалик, туман бўйича 270 хўжалик Бешқўтон массивига кўчирилди²²¹.

Бешқўтондаги шўр ерларда пахта экиш осон кечмади. Бунинг учун аввал ер тракторлар билан ҳайдалар, кейин эса шўр ювилар эди. Тракторчилар сут-

²¹⁹ Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. –С. 62

²²⁰ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви, 1-фонд, 13-рўйхат, 92- иш, 112 - варақ.

²²¹ Газета «Ленинское знамя». 14 июля, 1954.

калаб машина кабиналаридан кетмасдилар. Еринин шўрланиш даражаси шу қадар кучли эдики, баъзан шўр ювилган майдонларда экин нобуд бўлиб, ушай жойда икки, ҳатто уч марталаб чигит экишга тўғри келар эди²²².

Шу билан бирга, Таллимарон ва Бешкўтон массивига кўчиб келган колхозлар моддий-техника базаларининг етишмовчилиги натижасида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонини кенгайтириш имкониятига эга эмас эди. Бунинг оқибатида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, юзлаб гектар майдонлар экин экишга яроқсиз бўлиб қолди. Колхозлар иқтисодий жиҳатдан заифлиги инobatга олиниб совхозларга айлантирилди. Шеробод даштида 1957 йилда Бешкўтондаги кичик колхозлар асосида «Янгиобод» совхози тузилди²²³. Унинг биринчи директори Эргаш Жўраев, парторг – Ҳолиқ Ҳолиқов бўлди.

Янги тузилган колхозларга кўчириб келинган аҳолининг меҳнат шароити жуда оғир бўлган. Кексаларнинг гувоҳлигига кўра, ёш болалар ва катталар қишда кесак майдалаш, кетмон билан ер текислаш, ғўзапоядан тозалаш ишлари билан шуғулланганлар. Ўқувчилар дарс тугаши билан мактабдан чиқиб тўғри далага кетишар эди. Терилган ажриқ ва бегона ўтлар килога ўлчаниб, нормани бажарганларга меҳнат куни ёзилар эди. Болалар катталар қатори, ҳатто улардан ҳам кўп ишлашган. Лекин уларга «ёш экансан» деб, катталарга тўланадиган ҳақнинг учдан бирини беришган.

²²² Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. – С. 64-65.

²²³ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви. 58-фонд, 203-рўйхати, 42-иш, 16-варақ.

Чопиқ пайти – июнь, июль, август ойларида ҳамна шийпонда чиқар, эрталаб тонгдан ишга чиқиб соат 11 гача ишлашар, кейин соат 4 гача даладаги шийпонда ётишар, салқин тушиши билан яна нонни бошлашар эди. Колхозчиларда уйдан қатнаб ишлашга имкониятлари бўлмаган. Одамлар шароити йўқ шийпонда ётишга мажбур эдилар. Эрталаб самовар қайнатиб, чой ичиб нон билан узум еб олишар эди. Шакар берилмаган. Онда-сонда Кубадан келтирилган катта-катта қанддан бир бўлакни 5-6 та қизга беришар, улар қандни косага солиб эритиб бўлиб ичишар эди. Тушликда иссиқ овқат берилмаган. Ўрнига уйдан олиб келинган дурдани иссиқ сув тўлдирилган косаларига солиб ўзларича шўрва қилишар, ичига озгина қотган нонни солиб ейишар эди. Иссиқ овқат фақат кечкурун бўлар, унга озгина пахта ёғига пиёз доғланар, помидор қоқи, ёки янги помидор солиб жиз-биз қилишар, кейин озгина сабзи кўйиб унга сув тўлдириб, қайнатиб, ичига узун ва йўғон макарон солишиб макарон шўрва пиширишар эди. Овқатларига гуруч қўшилмаган. Негаки, гуруч кам эди. Пиёз ҳам тақчил бўлганидан овқатларига ҳадеганда солишаверишмасди. Кўпинча мева ейишган. Ёз давомида тарвуз, узум ва тутдан шинни тайёрлашган, кузда ва қишда эрталаб шинни еб ишга кетишган. Тушда иссиқ овқат фақат пахта йиғим-терим вақтидагина берилган. Ҳар куни бир хил овқат пиширилар эди. Баъзан нўхат берилган. Январ ойида ўқувчилар учун 2-3 ҳафта иш бўлмаган. Бу вақтда фақат эркакларгина ишлашган. Уларнинг вазифаси ариқ тозалаш эди. Февралдан бошлаб ҳамма далага ишга чиқган. Март ойидаги каникулда ҳам ўқувчилар ишлашган. Дарсни далада бажаришган. 1960 йилда мактабларда соат 11 гача

дарслар ўтилган. Сўнг иккита катта қозонда гуштасиз макарон шўрва пиширилар эди. Ҳамма қозон билан қошиғини ўзи билан бирга олиб юрар, охирида бир стакан чой ичиб, тўғри далага жўнашар эди. Ўқувчилар иш кийимини ўзлари билан бирга олиб юришган. Мактаб дарсларидан фақат физкультурагина қоида бўйича ўтилган.

Шийпонда ёш болалар учун ясли бўлар эди. Кўнчилик боласи учун беланчак ёки бешигини олиб борар эди. Ўша боғчада камида 15 тагача чақалоқ бўлиб, унга фақатгина битта аёл қараб турар эди. Унга ёрдамчи сифатида ўша чақалоқнинг 3-4 ёшли ака-опалари бириктирилган эди. 6-7 ёшли болалар далада ишга чиқарилган. Оналар ўзларининг болалари учун белги бўлсин деб, қизил, гарди, ҳарир, паранг ва турдаги рўмолларини қўйиб кетишар эди. Ёш болали аёллар далада ишлаётган вақтда бола очқаб йиғласа дарҳол махсус темир идишга бирон нарса билан бонг урилар ва ўша болага тааллуқли бўлган рўмол-белги тепага ҳилпиратиб кўрсатилар эди. Аёллар ўзига тегишли рўмолни кўриб, боласини эмириб келар эдилар. Фақат ёш болали оналаргина чақалоқларини эмизиш учун шийпонга келишга ҳақли эдилар. Бошқаларнинг шийпонга келишига рухсат берилмас, даланинг ўзида овқатланишга мажбур эдилар. Ачинарлиси, ана шу ёш болали аёллар тонг отгандан то куёш уфққа кетгунига қадар шийпонда яшашга мажбур қилинган. Уларга уйларига бориб келишга рухсат берилган. Айрим аёллар тўрт боласи билан бирга далага борар эди. Эшакка миниб хўржуннинг икки кўзида икки боласи, орқанда ёши каттароғи, олдинда чақалоғи билан келар эди. Яна қайтгунича ўша аёллар қўйлари учун ўт ҳам олиб келишар эди. Аёлларнинг эрталаб соат 4

да далада бўлиши шарт ва мажбурий эди. Баъзи аёллар саҳарлаб нон пишириб, соат 5 да далага чиқарилган вақтларида уларни «райком боболар» кутиб олиб, қаттиқ ҳақорат қилишар эди²²⁴.

Сурхон-Шеробод воҳаси ана шундай оғир шароитларда ўзлаштирилди. Шу сабаб, янги ўзлаштирилаётган ҳудудларга аҳолини кўчириш осон бўлмади. Одатда, пахта мавсуми вақтида тарғибот-ташвиқот машинаси зўр куч билан ишлар эди. Бу ҳолат айниқса, 1957 йилда яққол намоён бўлди. Одамларни пахта теришга қизиқтириш учун «кўп минг килограммчилик ҳаракати» ташкил қилинган, мукофотлар берилган, илғор теримчиларни мақтаб газета ва журналларда расмларини қўйиб чиқаришган. Октябрь инқилобининг 40 йиллигига «туҳфа» бўлсин деб, ҳаммани теримга жалб этишган. Пахта мавсумида колхоз раҳбариятига 3 тоннадан, комсомол ва ёшлар кўп мингчилар ҳаракатига қўшилиб, 5 тоннадан 20 тоннагача пахта териб беришлари мажбурий қилиб белгиланган²²⁵. 1957 йилнинг сентябрь ойи бошларида кўчма Қизил байроқ таъсис этилиб, уни ҳар 10 кунда бериб бориш йўлга қўйилди. Кўчма Қизил байроқ олган илғор теримчилар ва пахта терувчи механизаторларга 3000 сўм миқдорида мукофот пуллари берилган. Режани 1 ноябрга қадар бажарган колхоз ва совхозларга биттадан юк машинаси, 7 ноябрга қадар режани бажарган районлар битта енгил автомашина, пахта териш ва тайёрлашни намунали тарзда ташкил этган ходимларга мукофотлаш учун 50 минг сўм пул ажратилди. 7 ноябрга қадар 5-10 тонна оқ пахта ҳамда 4-5 тонна

²²⁴ Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, Янгиобод МФЙ. 2019 йил, декабрь.

²²⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 507-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 17-варақ.

ингичка толали пахта терганларга Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрликлари ва пул мукофотлари бериш белгиланди.²²⁶ Вилоят бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун 4 минг кишилик бригада тузилди²²⁷. Бу ишлар ўз натижасини берди ҳам.

1956 йилда «Правда» колхозининг теримчиси Жума Ҳолиқов 22100 кг пахта терган эди. 1957 йилнинг 2 сентярида у 320 кг, 3 сентябрь куни 340 кг пахта терган. Октябрь инқилобининг 40 йиллигига бағишлаб 25 тонна пахта териб беришни ваъда қилган. Бундан ташқари, 1956 йилда Денов туманидаги «Ленинизм» колхозини теримчиси Жума Имомов 21 тонна, Шўрчи туманидаги «Жданов» колхозидан Улуғ Бойматова 17 тонна, Денов туманидаги «Хрущёв» номли колхоз звено бошлиғи Мингтой Қаюмова 17797 кг пахта териб беришган эди²²⁸.

Тўғри ташкил этилган ишлар туфайли Сурхондарё вилояти 1957 йилнинг 31 октябрида 250 минг тонна, ёки 1956 йилга нисбатан 30 минг тонна кўпроқ пахтани 1 ой олдин топшириб, йиллик режани бажарди. Пахтанинг 99,5 % биринчи сортга топширилди²²⁹. Ингичка толали пахтанинг ҳосилдорлиги 22 ц/га, оқ пахтадан ҳосилдорлиги 32 ц/га, ҳамма навларни қўшганда 29 ц/га ни ташкил қилди. 1956 йилдагига солиштирганда бир центнер пахта етиштириш учун 2,1 меҳнат куни кам сарфланди ва **7,1 меҳнат кунини ташкил қилди, бир центнер пах-**

²²⁶ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 507-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 29-варақ.

²²⁷ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 507-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 36-варақ.

²²⁸ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 24-варақ.

²²⁹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 23-варақ.

танинг таннархи 1956 йилдаги 91 сўм 47 тийин ўрнига 79 сўм 50 тийин бўлди²³⁰.

Эришилган муваффақият учун вилоят пахтакорларидан 17 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, 1500 киши орден ва медаллар билан, 137 киши Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан, 530 киши қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Юқори ҳосил олган Денов, Жарқўрғон, Узун туманлари, 4 та МТС, 15 колхоз, 4 совхоз СССР қишлоқ хўжалик виставкасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди²³¹.

Сурхон-Шеробод воҳасида ирригация ва суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши билан пахта экин майдонлари ҳажми 1928-1958 йиллар оралиғида 4 баробардан ортиқ ўсди. Худди шу даврда Республика бўйича экин майдонлари икки баравар ошган эди²³². 1928 йилда Сурхон-Шеробод воҳаси бўйича 1 гектардан 6 центнер пахта олинган бўлса, 1958 йилда ҳосилдорлик 27 центнерга етди. Сурхондарё вилояти Ўзбекистон бўйича пахта етиштиришда биринчи ўринни эгаллади²³³. Республика бўйича ўша йили давлатга 2 миллион 946 минг тонна, яъни 1957 йилдагидан 205 минг тонна кўпроқ ва 1953 йилдагидан 514 минг тонна кўпроқ пахта сотилди²³⁴.

²³⁰ Пахтакорларнинг Кремлда бўлган Бутуниттифоқ Кенгаши стенография ҳисоботи. 18-21 февраль, 1958 йил. –Москва: Қишлоқ хўжалик адабиёти давлат нашриёти, 1958. –Б. 235-236.

²³¹ Саъдуллаев С. Ўзбекистон меҳнаткашларининг пахтачиликни янада юксалтириш учун кураши. Тарих фан. ном. учун диссертация. –Б. 29.

²³² Сурхондарё вилояти давлат архиви. 112-фонд, 1-рўйхат, 313-иш, 45-варақ.

²³³ Хлопоководство Узбекистана за 50 лет. –С. 39.

²³⁴ Қорабоев С. Ўзбекистонда ленинча индустриалштириш тажрибасидан. –Б. 223.

XX аср ўрталарига келиб, Ўзбекистон йирик пахта етиштирувчи мамлакатга айланди. Совет Иттифоқи учун пахта хомашёси базасига айланган Ўзбекистон 1950 йилда дунёда пахта экадиган энг шимолдаги мамлакат бўлишига қарамасдан, пахтадан юқори ҳосил олиш жиҳатидан дунёда биринчи ўринни эгаллади ва пахтачилик билан қадим замонлардан бери шуғулланиб келаётган мамлакатлар: Ҳиндистон, Покистон, Миср, Эрон, Туркия ва Афғонистонни бирга олганда ҳаммасидан ҳам кўпроқ пахта ишлаб чиқарди. 1951 йилда Ўзбекистонда чигитли пахтадан ўрта ҳисоб билан ҳар гектардан 21 центнер пахта ҳосили олинганда, бу кўрсаткич Мисрда 11, АҚШда – 8,3, Туркияда – 7,2, Покистонда – 5,2, Ҳиндистонда – 3,4 центнерни ташкил этган эди²³⁵.

Республика миқёсида йирик ирригация лойиҳаларининг амалга оширилиши, пахта майдонларининг кенгайиши уни териб олишда муаммоларни келтириб чиқарди. Сабаби, Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрилган талофат аҳоли сонига таъсир қилган эди. Шунинг билан пахтачилик тармоғини механизациялашга жуда катта эътибор берди. 1950 йилда республика фақат пахта териб олиш агрегатларининг ўзи 9 мингдан ортиқ эди. Республикадаги пахтачиликни механизациялаш даражаси 1946-1950 йилларда қуйидагича бўлган: ер ҳайдаш – 96%, чигит экиш 97%, культивация 70%, эгатлар очиш 50 % машиналашган бўлиб, ўғит солиш, қишлоқ хўжалик зараркундаларига қарши курашиш, кўрак тозалаш деярли бутунлай механизациялаштирилган эди²³⁶.

²³⁵ Гафт М.М. Бешинчи беш йилликда Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши. – Б.5.

²³⁶ Гафт М.М. Бешинчи беш йилликда Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши. – Б.4.

Совет ҳокимияти Марказни пахта хом-ашёсига бўлган талаб эҳтиёжларни ҳисобга олиб йирик-кўпайтирилган колхозларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий маблағларни кўпроқ ажратиб борди. Жумладан, Сурхондарё вилоятидаги Жарқўрғон туманидаги “Меҳнат роҳат” колхозига 1957 йилда 5,6 миллион, 1957 йилда эса 11 миллион сўм маблағларни таъминлаб берди. Бундан, асосий мақсад пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта экин майдонларни кўпайтириш, моддий техника таянчли мустаҳкамлаш эди. Аслида, бу ажратилган маблағлар колхозчиларни турмуш тарзига сарфланмади²³⁷.

1959 йили Республикада пахта теримини машиналаштириш натижасида механизаторлар машина билан 330 минг тонна пахта териб олдилар. 1959 йили республика колхоз ва совхозларида 6800 та терим машинаси ишлади. Ўрта ҳисобда ҳар бир машина 48,5 тоннадан пахта терди. Вилоят даражасида СХМ-48, ХВС-1,2 ва СХС-1,2 машиналари пахтакорларга ёрдам берди. Машина теримини муваффақиятли ўтказишда ғўза баргини ўз вақтида, сифатли қилиб тўктириш катта аҳамиятга эга бўлди. 1955-1959 йиллардаги тажрибаларнинг кўрсатишича кундалик температура 17 градус ва ундан юқори бўлганда ғўзани цианамид-кальций билан дорилаш энг яхши натижа берди. Асосий майдонларда барг тўктириш учун кремнефтористий натрий билан кальций-цианамид қўлланилиб, шудринг тушмайдиган, ёки дорилаш кечки муддатларда ўтказиладиган районларда магний хлорат ишлатилди²³⁸.

²³⁷ Венгерский В. Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши. Т.: Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамияти. 1968. №-1-16641. О.д.Б.7.

²³⁸ Қодиров И., Харитоновна Н. Машина теримига кенг йўл // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналы. 1960 йил, № 9 (сентябрь).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1963 йил 23 январдаги «Шеробод массивида янги ерларни ўзлаштириш ҳақида»ги қарорига биноан Сурхон-Шеробод воҳасини ўзлаштиришда иштирок этаётган қурилиш ташкилотларини ишчи-ходимлар билан таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, қурилиш ташкилотларига Ғузор, Шеробод, Шўрчи, Денов туманларидан кўшимча ишчи кучлари сафарбар этилди²³⁹. Натижада, Сурхон-Шеробод воҳасига 1963 йилнинг 1 чораги давомида 4000 ишчи-хизматчилар янги ерларни ўзлаштиришга жўнатилди. 1963 йилда «Сурханводстрой» СМУ учун Шеробод туманидан 1000 киши, №11-қурилиш трести учун Денов туманидан 1200 киши, Ғузор туманидан 1000 киши, Шўрчи туманидан 3000 киши, №165-қурилиш трести учун Шўрчи туманидан 500 киши жалб этилди²⁴⁰. Шеробод даштини ўзлаштириш ва суғоришни тезлаштириш учун 1963 йилда №11-қурилиш жамламаси ташкил этилди. 1961 йилнинг охирида Янгиобод совхозининг 6-бўлими базасида, суғориладиган ер майдони 8226 гектар бўлган «Комсомолобод» совхозини ташкил этилди.²⁴¹ 1962 йилнинг мартида Бойсуннинг тоғли ҳудудидан 300 оила Комсомолобод совхозига кўчириб келтирилиб, совхозга 950 гектар ер, етарли техника ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ажратиб берилди.²⁴²

²³⁹ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви. 1-фонд, 23-рўйхат, 12-иш, 171-варақ.

²⁴⁰ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви. 1-фонд, 23-рўйхат, 12-иш, 176-варақ.

²⁴¹ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви. 58-фонд, 230-рўйхат, 4-иш, 214-варақ.

²⁴² Газета «Ленинское знамя». 23 октябр, 1962 г.

1963 йил баҳорида «Комсомолобод» совхозига Денов туманидан 30 нафар, Қашқадарё вилоятидан Косон туманидан 90 киши кўчириб келтирилди. Совхоз ҳудудида 2 та янги бўлим ташкил этилди. Ушбу бўлим бошлиғи этиб Меҳнат Қаҳрамони Ғила Аҳмедов тайинланди. Янги бўлимнинг экин майдони 1250 гектарни ташкил этди²⁴³. 1963 йил декабрида «Комсомолобод» совхозига қишлоқ хўжалигининг 21 нафар мутахассиси, тажрибали 120 нафар тракторчи, 35 нафар ҳайдовчи ва таъмирловчи ишчилар, шунингдек, 60 нафар мироб юборилди. 3-сонли совхозга 1964 йил 15 февралгача қишлоқ хўжалиғи мутахассисларидан 18 киши, тракторчилардан 130 киши, ҳайдовчи ва таъмирловчи ишчилардан 50 киши, 180 нафар мироблар юборилди.²⁴⁴ Бундан ташқари, ишчи кучини тўплаш ташкилоти ва кўчириш бўлими Бойсун ва Шерободнинг тоғли қишлоқларидан «Комсомолобод» совхозига 600 хўжалик ва 3-сонли совхозга 500 хўжаликни кўчирди. 1964 йилда Советобод кўриқ совхозини ташкил этилиб, бу совхозга Шеробод туманидаги Қизилолма, Пошхурт, Зарабоғ, Қорабоғ қишлоқлари ва бошқа жойлардан одамлар кўчириб келтирилди.²⁴⁵

1965 йилда Шеробод воҳасининг Музработ массивида «Абдулла Набиев» номли совхоз ташкил этилиб,²⁴⁶ унга Сариосиё туманидаги «Ўзбекистон» колхозидан, шунингдек, Термиз туманидаги Таллимарон совхозидан аҳоли кўчирилиб келтирилди

²⁴³ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 64-варақ.

²⁴⁴ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви. 1-фонд, 23-рўйхат, 21-иш, 71- варақ.

²⁴⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 65-иш, 52-варақ.

²⁴⁶ ЎзПА Сурхондарё вилояти ҳокимлиги филиали архиви 1-фонд, 25-рўйхат, 22-иш, 73 варақ.

Якубова Диларам Таджиевна

ва шу совхозга жойлаштирилди²⁴⁷. Ишчи кучининг етишмовчилиги ҳисобга олиниб, «Абдулла Навои» совхозига кўшимча равишда Туркменистон ССР ва Сурхондарё вилоятининг Шеробод ҳамда Жаркўрғон туманларидан одамлар кўчириб келтирилди. Кўчиб келганлар орасида илғор пахтакорлар: Тўхтамурод Курбонов, Абдузоир Яхшиқулов, Бўйли Курбонов, илғор теримчилардан Шарифа Асадова, Санам Худойназарова, Ўғилой Курбонова, Хурматой Ҳайитова ва бошқалар бор эди²⁴⁸. 1968 йили Сурхон-Шеробод воҳасидаги совхозлар сонининг 12 тага етди. Кўшимча тарзда Шеробод чўлларида 125 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, пахта етиштириладиган майдонлар миқдори 80 минг гектарга кенгайди²⁴⁹.

Янги ўзлаштирилган ҳудудларда республикада донғи кетган пахтакорлар етишиб чиқди. Чунонинчи, Шоймардон Қудратов 1964 йилда Шўрчидан 11 кишилик бригадаси билан Қизириқ даштидаги Охунбобоев номли совхознинг Айригаза мавзесидан 600 гектардан ортиқроқ бўш ётган ерларни ўзлаштиришга киришди. Файзова каналида насос ўрнатилиб, Айригаза даштига сув чиқарилди. Бригада аъзолари ўша йили 100 гектар ерни ўзлаштириб, биринчи йилнинг ўзидаёқ 30 центнердан ҳосил олдилар. Шу хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланди ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор» унвонига сазовор бўлди. 1971 йилда Ш.Қудратов бригадаси гектаридан қарийб 42 центнердан ҳосил кўтарди. Бу Шеробод чўлидаги энг

²⁴⁷ «Партия турмуши» журнали. – №5, 1967.

²⁴⁸ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 77-иш, 35-варақ.

²⁴⁹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 78-иш, 28-варақ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

миқдори кўрсаткич эди. Қудратовнинг ўзи машинаси билан мавсумда 810 тонна пахта териб жаҳон рекордини ўрнатди²⁵⁰.

Асли жаркўрғонлик Холмўмин Сафаров 1968 йили Қизириқ туманидаги «Кунчиқиш» совхозининг пахта далаларидан ХТ-1,2 рақамли пахта териш машинаси бункеридан 376 тонна, 1969 йили 400 тонна пахта териб берди. 1972 йили Х.Сафаров пахта териш машинасида 620 тонна пахта териб, республикада энг юқори кўрсаткичга эришди. Ўз меҳнати билан ҳар центнер пахта нархини бир неча баравар арзонлаштирди. Шу хизматлари учун Ленин ордени билан мукофотланган²⁵¹. 1966 йилда Шеробод массивининг 20,5 минг гектар ерида 60 минг тонна пахта етиштирилди.²⁵² 1966 йили вилоятда суғориладиган майдонлар 183,3 минг гектарга етиб, 1961-1965 йилларда 43,3 минг гектар ер қишлоқ хўжалиги фойдасига киритилди.²⁵³ Шеробод туманида 1966 йилда жами ўзлаштирилган ер майдони 41 минг гектарга етди. Сурхон-Шеробод воҳасида ўша йили фақат янги ўзлаштирилган ерларнинг ўзидан 70 минг тонна пахта ҳосили олинди²⁵⁴.

Бойсунлик Отамурод Худойназаров 1965 йилда Ҳазорбоғ совхозида 112 гектар майдонга пахта экиб, ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил олди. Бу хизматлари учун унга 1966 йилда Социалистик Меҳнат Қахрамони унвони берилди. 1967 йилда у ўзининг 6 кишилик бригадаси билан Шеробод даштидаги

²⁵⁰ Авлиёқулов Қ., ва бошқалар. Сурхон юлдузлари. – Б. 76-77.

²⁵¹ Авлиёқулов Қ., ва бошқалар. Сурхон юлдузлари. – Б. 82.

²⁵² Текущий архив целинного совхоза им. А.Набиева. Годовой производственный отчет за 1966 г. – С. 13.

²⁵³ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 478-фонд, 1-рўйхат, 105-иш, 72-варақ.

²⁵⁴ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 478-фонд, 1-рўйхат, 107-иш, 29-варақ.

А.Икромов колхозига кўчиб ўтиб, 50 гектар ерда белгиланган 86 тонна ўрнига 172 тоннадан пахта олди. Ҳосилдорлик 34 центнерни ташкил қилди. Бу бригададаги жами ҳосил машиналар ёрдамида териб олинди. О.Худойназаров бу билан чекланмай кўшни Комсомолобод совхозига ҳам ёрдам берди. Ўша йили ўзининг «Ўзбекистон» маркали пахта терим машинасида 360 тонна пахта терди. 1967 йилда Комсомолобод совхози режани бажариб, давлатга 6300 тонна пахта топширди.²⁵⁵ Тўққизинчи беш йилликда (1971-1975) О.Худойназаров бригадаси гектар бошига 63 центнердан ҳосил олишга эришди. Бу вилоятдаги энг катта кўрсаткич эди²⁵⁶. Ш.Қудратов ва О. Худойназаров сингари илғор механизаторларнинг тажрибаси кўриқ ерларни комплекс механизациялашни тезлаштирди. Бозор Холлиев, Нормўмин Норбоев, Убайдулло Муҳаммадиев ва бошқалар ўз бригадаларида гектаридан 37-42 центнердан ҳосил олиш имкониятини ярата олдилар. Сурхон-Шеробод воҳасида пахта терим машиналарининг таниқли ҳайдовчи механикларидан Светлана Продан, Жума Жўрақулов, Ҳабиб Хуррамов, Хурсанд Қурбонов, Назир Қосимов, Тўракул Худойқулов каби уста механик ҳайдовчилар етишиб чиқди²⁵⁷. 1968 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорига биноан Сурхон-Шеробод воҳасида янги ташкил этилган совхозлар асосида маркази Комсомолобод бўлган Гагарин (ҳозирги Музработ) тумани ташкил топди. Дастлабки йилда 17600 гектар майдонга пахта экилди²⁵⁸. 1969 йилда Гагарин тумани

²⁵⁵ Газета «Ленинское знамя». 26 апреля, 1968 года.

²⁵⁶ Авлиёқулов Қ., ва бошқалар. Сурхон юлдузлари. –Б. 70-71.

²⁵⁷ «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журналы. 1969, № 6.

²⁵⁸ Текущий архив целинного совхоза им. Ахунбабаева. Годовой производственный отчет за 1968 год.

давлатга 31640 тонна пахта топширди²⁵⁹. Шундан 11427 тоннасини Янгиобод совхози,²⁶⁰ 8584 тоннасини Комсомолобод совхози топширди²⁶¹.

1970 йилгача Шеробод ва Бандихон ҳудудларида 46365 гектар ер ўзлаштирилиб, 7 та пахтачилик совхозлари ташкил топди. 1970 йилда Гагарин тумани давлатга 38000 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни ҳар гектарига 22,6 центнерга етказди. 1970 йил Шеробод даштининг барча кўриқ совхозлари давлатга 54000 тонна пахта топширди. Вилоят бўйича 386 минг тонна пахта етиштирилди²⁶².

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида механизациялаштириш даражаси ўсди. 1966-1970 йилларда Ўзбекистонга 87773 та трактор, 32094 та трактор плуги олиб келинди. 1970 йилда 4667 минг тонна пахта етиштирилди²⁶³, шунинг 34 % машиналар ёрдамида териб олинди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1961 йилда атиги 7 % ни ташкил қилган эди²⁶⁴. 1965-1970 йилларда Сурхондарё вилоят қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришда катта ютуқлар қўлга киритилди. 1965 йилда тракторлар сони 5,1 минг, 1970 йилда 9,9 минг донани; пахта терим машиналари 1960 йилда 503 дона, 1965 йилда 1121 донага етди²⁶⁵. Аммо пахта теримини тўлиқ механизациялаштиришнинг иложи бўлмади. Негаки, вилоят миқёсида пахта териш машиналаридан фойдаланиш тўғри ташкил этилмади. Бунга сабаб, қишлоқ

²⁵⁹ Текущий архив целинного совхоза им. Ахунбабаева. Годовой произ. отчет за 1968 год.

²⁶⁰ «Совет Ўзбекистани» газетаси. 1969 йил, 12 июль.

²⁶¹ Газета «Комсомолец Узбекистана». 22 октября, 1969 года.

²⁶² Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. –С. 138.

²⁶³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1970 г. Статистический ежегодник. –Ташкент, 1971. –С. 98.

²⁶⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. –С. 12, 17, 108.

²⁶⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1970 г. –С. 135.

хўжалиги механизациясида асосий эътибор ингилик техникани сотиб олишга қаратилиб, уларни таъмирлашга етарлича аҳамият берилмади. Мулкнинг нисбатан эгасизлик ҳисси, хўжасизлик кайфияти «техника меники эмас, керак бўлса давлат менга яна беради», «давлат мени боқади» каби тушунчалар тобора чуқурлашиб борди. Натижада, хўжаликларда пахта терим машиналари кўп бўлишига қарамай, уларнинг бир қисми техник носозлиги учун далага чиқарилмади.

Юқорида келтирилган сабабларга кўра, пахтанинг асосий қисми қўлда терилган. Пахта тайёрлаш жараёнига аҳолининг бутун қатлами жалб қилинган. Мавсум вақтида бутун қишлоқ аҳолиси, мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари, шаҳарликлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари жамоалари ва талабалари тўлиғича сафарбар этилар, ҳеч ким чеккада туриши мумкин эмас эди. Аҳолиси нисбатан зич бўлган Термиз, Денов шаҳарлари аҳолиси янги ўзлаштирилган худудлардаги совхозларга ётоққа жўнатилган. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бирлаштирилган йилларда ангорлик пахтакорларга ёрдам бермоқ учун Қарши пединститути ҳамда Қарши тиббиёт билим юрти талабалари ҳам жўнатилдилар. Пахта мавсуми янги йилга қадар давом этар, кўп ҳолларда чўзилиб ҳам кетар эди. Хусусан, 1961 йилнинг 2 сентябрида бошланган пахта мавсуми 1962 йилнинг 17 февралигача қадар давом этганди²⁶⁶.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Сурхондарё пахтачилигида ингичка толали пахтанинг мавқеи кескин ошиб кетди. 1953-1954 йилларда ингичка толали пахта етиштириш энг юқори даража-

²⁶⁶ Умаров И. Бадаш: тарих ва анъана. –Термиз: Сурхон-Нашр, 2018. –Б. 22.

га етди. Унга ажратилган майдон 33 минг гектарни ташкил этиб, деярли 60 минг тонна пахта тайёрланди. Вилоятдаги жами экинзорларнинг 45 % га ингичка толали пахта экилди, пахта етиштириш бўйича эса 35 % ни ташкил этди²⁶⁷.

1950 йилларда Сурхон воҳасида ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиниши илғор агротехника усуллари билан самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Пахтачиликда тупроқнинг ҳайдов қатлами самарадорлигини оширишнинг асоси бўлган шудгорлаш, шўр ювиш, тупроқда нам тўплаш ва уни сақлаш каби тадбирий чоралар кўрилди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшаган ерларнинг умумдорлигини ошириш учун шудгорлаш олтидан далалар ғўзапоядан тозаланиб, вилт билан касалланмаган далалардаги ғўзапоя ҚИ-1,2 ва ҚИ-1,8 маркали қирқувчи машиналар ёрдамида қирқиб олиниб, майдалаб сепиб юборилди. Касалланган майдонлардаги ғўзапоя эса КВ-4А, КВ-3,6А маркали машиналар ёрдамида йиғиб олиниб, даладан чиқариб ташланди ва улардан халқ истеъмоли йўлида фойдаланилди. Шудгорлаш олтидан минерал ўғитлар берилиб, кейин ер ҳайдалган, агар далани бегона ўт босган бўлса, плуг билан бирга ўрнатилган тишли бороналар фойдаланилган²⁶⁸. 1964 йилда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил етиштирилганликлари учун колхозчилардан, хўжаликлар ва туман раҳбарларидан 9 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга мушарраф бўлдилар. Қишлоқ хўжалигининг кўпгина меҳнаткашлари ҳукуматнинг орден ва медаллари билан тақдирландилар ҳамда юксак фахрий унвонлар олдилар.

²⁶⁷ Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 9.

²⁶⁸ Жўрақулов Б., ва бошқалар. Ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б.17.

СССР Министрлар Советининг 1966 йил 30 сентябрда қабул қилган «Ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш чоралари тўғрисида» қароридан бу пахтани етиштиришда тўсқинлик қилмаётган барча қийин масалалар ҳал қилинди: совхозларда етиштириладиган ингичка толали пахтанинг харид нархи оширилди, бу пахтани етиштириш юзасидан берилган топшириқларни бажаришдаги масъулият кучайтирилди. Бу пахтани етиштирувчи хўжаликлар учун минерал ўғит, сув ва техника нормалари масалалари ҳам ҳал этилди. 1968 йилининг апрель ойида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети ингичка толали пахта етиштиришни кўпайтириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарорда ингичка толали пахта ҳосилини кўтариш ва уни етиштиришни кўпайтиришнинг барча йўллари аниқ-равшан кўрсатиб ўтилди. Бу ҳар икки қарорда ҳам вилт касаллигига чидамли, энг юқори 1 ва 2 тип тола берадиган юқори ҳосилли ингичка толали пахта навларини яратиш, уларни жорий этиш ва кўпайтириш масалаларига катта эътибор берилди.

Ингичка толали пахта харид нархининг оширилиши уни етиштиришга қизиқиш уйғотди. 1966 йили вилоят пахтакорлари 53,1 минг тонна ингичка толали пахта етиштирдилар. Ҳосилдорлик ўртача 23,9 ц/га ни ташкил этди. 1968 йилда вилоят қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари янада юқори ҳосил олдилар. Шу йили 1965 йилдагига нисбатан 18 минг тонна кўпроқ ингичка толали пахта етиштирилиб, ҳосилдорлик ўртача 26,4 центнер бўлди. Айрим колхозларда бундан ҳам кўпроқ натижаларга эришилди. Жарқўрғон тумани бўйича: «Москва» колхозини

гектаридан 34 центнер, Ленин номли, «Социализм» ва «Қизил Октябрь» колхозлари 30 ц/га; Термиз туманидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозини 32 ц/га, шу колхознинг Э.Норбоев ва Б.Раҳмоновлар бошчилигидаги илғор бригадалар эса гектаридан 40-45 центнердан ингичка толали пахта етиштирдилар. Давлатга ҳаммаси бўлиб 71,2 минг тонна ингичка толали пахта топширилди. Вилоят қишлоқ хўжалигини ингичка толали пахтанинг салмоғи 20,6 фоинини ташкил қилди²⁶⁹.

1966 йилда вилоятда экиладиган ингичка толали пахтанинг асосий нави 5904-И бўлиб, 3-тип тола берар, бу нав пахта фузарноз вилти ва қора илдиз чириш касалликларига чидамли бўлмагани сабабли ўрнига С-6002 нави экилди. Бу нав 2 тип тола беради, фузариоз касаллигига чидамли бўлса-да, аммо макроспориоз касаллигига бардош беролмади. Вилоят қишлоқ хўжалик тажриба станцияси томонидан чиқарилган Т3, Т7, Т8 навлари 2 илдиз чириш касалликларига чидамли, 5904-И навига нисбатан анча юқори ҳосилли бўлиб, бир неча кун эрта етилганлиги билан иқтисодий фойда келтирди. Ўзбекистон Пахта уруғчилиги ва селекцияси институти томонидан чиқарилган С-6028, С-6029, С-6030, С-6033, С-6034, 8022 навлари ҳам юқоридаги Т-3, Т-7, Т-8 навларига ўхшаб катта иқтисодий самара берди.

Шу даврда Сурхондарё вилоятида иккита элита-уруғчилик тажриба хўжалиги бор эди. Биринчиси Шерободдаги «Партия XXII съезди» совхозида жойлашган бўлиб, у ерда С-6002 нави, иккинчиси Термиздаги «Намуна» колхозида жойлашиб, 5904-И нави устида иш олиб борилган.

²⁶⁹ Истомин М.С. Сурхондарёда ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. —Б.13.

Пахтачиликнинг оғир ва серхаражат иш эканлигини ҳисобга олиб, КПСС МК ва СССР Министрлар Совети 1969 йил 13 февралда «Колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари томонидан давлатга сотиладиган пахтанинг харид нархини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра, пахта харид нархининг 15% оширилди. Шу ҳисобга вилоят колхозлари 1969 йилда 15 млн. сўм фойда қилдилар²⁷⁰.

Хуллас, вилоятда пахта майдонларининг кенгайтириши билан бир қаторда ишга бўлган муносабат ҳам ўзгартирилди. Марказ томонидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига жуда катта миқдорда маблағ ажратилди. Пахтанинг харид нархлари оширилди. Колхоз ва совхозларнинг иқтисодий куввати ортди. Пахта теримида машиналар меҳнатидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Кучли тарғибот-ташвиқот ишларининг олиб борилиши, илғорларга турли орден ва медаллар ҳамда юксак унвонларнинг берилиши, моддий ва маънавий рағбатлантириш туфайли одамларда пахта етиштиришга бўлган қизиқиш янада кучайди. Шу билан бирга ушбу ўзгаришлар бир томонлама бўлди. Асосий эътибор фақат пахтачиликка қаратилиб, бошқа соҳаларга унчалик аҳамият берилмади. Узоқ давом этадиган пахта йиғим-терим ишларига ёш болалар ва талабаларнинг жалб қилиниши уларнинг ўқиши ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатди. Аста-секинлик билан уларда пахта сиёсатига нисбатан норозилик кайфияти уйғона бошлади.

²⁷⁰ Саъдуллаев С. Ўзбекистон меҳнаткашларининг пахтачиликни янада юксалтириш учун кураши. Тарих фан. ном. учун диссертация. –Б. 145.

2.2. Турғунлик йилларида Сурхон воҳаси пахтачиликнинг ҳолати ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга салбий таъсири

XX аср 70 йилларида совет давлати Сурхондарёда пахтачиликни ривожлантиришни давом эттирди. 1971-1975 йиллардаги тўққизинчи беш йилликда вилоятда пахта етиштиришни янада кўпайтириш назифаси қўйилган эди. Аммо бунинг учун янги ўзлаштирилган ерларда пахтачилик ишларини йўлга қўйиш керак эди. Шу мақсадда асосий эътибор Қизириқ даштига қаратилди. Бу ерда ташкил этилган совхозларга машхур механизаторлар ва тажрибали раҳбарлар жалб қилиндилар. 1970 йилнинг март ойида Деновдан Қизириқ даштига янги ташкил этилган Охунбобоев совхозига кўчиб келган таниқли механизатор Жиянкул Рустамов 60 гектар майдонга пахта экди. 1971 йилда ҳар гектаридан 38,5 центнердан пахта ҳосили олинади. Бригадир Ж.Рустамовнинг ўзи пахта терим машинасида 500 тоннадан ортиқ пахтани териб беради. 1973 йилда Ж.Рустамов бошлиқ чўлқуварлар Қосим Раҳимов номли совхозда 80 гектар ерни ўзлаштириб, гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштирдилар. Рустамовнинг ўзи машинасида 559 тонна пахтани терди. Ж.Рустамов чўлни ўзлаштиришда давом этиб, ўз жамоаси билан 1974 йилда янги ташкил этилган Будённий номли совхоздан 86 гектар ерни ўзлаштирдилар. Улар сув ниҳоятда кам ва об-ҳаво ноқулай келган йили барча қийинчиликларни бартараф этиб гектар бошига 50 центнердан ҳосил етиштирдилар. Бригаданинг ҳар бир аъзосига ўрта ҳисобда 40 тоннадан пахта тўғри келди. Моҳир механизатор шу йили салкам 800

тонна пахтани машина ёрдамида териб, хирмонга тўқди. Ж.Рустамов чўлни ўзлаштиришда кўрсатган хизмати учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди²⁷¹.

Ерларнинг жадаллик билан ўзлаштирилиши натижасида Қизириқ чўлида маъмурий туман ташкили этиш учун етарли шарт-шароитлар вужудга келди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорига биноан 1975 йил 6 мартдаги қарорига мувофиқ ўзлаштирилган чўл ҳудудларда Ленин йўли тумани (ҳозирги Қизириқ) ташкил этилди. Янги туманининг ташкил этилишида Нормўмин Туропов, Абдусаттор Ҳайитов, А.Антонец, Э.Турсунов, Ойтошхон Ғиёсова, Халил Исаев ва бошқалар фидойилик намуналарини кўрсатдилар. Чўлларни ўзлаштиришда Хуррам Тошмиров, Тўхта Ҳайдаров, Музаффар Умаров, Маматали Умиров, Нормўмин Камолов, Нормурод Норқобилов сингари пахтакор, чорвадор ва бошқа касб эгаларининг хизмати катта бўлди²⁷².

Тўққизинчи беш йилликда пахтачилик жадал ривожлантирилди. Пахта экиладиган майдонлар кўпайиб 1975 йилда 138,1 минг гектарга етган эди. 1970 йил бу рақам 119,3 минг гектардан иборат эди. Вилоят 1971-1975 йилларда давлатга 2112 минг тонна пахта хом-ашёси етказиб берди. Шундан 665,3 минг тоннаси ингичка толали пахта эди. Ҳосилдорлик гектарига ўртача 31,8 центнер бўлди. Пахта толасининг чиқиши 670,2 минг тоннани ташкил қилди. 1975 йилнинг ўзида Сурхондарё вилоятида 465 минг тонна ёки айрим пахта етиштирадиган республикалардан кўпроқ (Туркменистонда 1079 минг,

²⁷¹ Авлиёкулов Қ., ва бошқалар. Сурхон юлдузлари. -Б. 60-61.

²⁷² Норқобилов А., Алимов Ч. Юртпарварлар юрти. Қизириқ тумани ҳаётидан лавҳалар. -Тошкент: Гафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010. -Б. 12.

Туркменистонда 836 минг, Озарбайжонда 451 минг, Қирғизистонда 202 минг, Қозоғистонда 283 минг тонна) пахта олинди, ҳосилдорлик 33,6 центнерга етди²⁷³. Жумладан, Гагарин тумани 54,6 минг, Ленин йўли тумани 43,5 минг, Шеробод тумани 24,3 минг тонна пахта толасини топширди. 1 центнер пахта етиштириш учун 1975 йилда колхозларда 30 одам/соат, совхозларда 28,4 одам/соат сарфланди²⁷⁴. Шу тариқа, Республикада пахтачилик асосий тармоқ бўлиб қолди. 1860-1916 йилларда Ўзбекистон ҳудудида 6 млн тонна пахта хом ашёси тайёрланган бўлиб, бу ўртача йиллик 100 минг тоннани ташкил қилар эди. 1924-1973 йилларда эса бу кўрсаткич 100 млн тоннани ташкил этди, ёки йилига ўртача 2 миллион тоннадан пахта берган²⁷⁵. Сурхондарё вилоятидаги пахта тозалаш заводларида 1972 йилда 138 минг тонна тола ишлаб чиқарилди²⁷⁶.

КПСС МК «1976-1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси юзасидан 1976 йил 3 мартда қабул қилинган КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ Ўзбекистонда 1980 йилга бориб 5,8 млн тонна пахта етиштириш белгилаб қўйилган эди²⁷⁷. Бу осон вазифа эмас эди. Негаки, пухта ўйланмай берилган режани бажариш янги ерларни ўзлаштириш, ирригация-мелиорация ишларини сифатли ўтказиш, ер ҳолатини яхшилаш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланишни талаб қилар эди.

²⁷³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1975 г. -С. 96, 152, 159, 160, 161, 173, 222.

²⁷⁴ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 125-иш, 87-варақ.

²⁷⁵ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. -С.22.

²⁷⁶ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. -С.301.

²⁷⁷ КПСС XXV съездининг материаллари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1976. -Б. 308.

Марказ томонидан қўйилган вазифаларни баъриш учун 1971-1975 йилларда давлат ва колхозлар ҳисобидан 42 минг гектар, 1976-1980 йилларда 41,9 минг гектар, 1981-1985 йилларда 27,4 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб ишга туширилди²⁷⁸. Гарчи Сурхон-Шеробод воҳасида суғориладиган ерлар ҳосилдорлигини ошириш, суғориш шохобчаларини қайта таъмирлаш ҳамда уларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказилган бўлса-да, ички хўжалик сув иншоотлари, коллектор-дренажларнинг режасиз, пухта уйланмай қурилиши туфайли сувнинг исроф бўлиши, ернинг захланиши ва шўрланишига йўл қўйилди. Жумладан, Шеробод туманида янги қурилган ёпиқ дренажларнинг кўпчилиги ишдан чиқиб, суғориш шохобчаларининг қуввати пасайди. Бу эса, ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатди. Масалан, 1976 йилда Шеробод туманида 12 минг 700 гектар ерга чигит экилиб, 27 минг 505 тонна пахта топширилган, ҳосилдорлик гектарига ўртача 21 центнерни ташкил қилган эди. Ҳолбуки ўша йили вилоят бўйича 141,4 минг гектар ерга чигит экилиб, давлатга 483 минг тонна пахта (жумладан, 175 минг тонна ингичка толали) пахта топширилган, ҳосилдорлик гектарига 34,2 центнерга етган эди²⁷⁹.

1976 йилда вилоят пахтакор хўжалиқларининг 3,3 фоизи гектарига 25-30 центнердан, 96,7 фоизи 30, 1 центнердан пахта ҳосили олишга эришди. Воҳа колхозларида 1 центнер пахтага сарфланган меҳнат харажатлари 30 одам-соатни, совхозларда эса 24 со-

²⁷⁸ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Статистический ежегодник. Ташкент: Узбекистан, 1986. –С. 162.

²⁷⁹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 164-варақ.

ати ташкил қилди²⁸⁰. Колхозларнинг (балиқчилик хўжалиқларидан ташқари) даромади кўпайиб 1965 йилда 110,7 млн сўм, 1970 йилда 160 млн сўм, 1975 йилда 169,7 млн сўм, 1976 йилда 180,9 млн сўмни ташкил этди²⁸¹. 1976-1980 йиллардаги ўнинчи беш йилликда Сурхондарё вилоятида пахта етиштириш анда кўпайди. Шу йилларда давлатга 2484 минг тонна пахта сотилди. Ҳосилдорлик ўртача 33,8 ц/га бўлди. Биргина 1980 йилда Ўзбекистонда рекорд даражада – 6245 минг тонна пахта, ёки 1979 йилга нисбатан 483 минг тонна кўпроқ пахта етиштирилди. Мазкур йилда Сурхондарёда 153,1 минг гектар ерга пахта экилиб, 544 минг тонна пахта ёки 1979 йилга нисбатан 39 минг тонна ортиқроқ пахта ҳосил олинди. Ҳосилдорлик республика бўйича 33,3 ц/га, вилоятда 35,5 ц/га бўлди. Ҳосилдорлик даражаси бўйича Сурхондарё вилояти Хоразм (42,1 ц/га), Бухоро (37,5 ц/га), Тошкент (35,7 ц/га) ва Самарқанд (35,6 ц/га) вилоятларидан сўнг бешинчи ўринга кўтарилди. Пахта хом ашёсидан тола чиқиши бўйича Ўзбекистон жаҳонда АҚШдан (2422 минг тонна) сўнг иккинчи ўринга чиқиб 1815 минг тоннани ташкил қилди. Толанинг ҳосилдорлиги 9,7 ц/га бўлди. Бу борада Гватемаладан (12,5 ц/га) сўнг иккинчи ўринда турди²⁸². 1980 йилда Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарган ялпи маҳсулот 591,2 млн сўмни ташкил қилди, шунинг 455,7 млн сўми деҳқончиликка тўғри келди. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги 1975 йилга нисбатан 107 % ни ташкил этган²⁸³.

²⁸⁰ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. –С. 141, 144, 152-153.

²⁸¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. –С. 141, 144, 152-153.

²⁸² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. Статистический ежегодник. –Ташкент: Узбекистан, 1981. –С. 100, 105, 106.

²⁸³ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. –С. 87, 167.

1980 йил 1 ноябр ҳолати бўйича Сурхондарё вилоят колхоз ва совхозларидаги суғориладиган ер майдони 281,7 минг гектар, яйловлар 939,6 минг гектар, боғлар ва узумзорлар 19,4 минг гектар бўлган. 13 минг гектари аҳолининг томорқалари ташкил этган (колхозларда 6,1 минг га, совхозларда 6,9 минг га). Жами суғориладиган ерларнинг 54,5% ёки 153,1 минг гектар ерга пахта, 53,9 минг гектарга ғалла, картошка 1,0 гектар, сабзавотлар учун 6,6 минг гектар, полизга 2,3 минг гектар, ем-хашан учун 67,4 минг гектар ажратилган эди.²⁸⁴ Суғориладиган экин майдонлари шўрланишига йўл қўйилмай, тўлиқ фойдаланилган. 1981 йилда Марказ томонидан белгиланган режа бўйича Сурхондарё вилояти 600000 тонна пахта топшириши зарур эди. Таққослаш учун кўшни Қашқадарёда 560 минг тонна мажбурият юкланган эди. Пахта мавсуми об-ҳаво ноқулай бўлган анча оғир шароитларда кечди. 6 ноябрдаёқ вилоятда 5153 тонна пахта терилди. Пахта мавсуми даврида терилган жами пахта 456 минг тонна, шундан 200,6 минг тоннасини ингичка толали пахта ташкил этди. Ўша кунги теримга 173869 киши қатнашди. Бу графикдагидан 9 минг кишига кўпдир. Ўртача терим киши бошига 28 килограмми ташкил этди. Кўл теримида Ленин йўли тумани пешқадамлик қилди. Уларнинг ҳар бири 36 килограммдан, гагаринликлар 35 килограммдан, сариосиёликлар 33 килограммадан пахта тердилар. Ҳашарга жалб этилган талабаларнинг кунлик иш унуми 48 килограмм, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг ўртача терган пахтаси 31 килограммга етди.²⁸⁵

²⁸⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. – С. 97, 100-101.

²⁸⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 56-варақ.

Пахта мавсуми январнинг бошларига қадар давом этди. Декабрда қаттиқ қор ёғишига қарамай одамларни пахта теришга мажбур этишди. Теримчилар-колхозчилар, мактаб ўқувчилари ва талабалардан икки киши арқонни ўзига тортиб ғўза устидан юрғизар ва унинг устидаги қорни туширишар эди. Бошқалар эса пахта теримига тушиб кетишар эди. Одамлар терим вақтида совқотган ўнг қўлини чап қўлтиғига, кейин чап қўлини ўнг қўлтиғига тикиб иситишар, алмашган қўллари билан пахта терар, баъзан қўллари оғизларига яқин олиб келиб пуфлаб иситишар ва шу тариқа нормани бажарар эдилар. Қорда пахта теришга чиққан Комсомолбод механизация ва ирригация техникумининг 16-17 ёшлардаги бир нечта талабаси кеч қолиб исиниш учун тасодифан Болдир темир йўл станциясига келиб қолишади. Қаттиқ чарчаганларидан бир вагоннинг ичига кириб ухлаб қолишади. Ҳатто поезднинг юриб кетганини ҳам сезишмайди. Эрталаб уларни Термиз темир йўл станциясида чегарачилар уйғотишади. Сал бўлмаганда уларни жиноятчига чиқаришарди. Яхшиям воқеадан хабар топган техникум директори келиб, чегарачиларга вазиятни тушунтиради ва ялиниб-ёлвориб ўқувчиларини яна далага олиб кетади²⁸⁶. Одамларни қорда мажбуран пахта тердириш бирор жамият, давлат, ҳатто Америка кулчилик жамиятида ҳам учрамайдиган, фақат совет мустамлакачилигига хос бўлган жирканч, ваҳшиёна эксплуатациянинг нақ ўзи эди. Қаттиқ ҳаракат қилинишига қарамай, вилоят 1980 йилги натижани такрорлай олмайди. Жами 513 минг тонна пахта топширилди. Ҳосилдорлик ўртача 33,6 центнерни ташкил қилди²⁸⁷.

²⁸⁶ Дала ёзувлари. 2019 йил Музрабод тумани, Болдир қишлоғи.

²⁸⁷ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. Статистический ежегодник. –Ташкент: Узбекистан, 1986. –С. 111.

Пахтадан юқори ҳосил олишда минерал ўғитлар билан бир қаторда маҳаллий ўғитлардан ҳам фойдаланиш самарали бўлиб чиқди. Кумқўрғонлик бригада бошлиғи Ҳасан Мухторов қиш пайтида чорвадорларнинг кўтонларидан гўнг ташиб, унинг пахта далаларига солиш ишини йўлга қўйди. «Мўл ҳосил олиш гарови нимада?» деб сўраганларида Ҳ.Мухторов «Маҳаллий ўғитни ўз вақтида чиритиб ерга солишда» деб жавоб берар эди. 1980-1981 йилларда Ҳасан Мухторов бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 45,2 центнердан пахта ҳосилини йиғиштириб олишган. Бу хизматлари учун 1981 йилда унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган²⁸⁸.

Маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланиш натижасида 1980 йилда Жарқўрғон туманидаги Н.Боймуродов (олдинги «Меҳнат-Роҳат») номли колхознинг Ҳамид Маликов бошлиқ бригада ерларида гектаридан 43 центнергача ҳосил олинди. 1981 йилда эса бу рақам 48 центнерни ташкил этди. Сариосиёдаги «Коммунизм» колхозини ушбу йилда жами экин майдонларининг тенг ярмига ингичка толали пахтанинг энг қимматбаҳо нави «АШ-25» дан экди. Ингичка толали пахтанинг ҳосилдорлиги 39,2 центнерга етди²⁸⁹.

Шундай қилиб, Сурхон – Шеробод воҳаси Ўзбекистоннинг ингичка толали пахта етиштирадиган асосий ҳудуди бўлиб қолди. Воҳада ҳар йили 350-400 минг тонна ингичка толали пахта етиштириш йўлга қўйилди. Бу далаларда ҳосилдорлик гектарыга 20-40 центнер ўртасида ўзгариб турди. Воҳада

²⁸⁸ Авлиёкулов Қ., ва бошқалар. Сурхон юлдузлари. –Б. 53.

²⁸⁹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 136-иш, 46-варақ.

1980 йили 215,2 минг, 1985 йили 412,2 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилди. 1990 йили Ўзбекистон бўйича жами 381 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилган бўлса, унинг 293,3 минг тоннаси Сурхон воҳасига тўғри келди²⁹⁰.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 1985 йилда 1975 йилга нисбатан 140 %, 1980 йилга нисбатан 114 % ўсди. Пулга ҳисобланганда 1966-1970 йилларда ўртача 325,3 млн. сўмдан 1985 йилда 683,4 млн сўмга етди²⁹¹. Қишлоқ хўжалигида жалб қилинган тракторларнинг умумий сони 1965 йилда 5,1 минг, 1985 йилда 16,3 мингта, пахта терим машиналарининг умумий сони 1965 йилда 1121 дона, 1985 йилда 3520 донага етди²⁹². Вилоят далаларида пахта терим машиналарининг иши яхши йўлга қўйилганлиги туфайли бир мавсумдаги териш суръати колхозларда 1970 йилда 56 тоннани, 1976 йилда 97 тоннани, совхозларда 1970 йилда 82 тонна, 1976 йилда 93 тоннага етди. Кунлик терим колхозларда 1970 йилда 1,4 тонна, 1976 йилда 3,7 тонна; совхозларда шунга мутаносиб равишда 1,7 ва 1,8 тоннани ташкил қилди²⁹³. Фоизлар ҳисобида машина терими куйидагича кўрсаткични берди: машина терими вилоят бўйича 1970 йилда 38 %, 1975 йилда 47 %, 1980 йилда 62% бўлди. Бу борада колхозлар 1970 йилда 34%, 1975 йилда 41 %, 1980 йилда 64 % ни, совхозларда эса худди шу йилларда 51, 57, 60 % ни ташкил этди²⁹⁴.

²⁹⁰ Жўракулов Б., ва бошқалар. Ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 3.

²⁹¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. –С. 86-87; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. –С. 92, 94.

²⁹² Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. –С. 91, 145; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. –С. 85-86.

²⁹³ Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет. –С. 93.

²⁹⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 году. –С. 33.

Колхоз ва совхозларнинг иш унумини ошириш мақсадида 1970 йиллари охиридан бошлаб пахтачиликда тўлиғича хўжалик ҳисобига ўтиш бошланди. Гагарин туманидаги А.Набиев совхозининг Олим Холмуродов бошлиқ пахтачилик бригадаси аъзолари хўжаликда биринчи бўлиб 1979 йилда ажамоа пудрати асосида ишлашга ўтишган эди. Коллектив пудратга асосан, жамоа пахтакорлари йил бошида хўжалик билан шартнома туздилар. Аввало коллективнинг ишлаб чиқариш – молия плани белгиланди. Бундан ташқари, шу мақсадда сарфланадиган иш ҳақи (унинг 20 фоизи резерв маблағ сифатида йил охиригача сақлаб қолинади) ўғит, ёқилғи, чигит миқдори келишиб олинади.

Бригадада коллектив совети тузилади. Бутун ишни совет аъзолари ўз кўлига олишади. Улар маҳсус журнал ташкил этиб, унда кишиларнинг ишга келиб-кетишлари, иш унумини доимий равишда қайд этиб борадилар. Бу эса, коллектив аъзоларига ажратилган лимитга кўра, ойлик иш ҳақи тақсимида, албатта ҳисобга олинади. Шуниси муҳимки, нарядсиз тизим деб аталувчи бу метод коллектив аъзоларининг моддий манфаатдорлигини улар меҳнатининг пировард натижасига боғлиқ қилиб қўяди. Агар план бажарилса, биринчи навбатда иш ҳақи фондининг тутиб қолинган 20 фоизи коллектив аъзоларига берилади. Бундан ташқари, режадан ортиқча даромаднинг 70 фоизи, шунингдек, тежамкорлик эвазига олинган фойданинг ҳам шунча миқдори мукофот сифатида тарқатилади.

Бора-бора коллектив пудратнинг афзалликлари маълум бўлиб қолгач, 1982 йилда совхоздаги 42 та бригада ва звенонинг ҳаммаси ана шу методга ўтди. Шунингдек, оила пудрати ҳам жорий этилди. Таж-

риба тариқасида 1987 йилда А.Набиев совхозида беғимқул Дўстмуродов етакчилик қилаётган оилавий звенога 15 гектар ер ажратилиб, у ерга хашаки лавлаги экиш топширилган эди. Оилавий звено ўз вақтида минерал ўғит ва техника билан таъминлаб турилди. Оила аҳли режада белгиланган 470 тонна ўрнига 686 тонна маҳсулот етиштирди. Режа 145 фоизга бажарилди. 1986 йилда худди шунча гектар ердан атиги 45 тонна хашаки лавлаги олинган эди. Оила аъзоларига яна 20 фоиз миқдорида кўшимча иш ҳақи тўланади. Бу 1545 сўмни ташкил этади. Шунингдек, пландан ташқари даромаднинг 70 фоизи, яъни 3066 сўм мукофот тариқасида берилди. Умуман олганда оила пудрати ўзининг афзаллигини икқол кўрсатиб берди.

1987 йил май ойидан бошлаб совхоз пахтакорлари 4 та харажат бўйича чек тизимига ўтган эди. Булар иш ҳақи, ёқилғи, ўғит ва чигит сарфидир. Бундан мақсад ажратилган маблағ ва маҳсулотлардан тежамкорлик билан фойдаланишга эришишдан иборат эди. Тўрт ой ичида совхозда иш ҳақи учун ажратилган маблағдан 253 минг сўм тежаб қолинди. Бунга эришиши учун қиш ойларида бригада аъзоларига уйда ўтиргани учун иш ҳақи ёзилмайдиган бўлди. Ғўза яганаси бошлангунга қадар далада ҳақиқатдан ҳам ишлаган одамларга ҳақ тўланди. Кўп бригадаларда ишчилар сони қисқартирилди. Турли сабабларга кўра, одамларга ишга чиқмаган кунлари учун иш ҳақи ёзилмади. Белгиланган иш нормасини бажармаган кишиларнинг иш ҳақи коллектив советлари қарорига кўра қисқартирилди. Шунингдек, 91,708 сўмлик ўғит, 23,923 сўмлик ёнилғи ва 1905 сўмлик чигит тежаб қолинди. Ҳар гектар ерга кўзда тутилган 70 кг ўрнига 62-63 кг чигит сарф-

ланди. Совхозда ерни ҳайдашдан олдин 3000 тоннага яқин гўнг чиқарилди. Экин ерларининг ярмига аммофос сепилди. Ер икки ярусли плуглар ёрдамида ўз вақтида шудгорланди²⁹⁵. 1970-1985 йилларда ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида Сурхондарё колхоз ва совхозларининг моддий-техникавий таъминоти анча яхшиланди. Уларнинг кўрсаткичлари ҳам ўсди. Колхоз ва совхозлар ихтиёридаги ерлар, ишлаб чиқарувчи воситалар, тракторлар, пахта терадиган ва ғалла ўрадиган машиналар сони, чорва моллари бош сони ва даромадлари муттасил равишда ортди. Аммо бу ўсиш бошқамуҳим бир масалани – ишсизлик муаммосини ҳал қила олмади. Колхоз ва совхозларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари аҳолининг табиий ўсишига мос бўлмади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида аҳоли сони муттасил ўсиб борди. 1959 йилда 422 минг, 1970 йилда 662 минг, 1979 йилда 895 минг, 1981 йилда 952 минг кишини ташкил этди. 1981 йилда шаҳар аҳолисининг нисбати 18,7% бўлди. Қолгани эса қишлоқ хўжалигида яшган. 1986 йил 1 январь ҳолатига кўра, Сурхондарё вилояти аҳолисининг сони 1133 минг киши, шундан 910 минг киши қишлоқларда яшаши қайд этилган. Шаҳарликлар 210 минг, мактаб ўқувчилари 296,1 минг, мактабгача таълим муассасалари болалари 66,9 минг, олий таълимда 4 минг, ўрта махсус билим юртларида 10,4 минг талаба бўлган²⁹⁶. 1985 йилда вилоятда 48 та колхоз ва 82 та совхоз бўлиб, уларда **жами 167,8 минг** ишчиси бор эди. Қолган 377,8 минг

²⁹⁵ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 580-фонд, 1-рўйхат, 157-иш, 159-варақ.

²⁹⁶ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. –С. 6-7, 256, 302,303,307, 308.

кишидан чақалоқлар, пенсионерлар, ҳарбийлар, мактаб, олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқитувчилари, боғча муассасаларидаги тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, қурувчилар, ирригаторлар, партия ва совет идоралари ходимлари, суд-ҳуқуқ, ички ишлар тизими ходимлари, шофёрлар, давлат ташкилотлари ишчилари, коммунал хизмат ходимлари, маданият ташкилотлари ходимлари ва шу каби муассаса хизматчилари олиб ташланган тақдирда ҳам Сурхондарё қишлоқларида энг камида 100-120 минг ишсиз бўлганлиги маълум бўлади.

1980 йилларда бутун Ўзбекистонда бўлгани сингари Сурхондарё вилоятида ҳам ишсизлик юзага келди. Совет даврида ишсизлик ҳақида очикча гапирилмас, бу ҳолат 1930 йиллардаёқ йўқ бўлган деб ҳисобланилар эди. Қолаверса, пахта кампанияси даврида бутун қишлоқ аҳолиси далага чиққанлиги ҳисобига жамоатчиликда «ишсизлик йўқ» деган фикрни уйғотар эди. Аслини олганда, ўзбек қишлоқларидаги ишсизлик муаммоси совет ҳукумати олиб борган нотўғри демографик сиёсати натижаси бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир демографик вазият, ишчи кучига бўлган эҳтиёж, пахта плантацияларининг кенгайиши совет давлатини аҳоли ўртасида туғилишни рағбатлантиришга мажбур қилди. Кўп болали аёлларга «Қаҳрамон она» унвони берилиб, уларга бир қатор имтиёзлар белгиланди. 1950-70 йилларда мамлакатда тиббий хизматнинг яхшиланиши, аҳоли ўртасида ўлим даражасининг пасайиб, умр кўришнинг узайиши, қишлоқ хўжалигидаги механизациялаш даражасининг ошиши, аҳоли нисбатида шаҳарликлар улушининг ортиши билан СССРнинг ғарбий ва шимолий қисмларида туғилиш олдингидек рағбатлантирил-

май қолди. Лекин Ўрта Осиёда вазият бутунлай бошқача эди. Улкан плантациялардаги пахтани термоқ учун кўпроқ одам зарур эди. Шу боис туғилиши ревалюцион доимий рағбатлантириб турилди. Туғилиши республикада ишсизликни лаштирмаслик оқибатида республикада ишсизликни муаммоси вужудга келди.

Совет пахта яккаҳоқимлиги сиёсатини амалга ошириш жараёнида маҳаллий миллат урф-одатлари, қадриятлари ва маросимларга қарши қишлоқларда жиддий коммунистик мафкура сиёсатини амалга ошириб, республика бўйича 1985 йилда 1975 йилга нисбатан 14 фоиз, 1981-1985 йилларда 1971-1975 йилларга нисбатан таққослаганда 11,8 фоиз қишлоқ макталари кам қурилган, бу ҳолат Сурхондарёда 21,5 фоиз кам қурилган²⁹⁷. Шунингдек, мактабгача тарбия муассасаларида қишлоқ аҳолисининг 50 фоиз фарзандлари жалб этилмаган, 1986 йилда мактабгача тарбия муассасаларида бутун қишлоқ аҳолиси фарзандларини атига 34 фоиз жалб этлган бўлиб, ҳар бир юз болага 7,2 та ўрин тўғри келган.²⁹⁸

Вилоятда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ва саноатни ривожлантириш орқали ишсизликни бартараф этиш мумкин эди. Аммо пахта монополияси йўл бермади. Саноат ниҳоятда суст ривожланди. Гарчи Сурхондарё пахта ва бошқа хом ашёнинг кони бўлса-да, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун бирон иш қилинмади. Статистик

²⁹⁷ Маврулов А. Культура Узбекистан на современном этапе. Общее состояние. Проблемы. Тенденция. Развитие (середина 70-х-1990 гг.). Автореф. дис., ... докт. ист. нук. - Тшакент, 1993. - С. 24.

²⁹⁸ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988... - С. 11. Абдуллаев А. Н. Узбекистонда пахта яккаҳоқимлиги ва унинг оқибатлари (1917-1991 й.й). Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т.: 2020. 6.312.

натълумотларга қараганда, 1940 йилда вилоятда 48 минг, 1960 йилда 80 минг погон метр газлама ишлаб чиқарилган бўлса, шундан кейин то 1980 йилларга қадар тўхтаб турди. Кейин 1982 йилда атиги 7 минг, 1983 йилда 8 минг, 1984 йилда 7 минг погон метр газлама ишлаб чиқарилиб, 1985 йилда батамом тўхтатилди. Трикотаж маҳсулотлари борасида ҳам ҳеч қандай ғамхўрлик кўрсатилмади. Вилоятдаги ягона тикувчилик фабрикаси Термиз шаҳрида жойлашган бўлиб, 1985 йилда атиги 10 минг дона юқори трикотаж маҳсулотини ишлаб чиқарди. Бу кўрсаткич Бухорода 3988 минг, Жиззахда 3839 минг, Самарқандда 3022 минг, Хоразмда 25 минг, Тошкент вилоятида 652 мингни ташкил қилди. Трикотаж ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Сурхондарё вилояти Навоий билан тенг, Қорақалпоғистондан сал юқори (7 минг) бўлди²⁹⁹.

Вилоят пиллачиликнинг асосий макони, Иттифоқнинг энг яхши агрономлари ва селекционерлари ишлашига қарамай, 1985 йилда 1427 тонна пилла етиштириб, ишлаб чиқарган маҳсулоти бор-йўғу 1366 погон метрни ташкил қилган. Унга ҳам зарур бўлган ип четдан келтирилган. Ваҳоланки, ўша йили Наманган вилоятида 76231, Фарғонада 55066, Самарқандда 11739 погон метр ипак газлама ишлаб чиқарилган эди³⁰⁰. Бундай ҳолатни саноатнинг бошқа соҳаларида ҳам кузатиш мумкин эди. Сурхондарёда темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш 300,1 минг м³ (Қорақалпоғистонда 342,8 минг, Қашқадарёда 439 минг, Самарқандда 350,5 минг, Тошкент вилоятида 1389,6 минг, Фарғонада 549,3 минг м³); ғишт ишлаб чиқариш 100 млн (Хоразмда

²⁹⁹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 году. - С. 79.

³⁰⁰ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. - С. 147.

Якубова Диларам Таджиевна

169,3 млн, Фарғонада 262,3 млн, Тошкент вилояти да 430,6 млн, Қорақалпоғистонда 136,1 млн, Андижонда 176,1 млн, Самарқандда 128,4 млн) донани ташкил этди. Электр энергия ишлаб чиқариш 1940 йилда 9,9 млн, 1960 йилда 76,7 млн кВт соатга эришилган бўлса, 1985 йилда атиги 0,3 млн кВт соатни ташкил қилди³⁰¹.

Марказ олиб борган пахта яккаҳоқимлиги сифати натижасида Ўзбекистон, жумладан Сурхондарё воҳаси ҳам СССРнинг хом-ашё базасига айланиб қолди. Сурхондарё бўйича жами суғориладиган ерлар (қисқа муддатга ишлатиладиганлари билан бирга) 1985 йилда 285,6 минг гектарга етди. Бу кўрсаткич 1971 йилда 196,3 минг гектар эди. Ернинг шўрланиши натижасида 1985 йилда 280,8 минг гектар ерга деҳқончилик қилинди. Ана шу майдонларнинг 240,3 минг гектари 1985 йилнинг ҳосили учун банд қилинган эди. Шундан ғаллага 37,3 минг (баҳорги ва кузги буғдой учун 16,3 минг, маккажўхори дони учун 8,1 минг, шоли учун 8,2 минг), ғўзага 154,9 минг, картошка, сабзавот ва полиз экинларига 5,4 минг беда учун 42,4 минг гектар ер ажратилди³⁰². Гарчи ҳосилдорлик ошган бўлса-да, ажратилган ерлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун етарли эмас эди. Аксинча, буғдой ва шоли етиштириш камайди. Яйловларнинг кўп қисми пахта экиладиган майдонларга айлантирилиши чорва моллари сонининг қисқаришига, аҳолининг гўшт, сут ва сут маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжлари қондирилмаслигига сабабчи бўлди. 1975 йилда вилоятда 28,9 минг тонна сут олиш режалаштирилган эди, амалда 9,2 минг тонна бўл-

³⁰¹ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. – С. 73, 74, 77.

³⁰² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. – С. 130-132.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОҚИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

ди³⁰³. Вилоятнинг йирик чорвачилик маркази бўлган Бойсун тумани фақат 1990 йилдагина давлатга гўшт топшириш режасини бажара олган. Унгача 15 йил давомида режани бажариш имкони бўлмаган. Сут эса 84 фоиз адо қилинган. Лекин 1989 йилга нисбатан 115 тонна кўп бўлди. 1990 йилда туман бўйича атиги 2 минг тонна ғалла етиштирилган³⁰⁴. Вилоят бўйича 1986-1989 йилларда кўпгина хўжаликларда гўшт ва сут топшириш режалари барбод бўлди³⁰⁵.

Юқоридаги сабабларга кўра, Сурхондарё вилояти ўз аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлай олмай, четдан олиб келишга мажбур бўлган. Фақат 1987-1989 йилларда олма – Польшадан, сариёғ – Франциядан, қуюлтирилган сут ва шакар – Украина ва Россиядан, гўшт – Мўғулистондан, ун ва картошка – Россиядан, консерва маҳсулотлари Венгриядан келтирилди. Сифатли шоколад маҳсулотлари, мандарин, апельсин, банан сингари тропик ва субтропик мевалар камдан-кам ҳоллардагина келиб қолар, у ҳам таниш-билиш орқали сотилар эди. Одамларнинг нон ва сут учун турнақатор навбатларда туриши 1970-1980 йилларнинг умумий манзараси эди. Сурхон-Шеробод воҳаси иқтисодиёти орқага кетиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида «оғриқли нуқталар» пайдо бўлди. Вилоятда товар танқислиги кучайди.

Совет давлати Ўзбекистонда пахта хом ашёси ҳажмини ва ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратиб, уни паст қийматда олиб кетишга ҳаракат қилди. Бунинг учун 1989 йилга қадар пахта мавсу-

³⁰³ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. – С. 309; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. – С. 156.

³⁰⁴ «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси. 1991 йил 7 февраль.

³⁰⁵ «Сурхон тонги» газетаси. 1991 йил 22 ноябрь

ми вақтида терилган 1 кг пахтага 5 тийиндан ҳақ тўланди. Бу ўша вақтда 1 стакан лимонаднинг нархига тенг эди. Пахта заводларида тозаланган 1 тонна пахта толаси учун совет давлати то 1990 йилга қадар республикага 810 сўмдан тўлаб турди. Иқтисодчиларнинг таҳлилига кўра, 1985 йилда 1 тонна пахта толасининг бозордаги нархи 2700 сўм эди. Шу даврда 1 тонна пахта етиштириш учун юртимизда 730,7 сўм, 1 тонна ғалла учун 145,3 сўм, картошкага 244,4 сўм, очиқ усулдаги сабзавотларга 131,9 сўм, йирик шохли қорамол гўшти учун 2375 сўм, қўй гўштига 1490 сўм, сутга 343,1 сўм, тухумга 116,8 сўм, жунга 6644,6 сўм сарфланган³⁰⁶. Пахтага жуда паст нарх белгилаб, совет давлати тўрт йил ичида (1984-1988) Ўзбекистонга 14,6 млрд сўм (1985 йилда 1 доллар 1 сўмга тенг эди) бермади³⁰⁷. Қизиғи шундаки, инқилобга қадар рус тижоратчилари бир тонна пахта толаси учун советлардан 5 барабар ортиқроқ, яъни 556 рубль олтин червонда ҳақ тўлашган.

Мустабид совет режимининг талончилик сиёсати Ўзбекистонда турмуш кечириш даражасини Иттифоқ бўйича энг паст ўринларга тушишига олиб келди. 1980 йилларда аҳолининг ўртача даромади жон бошига тақсимлаганда СССР бўйича 2118 сўм, Ўзбекистонда 1093 сўмни ташкил қилди. Бундан пастроғи Тожикистонда эди. Ўзбекистон колхозчиси ишлаган бир иш куни учун 1980 йилларнинг ўрталарида 5 сўм 88 тийин, Тожикистонда 6 сўм 04 тийин, Қирғизистонда 6 сўм 90 тийин, Туркменистонда 7 сўм 03 тийин, РСФСРда 8 сўм 03 тийин, Литвада 9 сўм 90 тийин, Эстонияда 14 сўм 04 тийин ҳақ оларди³⁰⁸. Бу далиллар совет мустамлака-

³⁰⁶ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г. - С. 168-169.

³⁰⁷ Газета «Правда Востока», 3 марта 1990 года.

³⁰⁸ Социологические исследования. М. «Наука». 1989. - №1. - С. 14.

чилик тизимининг асл қиёфасини яққол кўрсатиб берар эди. Фан ва техника ютуқларидан қишлоқ хўжалик ишларида етарлича фойдаланилмаслиги ҳамда заҳарли химикатлар (бутефос, меркаптоз ва ҳоказо)дан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш, уларни сақлаш ва ишлатишдаги қўпол хатоликларга йўл қўйилиши оғир оқибатларга олиб келди. Вилоятда экологик вазият ёмонлашиб, аҳоли саломатлигига жиддий путур етказди. Янги ерларни ўзлаштириш даврида йўл қўйилган хатоликлар натижасида экин майдонларининг агротехник ҳолати бузилиб, тупроқ, сув ва ҳавонинг заҳарланишига ҳамда, ғалла ва сабзавот экинларига, ҳатто чорва молларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатди. Бу эса, оғир оқибатларга олиб келиб, аҳоли ўртасида турли касалликлар ва болалар ўртасидаги ўлим ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлди. Бироқ, пахта етиштиришни кўпайтириш марказнинг асосий сиёсатидан бири бўлиб қолаверди.

Совет давлатидаги режали иқтисодиёт ҳеч қандай иқтисодий қонуниятлар ва объектив сабабларни тан олмас эди. Режа қандай бўлмасин бажарилиши шарт ва зарур эди. Марказ бир томондан Ўзбекистонга бажариб бўлмайдиган режани тақдим этар, иккинчи томондан ўзбек пахтакорларининг оғир меҳнатига жуда паст нарх белгилар, бу иши билан Ўзбекистонда қўшиб ёзишни келтириб чиқарди. Режани бажармаслик партиядан ўчирилиб, мансабидан ажралиш ёки жиноий жавобгарликка тортилишгача борар эди. Режани бажариш учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарияти юқорига нотўғри ахборот бериш ва қўшиб ёзишга (приписка) мажбур бўлган эди. Хуллас, Москвадагилар ўзларини гўёки етарлича ҳақ тўлаётгандек қилиб кўрсати-

шар, Ўзбекистондагилар ҳам бунга жавобан ҳамин режалар бажарилаётгандек қилиб кўрсатишар эди. Кўшиб ёзиш фош бўлмаслиги учун партия раҳбариятига совға қилишлар одат тусига кирди. Қоляев ва совхоз раислари райкомларга, улар обкомларидан республика партия раҳбариятига «хурмат» кўрсатишар, айсбергнинг чўққиси Кремлдаги олий рутбали партия раҳнамоларига бориб тақалар эди.

Хуллас, Ўзбекистон раҳбарияти нима қилиб бўлса ҳам Марказнинг пахта сиёсатини юмшатишга, уриб қолинган пахта даромадининг бир қисмини халқимизга олиб беришга ҳаракат қилди. Аммо миллий раҳбарларимизнинг бу ишини Марказ «кечирмади». 1982 йил ноябр ойида Бош котиб Л.И.Брежнев вафотидан сўнг унинг ўрнига чиққан Ю.В.Андропов «пахта иши»ни очди. СССР Бош прокурори П.Рекунков Кремлдан олинган буйруққа кўра, бу ишга ҳар қандай ноқонуний усуллардан тап тортмайдиغان, кескин ҳаракатлар қилишга мойил икки ходими – Т.Х.Гдлян ва Н.Ивановлар бошчилигидаги комиссия гуруҳини шакллантириб, уларга ўғирланган пулларни топиш вазифасини юкледи. 1983 йилнинг кузида Ш.Рашидовнинг ўлиmidан сўнг бу гуруҳ Ўзбекистонда том маънодаги қатағонни авж олдиради. 1985 йилда ҳокимият тепасига М.Горбачёвнинг чиқиши билан жиноий иш сиёсийлаштирилиб «Ўзбеклар иши»га айлантирилади. Мамлакат миқёсида ўзбек халқига нисбатан мисли кўрилмаган даражада тухмат уюштирилди, гўёки ўзбеклар иттифоқ қозонига ҳеч нарса бермай боқимандалик билан кун кечиради, ҳамма ўғирликларга фақат ўзбекларгина айбдор деган бўҳтонларни тарқатишиб, уларни ҳақорат қилиш, жирканиш, устидан кулишдек салбий ҳолатлар сунъий равишда авж олдирилди. Оқи-

батда бу қатағондан фақат оддий халқ жабр чекди. Минглаб одамлар – республика раҳбарларидан тортиб оддий табелчига қадар қамоққа олинди. Улар орасида воҳа аҳлининг суюкли фарзандлари – В. Омонов, Н. Туроповдек элпарвар кишилари ҳам бор эди.

Аслини олганда, Марказ бу ишни Иттифоқ миқёсида бош кўтараётган норозилик кучларига сабоқ бўлиши учун бошлаган эди. Бунинг учун бежиз Ўзбекистон танланмаган эди. Негаки, бу юртда 1918-1931 йилларда миллий-озодлик ҳаракатлари зўрға бостирилган, вақти-вақти билан миллий кучларга қарши репрессиялар ўтказилаётган эди. Аммо Ш.Рашидов даврида вазият бутунлай бошқача эди. Аҳоли тинч яшар, миллий кучлар Ш.Рашидов қўл остида бирлашиб, Кремль билан муроса қилиб яшашни афзал кўрган эди. Шунга қарамай, Марказ қалтис ишга қўл уриб, бутун бошли ўзбек миллатини бадном қилишга уринди ва бунинг учун оғир товон тўлади.

«Ўзбеклар иши» бошланиши билан Сурхондарёдаги Ш.Рашидов билан бирга ишлаган барча раҳбарлар турли айблар билан ишдан бўшатирилди. Қатағон қилинган раҳбарлар илгарилари ўз обрўйи ва тажрибасидан келиб чиқиб муаммоларни ҳал қилишар эди. Уларнинг ўрнига қўйилган ёш кадрлар тажрибаси етарли бўлмаганидан иш билан танишиб олишга улгурмай, йиллар давомида етилиб келган муаммоларга дуч келиб қолдилар. Бу ҳам етмагандек, Россиядан республикага юборилган «десантчи кадрлар»нинг маҳаллий шароитларни тушунмаслиги вазиятни янада чигаллаштирди. Натижада Ўзбекистонда ишсизлик даражаси ошди. Озиқ-овқат ва кенг истеъмол молларининг тақчиллиги юзага келди. Одамларнинг совет ва партия органларига нисбатан норозилиги янада кучайди.

1985 йилда бошланган «қайта куриш» сиёсати мамлакатда ошкораликни таъминлади. Энди оданлардан ҳеч нарсани яшириб бўлмас эди. Бунинг устига, Марказдан келган терговчилар ҳарчандуринишмасин Ўзбекистондан ўғирланган миллионларни топа олишмади. Аксинча, тергов ўғирлигининг бошида Марказ турганлигини кўрсатиб берди. Шарманда бўлишидан кўрққан КПСС МК 1988 йил охирида ишни тўхтатиб, терговчиларни Москвага чақириб олишга ва уларнинг ўзига нисбатан жиноий иш кўзғатишга мажбур бўлди. Лекин энди кеч бўлиб қолган эди. 1986-1988 йилларда СССР да бўлиб ўтган йирик табиий ва техноген фалокатлар туфайли мамлакатда бундандал улканроқ ўғирликлар бўлганлигини ва уларда Кремлнинг қўли борлигини яққол намоён қилди. КПСС ва Совет ҳукуматининг обрўйи кескин тушиб кетди.

«Пахта иши», «ўзбеклар иши» сингари жараёнлар Марказнинг асл башарасини очиб берди. Совет давлатининг байналминалчилик, қардошлик, тенглик ҳақидаги ғоялари пуч эканлиги маълум бўлди. Совет тузумига шунча йил садоқат билан хизмат қилган ўзбек халқига қарши оммавий қатағон уюштирилиши бошқа республикаларнинг Марказга нисбатан ишончини йўқотди. Республикалардаги илғор кайфиятдаги зиёлилар ва сиёсатчилар ўзларининг бошига шундай кунлар тушмаслиги учун миллий ҳаракатларни авж олдирдилар. Аввал Кавказортида, сўнгра Болтиқбўйида СССРдан чиқишга уринишлар бўлиб ўтди. СССРнинг кулаши аниқ бўлиб қолди.

Ошкоралик шароитида Сурхондарё вилояти раҳбарияти вазиятдан келиб чиққан ҳолда иш юриштишга киришди. Кам ерга эга бўлган ва норентабел

10 та совхоз тугатилди. Аммо «пахта иши» туфайли ўтказилган оммавий қатағонлар ўз ишини қилиб бўлган эди. Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида инқироз ва тушкунлик ҳолатлари сезилди. 1987 йилда вилоят бўйича гўшт ва сут топшириш режаси барбод бўлди. Капитал қурилишларда асосий фондларни ўзлаштириш режада белгиланганидан 100 миллион сўм кам бўлди. 30 миллион сўмга яқин капитал жамғарма ўзлаштирилмади. Пахта ҳосилдорлиги 31 центнер бўлишига қарамай, туманларнинг ярми гектар бошига бундан паст ҳосил етиштирилди. Айниқса, Бойсун, Шеробод, Жаркўрғон, Термиз туманларида, шунингдек, 54 та пахтакор хўжаликда ҳосилдорлик бирмунча паст бўлди. Бундан ташқари, 11 хўжалик пахта тайёрлаш режаларини бажармади. Улар ҳисобига 5700 тонна пахта кам етказиб берилди. Ваҳоланки, мавжуд имконият кўшимча равишда 18 минг тонна пахта тайёрлаш имконини берган бўлар эди. 1986-1987 йилларда вилоят пахтакорлари фақат пахта толасининг ўзидан 50 миллион сўмга яқин даромад қилдилар. Аммо харажатларни ҳисобга олганда бу пул етарли эмас эди. Толанинг чиқиши вилоят бўйича ўртача 32 % бўлгани ҳолда Ленин йўли ва Гагарин туманларида 29 % ни ташкил қилди³⁰⁹. 1988 йилда Термиз туманидаги Гулбаҳор совхозини пахта тайёрлаш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Режага кўшимча равишда 500 тонна пахта тайёрланди. Ялпи ҳосилнинг 90% машиналарда терилди. 24 та пахта териш машинасининг иш унуми 120 тоннадан ошди. Режа-

³⁰⁹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 138-иш, 51-варақ.

даги пахтанинг 100% биринчи сортга топширилди. Машина терими режаси 118% га бажарилди. Ўртача ҳосилдорлик 32 центнерга етди³¹⁰.

Вилоят бўйича пахта ҳосилининг 50% машиналар ёрдамида териб олинди. Ҳар бир терим машинаси билан ўртача 80 тонна пахта йиғиб олинди. Шеробод туманида бир терим машинасининг меҳнат унумдорлиги 157 тоннани, Ленин йўлида – 133 тонна, Гагарин – 116 тоннани ташкил қилган бўлса, Ангор ва Жарқўрғон туманларида бу кўрсаткич зўрға 54 тоннани ташкил этди. Пахта кампаниясига ўқувчи ва талабаларни олиб чиқмаслик тўғрисидаги фикрлар баралла янграй бошлади. Бу борада Тожикистон танлаган йўл ҳаммага маъқул келди. Улар 1987 йилдан бошлаб пахтага ўқувчиларни олиб чиқишни тўхтатишган эди. 1988 йил 9 декабрида Сурхондарё вилоят XXI партия конференциясида обкомнинг биринчи котиби С.Мамарасулов маъруза қилиб, бундан кейин ўқувчиларни дала ишларига олиб чиқишни тўхтатиш кераклигини маълум қилди³¹¹. 1989 йил 23 июнда Ўзбекистон КП МК биринчи котиблигига И.Каримовнинг сайланиши республикада Марказнинг талончилик сиёсатига чек қўйди. Россия тўқимачилик корхоналарига паст нархларда пахта толасини жўнатиш тартиби бекор қилинди. Пахта толасини республика ташқарисига бозор нархлари бўйича сотиш жорий этилди.

Одамларни пахта теримига жалб қилиш учун 1989 йил сентябрда қўлда терилган пахта учун тўланадиган нархлар оширилди. Унга кўра, 1 кг **қўлда терилган пахтага 20 тийин, якшанба кунла-**

³¹⁰ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 138-иш, 66-варақ.

³¹¹ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 446-фонд, 1-рўйхат, 141-иш, 64-варақ.

ри 25 тийин, 7 ноябрга 40 тийиндан ҳақ тўланди. 1990 йилда 1 кг пахтага 25 тийин, якшанба кунини 40 тийин, 7 ноябр кунига 50 тийиндан берилди. 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан қўлда терилган пахтанинг бир килосига 40 тийиндан, машинада терилган бир тонна пахта учун 25 сўмдан тўланиши белгиланди. Пахта харид нархи 50 % га оширилди³¹².

Пахта харид нархининг оширилиши натижасида 1990 йил 15 сентябрда Термиз туманидаги Гулбаҳор совхозини республикада пахта топшириш мажбуриятини биринчи бўлиб бажарди. Орадан бир ой ўтгач, Сурхондарё вилояти, 16 октябрь кунини Республика пахтакорлари ўз мажбуриятларини бажардилар. Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда ҳар беш кунда 1 миллион тоннадан пахта топширилди. 20 октябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 5,5 миллион тонна пахта ҳосили йиғиштириб олинди. 1991 йилда Ангор туманидаги Октябрь 50 йиллиги колхозининг Эшбўри Алиқулов бошлиқ бригадаси гектаридан 37 центнердан ингичка толали пахта етиштирдилар³¹³. Пахта қоғоз саноати марказий илмий-текшириш институти томонидан берилган маълумотларга кўра 1 тонна ўртача толали пахтадан 8620 метр, шунча миқдордаги ингичка толали пахтадан 15150 метр газлама тўқиш мумкин экан, кейингисининг нархи 1,5-2 баробар юқори юради³¹⁴.

Сурхондарё вилоятидаги «Гулбаҳор» совхозини қайта куриш ва мустақилликка эришиш даврида

³¹² Сурхондарё вилояти давлат архиви. 507-фонд, 1-рўйхат, 81-иш, 35-варақ.

³¹³ Сурхондарё вилояти давлат архиви. 507-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 69-варақ.

³¹⁴ Жўрақулов Б., ва бошқалар. Ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. –Б. 6.

Республиканинг энг илғор пахтачилик хўжалигини айланди. 1986-1991 йилларда хўжалик пахта топшириш режасини вилоят ва республикада биринчи бўлиб бажарар, пахтанинг асосий қисмини машинада териб, четдан ёрдамчи олмайдиган даражага етди. Совхоз пахтадан олинадиган даромадни ошириш мақсадида «тегирмон» усулини қўллаб, пахтани заводга топширмай, хўжаликнинг ўзида тозалашга эришди. Бу усул 1990-1991 йилларда бутун республикада оммалаштирилган ва оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез тилга олинган эди.

Ўзбекистон ёғ-мой саноати 1990 йили қарийб 0,3 млн тонна ёғи, 1 млн тоннадан зиёд шрот (тахта, кунжара) олди. Шелухаси эса моллар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Пахтадан олинадиган маҳсулотлардан фойдаланмайдиган халқ хўжалигининг бирон бир тармоғини топиш қийин. Шунинг учун ҳам у мамлакатимиз иқтисодиётида металл, ёнилғи ва дон сингари жуда катта аҳамиятга эга бўлган ашё ҳисобланади³¹⁵.

Хуллас, 1971-1991 йиллар оралиғида вилоятда пахта етиштириш ҳажми кўпайди. Суғориладиган ерларнинг 65 % пахтачиликка берилди. Бироқ, бу йилларда Ўзбекистон қишлоқхўжалигини ривожлантириш стратегияси чинакам ислохотчилик мазмунига эга бўлмади. Муаммодан кутилишнинг бирдан-бир йўли янги ислохотларни амалга ошириш, инсонларнинг ерга бўлган муносабатини қатъиян ўзгартиришдан иборат эди. Афсуски, бу ислохотларни амалга оширишда мустабид тузум сиёсати тўсқинлик қиларди.

³¹⁵ Журакулов Б., ва бошқалар. Ингичка толали пахтадан юқори ҳосил олиш агротехникаси. - Б. 5.

III БОБГА ХУЛОСАЛАР

Хулоса қиладиган бўлсак, монографияда Сурхон воҳасида пахта яккаҳокимлиги узил-кесил қарор топди. Пахтачилик Сурхон воҳасининг асосий тармоғи бўлиб қолди. Пахтачилик соҳасида фан ва техника ютуқларининг кенг қўлланилиши пахта ҳосилдорлигининг ошишига олиб келди. Айниқса, пахта йиғим-теримида машина меҳнатидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этди. Воҳадан илғор механизаторлар, донгдор теримчилар ва машхур раислар гуруҳи етишиб чиқди.

Бу даврда воҳа пахтачилигида асосан ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашиб борди. Негаки, Сурхон воҳасининг иссиқ иқлими ингичка толали пахтани кўплаб етиштиришга имкон берар эди. Шу боис бу соҳада илмий тадқиқот ишларини ўтказиш Марказ томонидан қўллаб-қувватланди. Тажриба станцияларида яратилган янги серҳосил навлар бу соҳани янада тараққий эттирди. Натижада, Сурхондарё вилояти ингичка толали пахта етказиб бериш бўйича республикада биринчи ўринга чиқиб олди.

Аммо пахта монополияси бошқа жиддий муаммоларни юзага келтирди. Буларга ишсизлик, озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги, саноатнинг суст ривожланиши ва бошқаларни киритиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида заҳарли кимёвий воситаларнинг ҳаддан ортиқ кўп қўлланилиши экологик вазиятни ёмонлаштириб юборди. Юқумли касалликлар, оналар ва болалар ўртасидаги ўлими кўпайди. Қолаверса, Марказ томонидан белгиланган режани бажариш учун одамлар қаҳратон со-

вуқда пахта теришга чиқартирилди. Бу эса, уларнинг соғлиқларига путур етказди. Шунга қарамай, Марказ пахтакорлар меҳнатига кам ҳақ берарди. Бу ҳам етмагандек, янада кўпроқ пахта етказиб бериш мажбуриятини юклади. Режани бажара олмаганликлари учун маҳаллий раҳбарларимиз кўшиб ёзишга мажбур бўлишди. Иттифоқ томонидан маҳаллий шароитлар ҳисобга олинмай, бир қолипдаги йўл-йўриқлар берилавергани қишлоқдаги барча ишларнинг орқага кетишига олиб келди. 1983-1988 йилларда бўлиб ўтган «пахта иши», «ўзбеклар иши» жараёни вилоятда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг оғирлашувига сабаб бўлди. Фақат И.Каримовнинг ҳокимиятга келиши вазиятни бироз юмшади. Пахта монополиясига чек қўйиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун чоралар кўрила бошланди.

ХУЛОСА

Монографияда Сурхон воҳаси мисолида XX аср ўзбек халқи тарихида пахтачилик маданиятининг тутган ўрни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Таҳлил жараёнида қуйидаги фикрларга эга бўлинди:

1) Совет ҳукумати марказий саноат корхоналарини пахта хом-ашёси билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантирди. Бунинг учун янги ерларни ўзлаштириш ва уларни сув билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берди. Чунки, Ўзбекистоннинг қулай табиий-географик шароити пахтачиликни ривожлантириш имкониятини берар эди;

2) Сурхон воҳасида замонавий гидротехник иншоотларнинг бунёд этилиши, эски суғориш тизимларининг қайта таъмирланиши ва янги магистрал машина каналларининг қурилиши натижасида ўн минглаб гектар янги очилган ерларни пахта майдонларига айлантириш имконини берди;

4) Сурхон воҳасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши пахта етиштиришни комплекс механизациялаш, илғор агротехника қоидалари ва минерал ўғитлардан фойдаланиш учун катта имкониятлар яратди. Йирик ирригацион-мелиоратив ишларини амалга ошириш натижасида Сурхон-Шеробод воҳаси республиканинг йирик пахтакор ҳудудига айланди;

5) Советлар даврида суғориш тизимининг нотўғри режалаштирилиши туфайли ерларнинг шўрланиши ва ҳосилдорликнинг пасайиши мунтазам кузатилди. Совет ҳукуматининг Ўзбекистондаги

янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш иншоотларини барпо этиш сиёсати ушбу ҳудудларнинг гидрогеологик шароитларини салбий томонга ўзгартириб юборди. Натижада йирик-йирик пахта далаларида сувларнинг сизиб ўтиши боис минераллашган сизот сувларининг сатҳи кескин кўтарилди;

б) Юқорида қайд этилган муаммолардан келиб чиқиб, пахтачиликка мослаштирилган майдонларда шўрланишнинг олдини олиш ва бартараф этиш масаласида илмий тавсияларни ишлаб чиқиш, Совет даврида йўл қўйилган хатоларни тузатиш, тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишга ёрдам бериш муҳим масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президент асарлари

I.1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.50.

I.2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.59.

I.3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.107.

I.4. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.491.

I.5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б.56.

I.6. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б.205

I.7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б.40.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

II.1. «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Пре-

Якубова Диларам Таджиевна

зидентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган Қарори // Халқ сўзи газетаси. 2001 йил, 2 май.

II.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <http://strategy.regulation.gov.uz>.

II.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ-3978-сонли «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. www.lex.uz

II.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги № ПҚ-4021 «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. www.lex.uz

II.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сонли «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. www.lex.uz

III. Хужжатлар ва статистик тўплам материаллари:

III.1. Деятельность компартии и советского правительства по развитию хлопководства в Узбекистане (1925-1937 г.г.). (Документы и материалы) Сост. Ж.А. Зайченко, Л.Н. Зотова, А.А. Абдукадыров, П.Г. Ким (отв. ред.).-Ташкент: Фан, 1990. – 317 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

III.2 -Хлопководство Узбекистана за 50 лет Справочник (2-е, доп, и перераб изд.)-Ташкент: Фан 1973.-673 с.

IV. Архив хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси

Миллий Давлат архиви:

IV.1. Р-9 фонд, опис 1 едхр 286 лл 35.0 мерах борьбы с оседанием плопка у населения в новых хлопковых постанавление № 89 сто СССР

IV.2. Р-10 фонд, опис 1 х 1975. Обзор об участии женщин средне Азия в борьба за хлопковую независимость

IV.3. Р-18-фонд-Ўрта Осиё совхозлар қурилиши бош бошқармаси архиви фондлари: инв-7, инв-25-86, инв-627, инв-987, инв-4473, инв-15901.

IV.4. Р-86-фонд-Ўзбекистон ССР Ишчи, деҳқон ва қизил аскарлар депутатлари Марказий Ижроия комитети (ЦИК УзССР).

IV.5. 186-фонд, оп 1 едхр 4197 лл 5-6 16-11 Сурхандарьинский округ о принятим р срочных мер в связи с прибытием переселенцев из Ферганского Ходжека округов из Сурхандарин окрисполком протокол. №351, №451, №751.

IV.6. 837 -фонд, опис 15 ед 110 л 7. Узбекистан в борьбе за мировые

IV.7. 190-фонд, опис едхр 106 л 160. Об удоблере-варение просьба Таджик СНК о переселение

IV.8. 190-фонд, ед хр 1022 1924-35. Приказы и циркуляр Норкомзема СССР ва УзССР проекты по-стоновление и протокол заседание

IV.9. 190-фонд, 1851 едхр 1941-65.Отдел сель-скхоз исполнител комитет район советов депутат труд.

IV.10. Тер 181-фонд,, 36 едхр 1951-60 Шер Фонд 45, 195 едхр 1936-66

IV.11. Р-94-фонд-Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги.

